




# ФАЛАН ВА ТУРМУШ



Август ойининг бошларида Тошкент воҳаси ва Фарғона водийси устидан учиб ўтган НУО аслида хитой олимларининг Ўзбекистон ССЖ ФА Фалакиёт институти ходимлари билан олиб бораётган илмий тажриба қурилмаси эди.



Камол аҳли кетди, қадрдон йиғлар,  
Ед этиб файзларин бул замон йиғлар,  
Сухандонлар кетди, аммо сўзларин  
Мағзин чақиб қалам қора қон йиғлар.  
Мирза БЕДИЛ.







**Ж**умҳуриятимиз Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси ва физикаси институти ҳузурида махсус хроматография илмий маркази ташкил этилганлигига яқинда икки йил бўлди. Унинг асосий вазифаси

бирикмаларни хроматографик усулда таҳлил этишдан иборатдир. Марказ жумҳурият Фанлар академияси институтлари, ўлкадаги тармоқ илмий тадқиқот институтлари, корхона ва ташкилотларнинг буюртмаларини бажаради.

Хўш, хроматографиянинг ўзи нима, унинг қандай қаромати бор экан, деган савол туғилиши мумкин муҳтарам муштарийларда. Бу саволга ойноманинг шу сонда берилаётган Тошкент Давлат дорилфунуни органик кимё кафедрасининг мудир, профессор Ҳожимурод Йўлдошев ҳамда шу кафедранинг доценти, кимё фанлари номзоди Аҳмаджон Юсуповнинг мақоласидан жавоб топишингиз мумкин.  
Сураткаш Сергей ДОВИДОВ.



Хроматография илмий марказининг кичик илмий ходими Умида Муҳаммадғалиева «Милихром» суюқ хроматографда намуна таҳлилинини ўтказяпти.



Муҳандис Эльмира Абдулина хроматография учун махсус сорбентлар таҳлили билан машғул.



Илм олмакка интилиш  
 ҳар бир муслим ва  
 муслима учун қарзу фарз  
 ҲАДИС



1933 йилдан чиқа  
 бошлаган  
 ноябрь — 1990

Ўзбекистон  
 Фанлар  
 академиясининг  
 илмий-оммабон  
 ойномаси

### Ассалому алайкум азиз муштарий!

#### Ойноманинг ушбу сонида

**БОШ МУҲАРРИР**  
 Комилжон ЗУФАРОВ  
**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**  
 Абдумавлон АБДУЛЛАЕВ  
 Аҳмадали АСҚАРОВ  
 (бош муҳаррир ўринбосари)  
 Камол БОБОМУРОДОВ  
 Галина МАТИЕВСКАЯ  
 Ҳусниддин УМАРЗОДА  
 (масъул котиб)  
 Уктам ПРАТОВ  
 Асом РАФИҚОВ  
 Зокиржон САЛИМОВ  
 Маҳмуд САЛОҲИДДИНОВ  
 Ёлқин ТУРАҚУЛОВ  
 Нурислон ТУХЛИЕВ  
 Раҳим УСМОНОВ  
 Файзулла УСМОНОВ  
 Комил ХОЛМУҲАММАД  
 (бош муҳаррир ўринбосари)  
 Шабот ХУЖАЕВ  
 Эркин ЮСУПОВ  
**БЎЛИМ МУҲАРРИРЛАРИ:**  
 Рустам ОБИД  
 Оқилхон ОДИЛХОН  
 Саид МУРОД  
**МУҲАРРИРЛАР:**  
 Маҳфуза АСАДУЛЛА қизи  
 Рустам БОЙТЎРА

ЙУЛДОШЕВ Ҳ. Хроматография нима беради! . . . . .	2
МАҲКАМОВ Р. «Ғуруримиз» ташвишлари . . . . .	4
ҲАСАНОВ М. Туркистон мухторияти: ҳақиқат ва уйдирма . . . . .	6
АКРОМХУЖАЕВ О., ОДИЛХОНОВ О. Энг бахтиёр дамлар . . . . .	8
САЛОЕВ М. Халқ табobati . . . . .	10
ЙУЛДОШЕВ Н., МИРПУЛАТОВ У. Истиқболли касб . . . . .	13
ИЗЗАТУЛЛАЕВ З., РУЗИЕВ М. Марварид . . . . .	14
ТОШМАТОВ Э. Амир Темур совғаси . . . . .	15
Ҳадис . . . . .	16
ФАЙЗИЕВ Т. Соҳибқироннинг сўнгги кунлари . . . . .	18
БОБОБЕКОВ Ҳ. Елгон ва ҳақиқат . . . . .	20
МАҲМУДОВ Қ. Туркий қавмлар тақдири . . . . .	22
РУСТАМ ОБИД Дуонинг кучи . . . . .	24
ЗОҲИДОВ А. Ат-Термизий . . . . .	27
Кэмпо-эврилиш санъати . . . . .	28
Шарқий мучал . . . . .	30

каби мақолаларни ўқийсиз

#### Билдириш

Муаллифларимизнинг фикр-мулоҳазалари «Фан ва турмуш» муҳарририяти, таҳрир ҳайъати ва жумҳурият академиясининг ҳайъати қарашларига ҳар доим ҳам тўғри келавермаслиги мумкин.

#### Келгуси сонда

☐ Бозор иқтисодиёти жумҳуриятимизда қандай амалга оширилади ☐ Агар бола шайтонласа ☐ Ипак йўлидаги кўноқлар ☐ Муштарийларнинг қалб сўзлари ☐ Болгариялик фолбин Ванганинг ўзга оламдагилар билан учрашуви ☐ Мухбиримизнинг сафар таассуротлари.



Ҳозирги даврда фан ва техниканинг илдам ривожланиши физик ва физик-кимёвий таҳлил усулларининг муваффақиятига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бундай усуллардан кимёвий моддаларнинг сифати ва миқдорини таҳлил этиш, уларнинг хоссаларини аниқлашда ҳам фойдаланилади. Физик-кимёвий усуллар орасида хроматографик усул алоҳида ўрин тутати. Бу усул ўзининг самаралилиги, танловчанлиги, текширилаётган модда ва моддаларни тез аниқлай олиши, оддийлиги ҳамда ўзга усуллар билан бирга бемалол ишлатилавериши, муштараклиги, кимёвий тузилиши ўхшаш моддаларни бир-бирдан фарқлаши, жуда кам миқдордаги моддаларни ҳам аниқлай олишига кўра бошқа усуллардан фарқ қилади. Бинобарин, саноатда ва

жисм, яъни сорбент юзасига ютилишидир. Суюқ моддалар, газ, буғ ва эритмаларнинг суюқликларда ютилиши ёки уларнинг ҳажми бўйича тарқалиши эса абсорбция дейилади. Адсорбцияланиш ва абсорбцияланиш амалга ошиши учун албатта модда молекулалари диффузияланиши лозим. Акс ҳолда сорбцияланувчи молекулалар жисм сиртига ёки суюқлик ҳажмига етиб бормади, демек сорбцияланиш жараёни содир бўлмайди. Хроматографик жараёнларнинг самаралилиги ички ва ташқи диффузия жараёнларининг ўзаро нисбати ҳамда ташқи таъсири билан белгиланади.

Хроматографик ажралишнинг моҳияти шундаки, ажралувчи моддалар аралашмасининг молекулалари кўзгалмас сорбент қаватидан кўзгалув-

да амалга ошириладиган яна бир муҳим жараён — сувни юмшатишдир. Завод, фабрика ва кемаларда ишлатиладиган сув ионалмаштиргич тўлдирилган колонналарда ёки ионалмаштиргич мембраналар воситасида юмшатилади. Бинобарин, шу усулдан фойдаланиб ҳозирги замон кемаларида озига олиб бўлмайдиган денгиз сувидан ичимли сув тайёрланади.

Умуман, табиат, тирик вужуд ҳамда ўсимликлардаги кўпгина физиологик жараёнларда «суюқ-суюқ» хроматографик усул қонуниятларининг ҳам улуши бор. Маълумки, оқсилларнинг парчаланиши натижасида аминокислоталар ҳосил бўлади. Биологик кимёвий таҳлилда аминокислоталарни қоғоздаги ва юпқа қаватда сорбентли хроматография усуллари ҳамда энг

## ХРОМАТОГРАФИЯ НИМА БЕРАДИ?

лабораторияда кимёвий жараённинг ҳамма босқичидаги реакцияга киритилган ва реакция натижасида ҳосил бўлаётган моддаларни хроматографик усул ёрдамида ўта аниқ тарзда таҳлил этиш мумкин.

Хроматографиянинг вужудга келиши ва ривожланиши бевосита М. С. Цвет деган олимнинг номи билан боғлиқ. У 1903 йили кальций гидроксиди тўлдирилган шиша асбобда ўсимликдаги ранг киритувчи табиий бўёқларни таркибий қисмларга ажратди ва шу тарзда хроматографияга асос солди. Зар қадрини заргар биларди, деганларича бор экан. Буни қаранг, бу янгиликка Россияда ҳеч ким эътибор бермади. Шунда олим ўзининг хроматография назарияси ва амалиётига оид бир қанча фикрлари билан Оврупо табиётшунослари ва шифокорлари анжуманларида қатнашди. Шундан сўнг хроматография асослари Оврупода ривожлана бошлади. Уша кезларда кимё ва биологик кимё илмларининг чуқурлашуви натижасида ўша давргача олинган антибиотик, дармондори моддалар, бўёқлар, табиий манбалардан ажратиб олинган гормонлар ҳамда оқсиллар, аминокислоталар таҳлилига хроматография усули тадбиқ этила бошланди.

Иккинчи жаҳон уруши охирларига келиб атом техникасининг илдам ривожланиши уран ва плутоний изотопларини бир-бирдан ажратиш вазифасини қўйди. Бу вазифа хроматографиянинг ионалмаштиргич тури воситасида бажарилди. Изотоплар тозаланиб, критик масса аниқлангандан сўнг термоядро реакциясини амалга ошириш имконияти яратилди.

Моддаларни хроматографик усуллар ёрдамида ажратиш ва миқдорий аниқлаш уларнинг сорбцияланиши ва тақсимланиш жараёнларига асосланган. Адсорбцияланиш — бу газ, буғ ёки эритилган моддаларнинг қаттиқ

чан фаза, хусусан газсимон ва суюқ моддалар қаватига ёки ҳажмига ўтиб, у билан бирга силжийди. Силжиш жуда кўп марта содир бўладиган такрорланувчи мувозанатга ва пировардида моддаларнинг бир-бирдан ажралишига олиб келади. Соф модда эса нигоҳий ёки детектор ускунаси ёрдамида қайд қилинади.

Барча хроматографик усуллар адсорбцион, абсорбцион, хемосорбцион сингари уч хил қонуният асосида амалга оширилади. Бу қонуниятларга асосланган жараёнлар саноат ва табиатда кенг тарқалган бўлиб, саноатнинг турли тармоқларида зарарли газсимон ва суюқ моддаларни йиғиб олиш ҳамда уларнинг миқдорини аниқлашда катта аҳамият касб этади. Умуман, атроф-муҳит муҳофазасида сезгирлиги хроматографик усулга тенг усул ҳали ишлаб чиқилгани йўқ.

Хроматографик қонуниятлар асоси-



Дорилфунун органик кимё кафедрасининг катта муҳандиси Муҳайё Фаҳриддинова ва кафедра талабаси Фотима Ниёзова моддаларни газ-хроматографида таҳлил қилишмоқда.

янги самарали ҳисобланган «суюқ-суюқ» хроматография усули қўлланмоқда. Фараз қилайлик, сиз қандайдир оқсилнинг парчаланиши натижасида ҳосил бўладиган аминокислоталар аралашмасини сифат жиҳатидан таҳлил этмоқчисиз. Бунинг учун, аввало қўлингизнинг тозалигига алоҳида эътибор берасиз. Дастлаб хроматография учун махсус ишлаб чиқарилган қоғоздан квадрат қирқасиз. Сўнгра унинг бир томонидан 1,5 сантиметр қолдириб диаметри 4 миллиметрли 8—10 тача доирачалар чизасиз. Шиша капилляр ёрдамида аминокислоталар аралашмасини ҳамда эталон аминокислоталарнинг 70:30 ҳажмий нисбатдаги сув-спиртли 3 фозли эритмаларидан доирачалар марказига теккизиб шимдирасиз. Бунда шимилиш чегараси доирачадан чиқмаслигига алоҳида эътибор бериш зарур. Шимдирилган аминокислоталар аралашмаси ва эталонлар номи қаламда ёзиб қўйилади. Квадрат шаклида қирқилган қоғоз цилиндр тарзида букланиб, олдиндан 5:1:4 нисбатларда тайёрланган сув бутил спирти ва сирка кислота аралашмали цилиндрининг тубигача туширилиб унинг қоғоғи ёпилади. Диққат билан қарасангиз эритувчилар аралашмаси капилляр кучлар таъсирида юқорига интилиб қоғозга шимилишини кузатасиз. Бунда аминокислоталар қоғоздаги доимий шимилган сув ва ҳаракатланувчи эритмалар орасида тақсимланади ва натижада ўз жойидан, яъни доирачалардан кўзғалиб, юқорига ҳаракатланади, демек қоғозда тақсимланади. Бирор соатдан сўнг эритувчилар аралашмаси қоғозининг юқори чегарасига шимилади. Қоғозни цилиндрдан чиқариб олиб қуритасиз, сўнг унга нингидриннинг 1 фозли эритмаси пуркалади. Қоғозни 15 дақиқа қуритгич жавонда 100—120 даража ҳароратда қиздирилса, эллипс шаклида аминокислоталарнинг кўк-



бинафша доғлари ҳосил бўлади. Эталондаги ва аралашмадаги аминокислоталарнинг доғлари бир хил масофага силжиб чиқади, демак бир хил силжиш коэффициентиغا эгадир. Силжиш коэффициенти намуна томизилган доирача марказидан ҳосил бўлган эллипс марказигача бўлган масофанинг эритувчи босиб ўтган масофага бўлган нисбатига тенг.

Қоғоз хроматография усули бажариш тезлиги ва оддийлиги билан бошқа хроматографик усуллардан фарқ қилади. Унинг бирдан-бир қусури қоғоздан бошқа қўзғалмас фаза ишлатиб бўлмаслигидадир. Шу сабабли қоғоз хроматографияси ўрнини ундан ҳам ҳаммабоп ва оддийроқ бўлган юпқа қаватдаги хроматография эгаллади. Бу усул ишлатилиш миқдосининг кенглиги, тез бажарилиши билан диққатни жалб этади. Одатда бу усул икки хил кўринишда: мустақамланмаган ва мустақамланган сорбент қаватда амалга оширилади. Юпқа қаватли хроматографияда кўпинча алюминия, кремний ва магний оксидлари ишлатилади. Ҳозирги пайтда кўпинча бирор асосга, масалан, металл фольга, шиша ёки полимер пластинкаларга сорбентни мустақамлаб ишлатиш усули кўпроқ ишлатилмоқда. Афсуски, юпқа қаватда ишлатилган сорбентлардан қайта фойдаланилмай ташлаб юборилади. Бу соҳадаги асосий масала сорбентни қайта ишлатиш ҳамда арзон сорбентли пластинкалар ишлаб чиқишдадир.

Мазкур усулда ҳам  $8 \times 15$  сантиметр ўлчовли пластинкага ётқизилган силикагелда аминокислоталарни сифат жиҳатидан таҳлил этиш мумкин. Бунда намуна сорбентга шимдирилиб, пластинка кристаллизатордаги олдиндан тайёрлаб қўйилган эльюентга аста-секин туширилади ва намунали томони билан 25—30 даража бурчак остида ўрнатилади. Эльюент пластинкадаги сорбентда текис кўтарилиш кузатилади. Пластинка деярли намланиб бўлгандан сўнг кристаллизатордан олингач, ҳавода оз вақт тутиб турилади, сўнг нингидрин эритмаси билан ишланади. Қиздирилгандан кейин ҳосил бўлган аминокислоталар доғларидан уларнинг силжувчанлик даражаси аниқланади.

Биз юқорида хроматографиянинг энг оддий, қулай ва фақат моддаларнинг сифат таҳлилда асқотадиган турлари устида тўхталиб ўтдик.

Ҳозирги вақтда моддалар аралашмасини миқдор жиҳатдан жуда тез аниқлаш талаб этилади. Бу талабга газ-адсорбцион колонкали, газ-суюқ ва суюқ-суюқ хроматография усулларигина жавоб бера олади. Номидан ангилашилшича, жараён кўрсатилган жуфт фазаларда кечиб, юқори даражада автоматлашган. Улар граммнинг миллиондан ва ҳатто триллиондан бир қисмини сезадиган ва қайд қила оладиган детекторлар билан жиҳозланган. Бу хроматографик усуллар нефть, газ-конденсат, газ, барча химиявий са-

ноатдаги жараёнлар, шаҳарлардаги ҳаво ва сувнинг таркибини аниқлаш учун ишлатилади.

Юқорида баён этилган хроматографик усулларда газ ёки суюқлик каби силжувчан фаза хроматографик колонкадаги барқарор сорбент ёки унинг устига юпқа қилиб ётқизилган суюқлик устидан муайян тезликда ўтиб туради. Таҳлил қилиниши керак бўлган намуна, масалан бензин, қайнаш ҳароратига яқин ҳароратда аналитик колонкага киритилади. Бу эса моддаларнинг инжекторда бўғланиб, колонкада яхши тақсимланиши ҳамда хроматографик қонуниятлар асосида навбат билан детекторга келишини таъминлайди. Демак, моддаларнинг бўлиниши адсорбция ва тақсимланиш коэффициентирига боғлиқдир. Тақсимланиш коэффициенти турғун суюқ фазадаги модда аралашмасининг газ фазадаги шу модда аралашмаси нисбатига тенгдир.

Моддалар аралашмасининг бўлиниши колонканинг самарадорлиги ва суюқ фазанинг ажратилаётган моддаларга нисбатан танловчанлиги билан боғлиқ. Шунини алоҳида қайд қилиш лозимки, газ-адсорбция ва газ-суюқ хроматографияда моддаларни қайнаш ҳарорати даражасидагина таҳлил қилиш мумкин. Беқарор моддаларни эса 70—80-йилларда ишлаб чиқилган суюқ-суюқ самарадор хроматография усулида таҳлил этилади. Бу усул одатдаги колонкада бажариладиган хроматография усулида таҳлил этилади. Бу усул одатдаги колонкада бажариладиган хроматографияга ўхшаса-да, лекин ундан сорбент майдалиги, эльюентнинг нечоғли тозаллиги, юқори даражада автоматлашганлиги билан фарқланади.

Ўзбекистонда хроматографиянинг қоғоздаги тури 50-, юпқа қаватдаги тури 60-, бошқа усуллари эса 1965 йилдан таҳлил учун қўлланилди. Ҳозирги вақтда хроматографик усуллар кимё, биокимё, доришunosлик, тиббиёт, ер илми ва бошқа фанларда кенг ишлатилмоқда ва жадал ривожланмоқда. Кези келганда шунини қайд этиш лозимки, жумҳуриятимизда хроматография соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш долзарб масала бўлиб турибди. Ўз ечимини кутаётган яна бир муаммо — хроматография усулидан, айниқса юқори самарали хроматография усулидан биокимёвий таҳлилда фойдаланиш бўлиб, вужуддаги модда алмашинуви маҳсулотни миқдорий аниқ билиш ташхис — диагностикада илмий-техник инқилоб қилиш имкониятини яратган бўларди.

Умуман, хроматография тўғрисидаги баён этилган масалаларнинг ҳал этилиши, ўқитишдаги ва илмий ишлардаги қайта қуриш жараёнини яна бир поғонага кўтаради, деган умиддамиз.

Хожимурод ЙУЛДОШЕВ,  
ТДД кафедра мудири,  
профессор,

Аҳмаджон ЮСУПОВ,  
кимё фанлари номзоди, доцент.

## Қурама

### ЎЗ УЙИНГ — УЛАН ТУШАГИНГ

Индонезиянинг Калимантан шаҳридаги Тоулар оиласида узунлиги олти метрдан ортиқ келадиган каттакон илон яшайди. У бундан олти йил аввал жунглидан топиб олинган тухумдан очиб чиққан эди. Мазкур оиланинг «доимий аъзоси» бўлган илонга Си Беланг деб ном қўйишган. Уч ёшли Карим Тоу ҳеч бир кўрқмай уни кунига икки мартадан чўмилтиради. Кечаси илон Карим ва унинг синглиси билан бир ўринда ётади.

Яқинда Тоулар бу илонни жунглига ташлаб келишди. Бироқ, олти килло Си Беланг тез кунда қайтиб келди. Ҳозир илон яна Тоулар уйида яшашмоқда.



Ун йиллик дам олишдан сўнг, ўтган йили кузда Ғарбий Берлинда 1904 йилда асос солинган қанд тарихи музейи қайта очилди. Музейдаги жавонлардан бири меланезияликлар бундан ўн етти минг йил бурун қандни кашф қилганликлари тўғрисида ҳикоя қилади. Уч юз квадрат метр сатҳли музейга фақат 20 фойз ашё сиқиштириб жойланди, қолганлари эса эҳтиёт қилиб олиб қўйилди.

Ҳар йили ҒФЖ аҳолиси 6—9 миллиард маркали дорини фойдаланмай ташлаб юборишади. Бу дорилардаги фаол моддалар атроф-муҳитга зарар келтиради. Бу эса яшил партия жонқуярларини ташвишга солмоқда. Шунинг учун улар аҳолини кераксиз дориларни дорихоналарга топширишга даъват этишмоқда.



# «ҒУРУРИМИЗ» ТАШВИШЛАРИ

Ҳеч кимга сир эмаски, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ мамлакатнинг меҳнат тақсимотида ўзбек халқининг чекига пахта етиштириш тушган. Ушандан бери ўтган йиллар мобайнида осмоний рақамларга буй чўзаман деб, содда қилиб айтганда, семиз чўзилди, ориқ узилди: неча неча асрлардан бери диёримизни яшнатиб келган Оролимиздан ажралиб қолдик, фақат бободоҳқонларимизнинггина эмас, аждодларимизни аср-

лар мобайнида сахийлик билан боқиб келган она-еримизнинг ҳам тинқасини қуритдик, «табиатдан инъом-эҳсон кутиб ўтирмай», унинг бошига не кунларни солмадик, боқира ҳаво-ю зиллол сув орзуга айланди. Ҳа, булар «ғуруримиз»нинг ташвишларига айланди.

Пахтани етиштириш ва йиғиб олишдан ташқари, уни қайта ишлаш ташвишлари ҳам ўзига яраша. Қуйида эътиборингизга ҳавола қилинаётган мақола ана шулар ҳақидадир.

Мана, заҳматкаш деҳқоннинг йил бўйи қилган меҳнати эвазига пахта хирмонлари қад кўтарди. Эндиги вазифа хирмонга уюлган пахтани тозалашдир. Бу жараён пахта заводларида амалга оширилади. Бу ерда пахта толасидан ташқари, кўп миқдорда, яъни тола вазнига нисбатан деярли 3 ҳисса зиёд чигит ва қисқа тола — линт олинади. Ўз навбатида чигит, ёғ-мой корхоналарига, линт эса кимё саноати эҳтиёжлари учун жўнатилади.

Шундай фойдали маҳсулотлар билан бир қаторда тош, тупроқ, қум, хас-чўп, пахта чаноғи, барг ва ўта майда толали чангсимон чиқиндилар ажралиб чиқади. Заводда улардан чорва моллари еми сифатида органик қўшимчалар ва толали чиқиндилар ажратилади.

Аммо ноорганик чиқиндилар пахта тозалаш заводлари атрофидаги хонадонларга кўплаб ташвиш келтиради. Гап шундаки, пахта хом ашёси таркибидаги ҳар хил чиқиндилар билан биргаликда ҳаво оқими ёрдамида заводнинг барча ишлаб чиқариш цехларига қувурлар орқали ташилади. Қувурларда хом ашё ташишда керакли ҳаво оқими ҳосил қилиш учун кучли вентилятордан фойдаланилади.


Цехларда қувурлардаги хом ашё ва ҳаво маҳсус қурилмалар ёрдамида бир-биридан ажратилади: пахта технологик жараён бўйича қайта ишлашга кетади, ҳаво эса сўрувчи вентиляторлар орқали ўтиб очик ҳавога чиқариб юборилади. Унинг таркибида кўп миқдорда ташилаётган пахтадан қолган чиқиндилар бўладик, энг йиригининг ўлчами 5 миллиметрдан ошмайди. Чунки қувурдан келаётган ҳаво тешиклари 6 миллиметр бўлган маҳсус тўрдан ўтказилади. Тўрдан ўтган барча чиқиндилар катта тезликдаги ҳаво билан биргаликда вентилятор ичига тушади ва унинг паррақларига урилиб майдаланади. Бундай ифлос ҳавони ташқарига чиқариб бўлмайди, шунинг учун заводларда маҳсус чанг тутгич қурилмалардан фойдаланилади. Бунда ҳаво иложи борича қўшимча чиқиндилардан тозаланади, аммо фақат катта ўлчамдаги чиқиндиларгина ушланади. Ҳаво билан биргаликда атмосферага чиққан чанг завод атрофидаги

турар жойларни ифлослантиради. Ҳаттоки электр, телефон симларига ёпишиб салқитади, дарахтларда осилиб, хунук манзара ҳосил қилади. Шу белгиларга қараб яқин ўртада пахта тозалаш корхонаси борлигини бехато айтиб бериш мумкин.

Шунинг учун кейинги вақтларда пахта тозалаш корхоналарини шаҳар ва ноҳия марказларидан узоқроқда жойлаштиришга ҳаракат қилинмоқда. Шаҳар ҳудудидаги мавжуд пахта то-



Профессор Руфат Маҳмамов тажриба алмашиш мақсадида АҚШда олти ой бўлиб, бир қанча пахта тозалаш корхоналаридаги жараёнлар билан яқиндан танишди. У суратга олган ушбу расмларда пахта териш машинаси ҳамда корхонанинг чигит ажратиш бўлими тасвирланган.



залаш корхоналари эса аста-секин ёпилмоқда. Масалан, кейинги вақтларда Тошкент, Андижон, Наманган ва бошқа шаҳарлардаги пахта тозалаш корхоналарининг аксарияти беркирилди.

Бироқ бу билан масала ҳал бўла қолмайди. Ахир, корхона қаерда жойлаштирилмасин, унинг атрофида аҳоли яшайди, унинг аксарияти пахтани қайта ишлаш корхонасининг ўзида ишлайди, бинобарин, чанг, заҳарли кимёвий моддалар сероб ҳаводан нафас олади ва шу туфайли турли-туман касб касалликларига чалинади.

Маълумки, тозалаш цехларининг асосий вазифаси — пахтани хас-чўплардан халос этишдир, бунинг учун маҳсус машина ва қурилмалардан фойдаланилади. Асосий қийинчилик биринчи галда, пахтани йирик хас-чўплардан тозалашга мўлжалланган машина зиммасига тушади. Бу машинанинг энг муҳим ишчи қисмлари аррали барабан ва қовургалардан иборат. Аррали барабанларга илинган пахта қовургаларга урилиб, титилади ва хас-чўплардан тозаланади. Аммо баъзан қовургалари оралиғига турли катталикдаги аралашмалар, жумладан тош тикилиб қолади. Натижада арра тишлари шикастланиб, ейилади, қовургалар эса эгилади, алал-оқибат ускуналарнинг тозалаш сифати 25—30 фоизга камаяди, пахтанинг чиқиндига чиқиш ва машинанинг бекор туриш ҳоллари кўпаяди. Аррали барабанин ташкил этувчи қисмлар ҳар 2—3 ҳафтада қўл кучи ёрдамида алмаштирилади. Одатда ҳар бир барабанда 300 дан ортиқ аррали қисм бўлади. Агар битта машинада 3 та барабан, пахта тозалаш корхонасининг ҳар бирида 6 тадан 12 тагача шундай машиналар бўлишини назарда тутсак, қисмларни алмаштириш учун нечоғлик кўп қўл меҳнати сарф бўлишини тасаввур этиш қийин эмас.

Технологик жараён бўйича кейин пахта тозалаш цехларидан толани чигитдан ажратиш цехига, ундан қисқа толани чигитдан ажратиш цехига ўтади. Бу цехларнинг асосий машиналари жин ва линтерлар бўлиб, уларнинг асосий ишчи қисмлари думалоқ арра ва қовургалардир.

Шу технологик жараён вақтида арралар билан хас-чўплари бўлган пахта орасида ишқаланиш ҳосил бўлиб, у арра тишларининг тез ейилишига олиб келади, шу сабабли, жин арралари бор-йўғи 70—72 соат, линтер арраси эса 48—50 соат ишлатилади, холос. Аррали барабанин алмаштириш бу ерда ҳам оғир қўл меҳнатини талаб этади. Оғирлиги 300 килограммча бўлган аррали барабан машинадан қўлда ечилади, ейилган арралар (жами 130 та) шунингдек, арралараро масофа оқлагичлар валдан битталаб ечиб олинади ва қайтадан янги арралар йиғилади ва аррали барабан ма-





Руфат Гуломович Маҳкамов 1930 йили Тошкентда таваллуд топган. 1954 йили Москвада Бауман номидаги Олий техника билим юртини машинасозлик технологияси ихтисослиги бўйича тугатди. Орада етти йил ўтган, Москва дастгоҳсизлик олийгоҳида номзодлик, 1976 йили эса Москва Тўқимачилик олийгоҳида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Йигирма саккиз йилдан буён Руфат Маҳкамов Тошкент Тўқимачилик ва ёнгил саноат олийгоҳида меҳнат қилмоқда.

Жумҳурият Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Руфат Маҳкамов машинасозлик технологияси, пахта ва тўқимачилик машинасозлиги соҳаларининг чорраҳасида турган толали материаллар ва улар юза қатлами хусусиятларини ўрганиш жабҳасига асос солди.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби Р. Маҳкамов илмий фаолиятининг асосий йўналиши пахтачилик машиналари ишчи қисмлари мажмуаси учун муҳим аҳамиятга эга бўлган машина қисмлари юза қатлами сифатини яхшилашдан иборат.

Ойнома таҳрир ҳайъати ва идора ходимлари Руфат Гуломович Маҳкамовни таваллудининг 60 йиллиги билан самимий муборакбод этади.

шинага ўрнатилди. Бу иш ҳар 70 соатда ўртача 3 та жин ва 12 та линтер машиналарида такрорланади. Иш нақадар мураккаблигини шундан тасаввур қилиш мумкин.

Тўғри, мушкулотни осонлаштириш учун айрим машиналарни, технологик жараёнларни такомиллаштириш устида кенг кўламда тадқиқот олиб борилмоқда. Аммо пахта билан келадиган хас-чўп оқими камаймаяпти, аксинча ҳосилни машинада териш ҳажми ошиши билан ифлослар ҳам кўпаймоқда.

Атроф-муҳитнинг чангишини кескин камайтириш мақсадида биринчидан биз тўғри оқимли чанг тутгичга эга бўлган янги пневматик мослама яратишга муваффақ бўлдик. Бу мосламада чанг тутгич ҳаво оқимидаги ўртача ўлчамли ифлосликларни ушлаб қолиб, уларни вентиляторга узатмасликка мўлжалланган. Бу чанг тутгичга кирган ифлос ҳаво оқими ўз тезлигини кескин камайтиради, тепадан пастга қараб бурама тарзда ҳаракат қилади, ифлосликлар эса марказдан қочма кучлар таъсирида ён томонларга чиқариб ташланади. Тозаланган ҳаво чанг тутгич марказидан сўриб олинади. Бу усулга кўра, 70 фозгача ҳаво таркибидаги хас-чўплар ҳаво оқимдан ажратилади ва фақат 30 фозигина бўлган ўта майда зарралар вентиляторгача етиб боради.

Бу жараён пахта тозалаш корхоналарида қўлланилиши натижасида ҳавонинг чанглиниши деярли бир ярим

баробар камаяди. Айни вақтда механизмларнинг ишлаш муддати 4—5 маротаба ошади, бу эса вентилятор парракларини ҳар ярим йилда алмаштиришга ҳожат қолдирмайди.

Ҳозирги вақтда пахтани пневматик узатиш жараёнини механиклаш, бунда пахтани титувчи ва узатувчи, хас-чўпларни чиқариб юборувчи тебранма қурилмалардан кенг фойдаланиш устида катта илмий изланишлар олиб бориляпти.

Бундай мажмуада йиғувчи бункер, титувчи аррали барабанлар ва тебранувчи тўрлар бўлиши мўлжалланмоқда. Титилган пахтадан тебранувчи тўрлар тош, тупроқ ва бошқа қаттиқ чиқиндиларни (10—20 миллиметр катталикдаги ва ундан катта) чиқариб юборишади. Улар қия ўрнашган тўрдан тушиб кетади ва пахта оқими қувурлар ёрдамида сўриб олинади.

Хуллас қаттиқ аралашмаларнинг пахта таркибида кескин камайиши бутун технологик қурилмаларнинг иш қобилиятининг кескин ошишига олиб келади, масалан, тозаловчи машиналар аррали барабан қовурга мажмуаларининг иш қобилияти 3—4 маротаба ошади. Шу билан бирга пневматик тани чаюқ қолдиқлари, барг ва хас-чўп каби органик аралашмалардан тозаловчи махсус қурилма қўйиш мўлжалланмоқда. Бундай олдиндан тозаланган пахта кейинчалик бошқа тозалаш машиналарида ҳам механик таъсирга учрайди, оқибатда пахта толаси

ўзининг узилувчан чигал толалари йўқлиги, механик шикастланиши билан ажралиб туради ва бу толадан тайёрланган газмоллар албатта юқори сифатли бўлади.

Аррали барабан ва қовургаларни алмаштиришдаги оғир қўл меҳнатини янада камайтириш учун уларни мустақамлаш алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, жин ва линтер арраларини электрмулоқот усулида тобловчи махсус дастгоҳлар яратилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бундай тобланишдан сўнг арраларнинг ишлаш муддати 3—4 марта ошди. Келгусида арраларнинг бир мавсум давомида алмаштирилмай ишлашини таъминлаш устида изланишлар олиб боришни режалаштирганмиз.

Жин ва линтер қовургаларини мавсум давомида алмашувсиз ишлаш имкониятини яратиш масаласи ҳал этилди. Бунинг учун фақат ишчи қисми алмашувчан бўлган қўзғалмас қовургалар тайёрланиб, ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда.

Юқорида айтиб ўтилган барча мулоҳазаларнинг жорий этилиши пахта тозалаш корхоналарининг замон талабига жавоб берадиган, атроф муҳитни ифлослантирмайдиган корхоналарга айланиши имконини беради.

Руфат МАҲКАМОВ,  
Ўзбекистон жумҳурияти  
фанлар академиясининг  
мухбир аъзоси.

## қурама

### ГАЗДАН БЕНЗИН

Янги Зеландия соҳилида табиий газ қувури ўтган Маунт-Манзилда дунёда илк бор табиий газни қайта ишлаб бензин олина бошланди. Бунинг учун газ ҳайдалиб метил спиртнига айлантдирилади, кейин махсус катализатор ёрдамида қайта ишланади. Ҳозир корхона шу тариқа кунига 2,3 миллион литр бензин ишлаб чиқаряпти. Келгусида

бу мамлакатда бензин муаммоси ҳал этилиши тайин бўлиб қолди.

### КУЛДАН АЛЮМИНИЙ

Иссиқлик қувватли марказда ёнган кўмир кулида кўпгина қимматбаҳо кимёвий моддалар, жумладан, алюминий бор экан. Америкалик мутахассислар уни саралаб олиш усулини ишлаб чиқишди. Бунинг учун аввал кулга кислотани билан ишлов берилади. Шунда ундан бошқа маҳсулот ҳосил бўлади. Бу қандай маҳсулот эканлиги эса сир тутил

моқда. Чунки мутахассислар бу ишлари учун ҳали патент олишмаган.

О Дунёдаги энг баланд бино — «Скат Сити 1000» бўлса ажаб эмас. Бу осмон-ўпар бинонинг лойиҳасини Япониянинг «Такенака комутен» қурилиш ширкатининг мутахассислари ишлаб чиқишди. Бинонинг баландлиги 1000 метр бўлиб у ерда кичик бир шаҳар аҳолиси яшаш мумкин.

Австралиялик собиқ автомобиль устаси нафақахўр Мартин Шваб буг билан юрадиган мопед ясади. Мопед

кўмир ёки ўтин билан қиздириладиган қозондан чиқаётган буг билан ишлайди. Йўлда кетаётганда эса буг қувурчаси белни яхшигина иситиб туради, — дейди Мартин.





# ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ: ҲАҚИҚАТ ВА УЙДИРМА

Шундай қилиб, 1918 йилнинг февралда тўнтариш юз берди. 19 февралга ўтар кечаси пийода, отлик ва артиллерия қисмларидан иборат 11 эшелон Қўқонга кела бошлади. Тошкентдан улар билан бирга Туркистон ўлкаси ҳарбий комиссари Е. Перфильев келди. Рус қўшинлари Қўқонни уч тарафдан қуршовга олди. Артиллерия тўплари тўлиқ жанговар ҳолатга келтириб қўйилди.

19 февраль кунини 10 дан 15 дақиқа ўтганда Эргашга ультиматум юборилди: қуролни ташлаб, таслим бўлиш айрилди. Жавоб бериш муддати 1<sup>00</sup> да тугар эди, 12 дан 45 дақиқа ўтганда жавоб олинди — Эргаш шартларни бажармаслигини айтди.

Перфильев барча 12 та замбаракдан Қўқон аҳолиси устига ўт очишни, шу жумладан ёндирадиган снарядлардан фойдаланишни буюрди. Тинч аҳолини тўпга тутиш кундуз соат бирдан бошланиб, қоронғу тушгунча давом этди. Ҳарбий комиссарнинг айтишича, шу кунини эски шаҳардан бир гурӯҳ вакиллар келиб шундай дейишган: «Мусулмонлар сизларга шунинг учун ҳам уруш эълон қиладики, сиз улар талабига жавобан уларга қарата ўт очдингиз!» Перфильев: «Мен бу урушдан чўчимайман», деган ва шу заҳоти шаҳар томон 9 замбарак ўқи отилган. Артиллериянинг вайрон этувчи ўқлари масжидларни ҳам кунпаякун этган. «Наша газета» ёзишича, Перфильев «масжидларни тўплар ёрдамида вайрон қилишга тўғри келди», деб тан олган.

Келгуси кунини — 20 февраль тонгида вайрон этилган шаҳарга пийода қўшинлар ва «Дошноқцютюн» жанговар қисмлари кирди. Уша кунги фожеалар шохидларидан бирининг ҳикоя қилишича, «жанглр секин-аста янги шаҳардан эски шаҳар томонга ўтган», «руҳонийлар томонидан кўзотилган, мухториятчилар томонидан йўлланган мутаассир оломон ҳар бир бино, ҳар бир омбор, ҳар бир савдо корхонаси ва карвонсаройни кескин курашсиз топширмади. Эргашнинг қуролли отрядлари эски ша-

ҳарни ўраб олиб, аҳолининг тарқаб кетишига йўл қўймади».

Инглиз разведкачиси Блеккернинг айтишича, ўша фожеали кунларда Қўқонда 3000 киши ҳалок бўлган, шаҳар эса «портловчи моддалар билан бомбардимон этилиши туфайли таг-туғи билан вайрон қилинди». Шохидлардан бирининг айтишича, «шаҳарда кўп сонли ёнғинлар бошланди. Уйлар, мануфактурали, дон-дунли омборлар ёнарди. Шаҳар уч кун ёнғин остида қолди». Мана шундай қиргин баротдан кейингина кучлар устунлиги совет томонида бўлди. Эргашнинг омон қолган йигитлари ва зўрга жон сақлаган қўқонликлар даҳшатга тушган ҳолда шаҳардан қочарди.

Мухториятчилар тор-мор этилгач ва Эргаш йигитлари билан Қўқонни тарк этгандан сўнг, эски шаҳардан музокараларни давом эттириш учун вакиллар келган. 22 февралда тинчлик шартномаси тузилган. Унга кўра, барча шаҳар фуқаролари қуролларини ҳукуматга топшириши, совет ҳокимияти ва унинг маҳаллий органларини тан олиши керак. Совет ҳокимиятининг Туркистондаги раҳбари Колесов махсус қарор чиқариб, унда «Қўқонда рўй берган аксилқилобий ғалаённинг барча раҳбарлари қонундан ташқарида» деб эълон қилди, мол-мулки эса мусодара этилди. Қўқон аҳолисига уларни тутиб бериш мажбурияти юкланди. Шунингдек, аҳоли вайрон этилган темир йўл ва телеграф алоқасини тиклашда иштирокчилар бўлди.

Туркистонни ягона, мустақил давлат ҳолида кўришни истаган мухториятчилар орзуси улуг рус шовинизми, муҳим тарихий бурилиш дақиқаларидаги ички ихтилофлар ва ўша пайтдаги Совет ҳукумати раҳбарларининг, хусусан «халқлар отаси» Сталиннинг ғаламисларча тавсияси (ўтган сонга қаранг.— Ред.) қурбони бўлди.

Бу улкан фожелардан сўнг Туркистон ўлкасининг совет раҳбарияти кескин танқид объектга айланганидан журналхонлар яхши хабардор бўлишмаса керак. Аввало, ундан ҳам «юқоридагилар» танқиддан бошлашга тўғри келади. Скобелев

(ҳозирги Фарғона) шаҳри ҳокими В. Дориомедов 1918 йил мартадаёқ шундай деган эди: «Халқ комиссарлари Петроград Советининг сафсатабозлик ва иккиюзламачиликдан иборат сиёсати бир томондан барча халқларга Россиядан ажралиб чиқиш, тўлиқ ҳолда ўз тақдирини ўзи белгилашни таклиф этиб, кейин, экилган уруф этилган пайтда мана шундай қонли қиргин уюштиради».

Тошкентда қозоқ тилида чиқиб турган «Бирлик туғи» рўзномаси Туркистон Мухторияти Вақтли ҳукуматининг тугатилишини шундай шарҳлади: «Яқинда у (ҳокимият.— М.Х.) Қўқон кўчаларини инсонларнинг қонига бўяди. Мусулмонлар яшайдиган эски шаҳарни ер текислаб ташлади, минглаб бейбаб ва беҳимоя мусулмонларни ўлдирди, уларнинг мол-мулкни талон-тарож этди... бироқ буларни у оддий эмас, қизил байроқ ҳамда озодлик ва инқилоб широрлари остида амалга оширди».

Улка раҳбарлари бу воқеанинг сиёсий аҳамиятини қандай баҳолашди экан, деган савол туғилади. Ундан принципал хулосалар чиқариб олинмади. Тошсоветнинг 23 февралдаги мажлиси бунга мисол. Перфильев амалга оширган операция якунлари муҳокама қилинди. Маърузадан кейин сўзга чиққанлардан меньшевик-байналмилалчилар фракциясининг етакчиси Х. Вайнштейн Туркистондаги большевиклар сиёсатини фош этиб ташлади: «Биз унинг номи билан байроқ кўтариб чиққан синфий кураш қаерда қолди? Биз руслар ва сартлар, арманлар, форслар ўртасидаги низолар ҳақида эшитдик. Синфий кураш ўрнига, шундай қилиб, биз миллий курашга эга бўлиб ўтирибмиз». «Биз маърузадан,— деди у ўз сўзида давом этиб,— фақат монархия ҳукумати қўллаб-қувватлаган ва социализмнинг ёвуз душмани бўлган миллий низоларнигина социалистик ҳукумат ҳукмронлигида гуллаб-яшнаганини кўриб турибмиз». Шунингдек, «Чор ҳукуматига журъат этган усулларни қўллаган ҳукумат (таъкидлар бизники — М.Х.) рус кишилари ҳаётини сақлашга ожизлиги маълум бўлди». Вайнштейн маҳаллий аҳоли мухториятни истамас эди, деган баёнотни рад этиб, айтдики, Перфильев учун «Мусулмонларнинг замбараклардан ўққа тутилгач, бўйинсинашига тайёрликларини билдиргани асосдир. Бироқ улар худди шундай тарзда Куропаткинга (чор армияси генерали — Ред.) муте эканликларини билдиришмаганмиди? Шундай тарзда фикрлаётган ва ҳаракат қилаётган ўртоқ Перфильев бу ҳолда Куропаткин демакдир!» Охирида Вайнштейн «Қизил гвардиячилардан тортиб то отрядларнинг бошчиларигача, инқилоб қизил байроғида қора доғ ҳосил бўлишида айбдор барчани қаттиқ жавобгарликка тортиш учун дарҳол комиссия чақиришни» талаб этди.

Уша пайтдаги ҳукумат раҳбари большевик И. Тоболин у билан баҳсга киришди. У меньшевикларни «рус инқилобининг шаллақилари» дея ҳақорат қилиб, «бундай дамда ва бундай курашда шафқатсизлик ҳақида гапиришнинг ўзи кўпгилди», деди. У талончилик ва зўравонли фактларини «шармандали» дея баҳолаб, айти пайтда «бунчалик уюшган омма тарихда мисли кўрилмаган ҳолдир, мана шундай босиб олиш рўй бермаган бўларди» дедикки, бу фикр «ҳар қандай воситалар билан мақсадга эришиш шу мақсадни оқлайди» деган қадимги босқинчилик широридан ўзга нарса эмас. «Дошноқцютюн» номли махсус арман аскарлари отрядларининг Қўқондаги ваҳшиликларини текшириш учун махсус тергов комиссияси тузиш ҳақидаги таклиф Тоболин томонидан «у ёзма равишда

(Охири. Боши ўтган сонларда.)



берилмагани туфайли» рад этилди. Бунинг устига куйидаги резолюция қабул қилинди: «Қўқон воқеалари ҳақидаги маърузани тинглаб, инқилобий жангчиларни аксининг қилоб билан курашдаги қатъийлиги ва ғайрати учун табрик этилсин». Бу, юз берган «нохуш ҳодиса» (инцидент) таҳлилини бевосита жангчилар қақирилган ташкилотларда кўриб чиқишга қарор қилинди.

Туркистон мухториятининг тугатилиши бу масалани кун тартибидан олиб ташламади. 1918 йилнинг апрелида РСФСРнинг миллатлар ишлари бўйича халқ комиссари И. Сталин билан И. Тоболин ўртасида телефонда суҳбат бўлди. Сталин миллатларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилаши масаласи кўрилатгани муносабати билан, ўлка ҳукуматларига «муслмонлар орасида иш олиб боришни кучайтириш, муслмон пролетариатини муслмон буржуазиясидан ажратиб олиш ва муслмон Советлари тузиш»ни таклиф этди. Тоболин бу суҳбатдан шундай хулосага келдики, «марказ биздаги аҳвол ҳақида ёмон (нотўғри — М.Х.) тасаввурга эга», чунки «муслмонлар мутлақо ўшмаган дейиш мумкин эмас, ҳамма жойда маҳаллий аҳоли вакиллари бор, Туркистон ўлка Советларининг 3 ва 4 съездлари эса мухторият масаласини бизнинг партия руҳида аллақачон ҳал этди, 15 апрелгача ўтказилган 5 съезд эса миллий масаланинг амалий ҳал этилишини кўриб чиқади».

Бир неча кун ўтгач, Урта Осиё Фавқулодда комиссари П. Кобозев номига Тошкентга И. Сталин қўл кўйган радиogramма келади. У жумладан шундай дейди: «Жойлардаги баъзи Советлар... ҳар қандай мухториятни бутунлай инкор этиб, миллий масалани курул билан ҳал этишни афзал билишибди, бироқ бу йўл Совет ҳокимияти учун яроқсиздир, чунки у «оммани юқори миллий-буржуа доиралари атрофида жипслаштиради, бу юқори донралар эса ўзларини ватанин кутқарувчилар, миллий ҳимоячилар қилиб кўрсатадики, бундай ҳол Совет ҳокимиятининг мўлжалига мутлақо кирмайди». Сталин «мухториятни инкор этиш эмас, балки тан олиш Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифаси» эканини алоҳида таъкидлайди.

«Утган йилнинг ноябрь ва декабрида Волгабўйи татар ва бошқирларда, Туркистон ўлкасида вужудга келган мухториятчи-буржуа гуруҳлари давом этаётган инқилоб томонидан муттасил фош этиб келинаётгани» ҳамда «уларни ўз оммасидан бутунлай ажратиб олиш ва Советлар атрофида жипслаштириш» учун бўлғуси халқлар отаси шунини талаб этди: «Улардан мухториятни олиб, олдиндан уни турли буржуа сарқитларидан тозалаб, буржуадан Совет мухториятига айлантирилсин». Шунингдек, Сталин Тавсис съездида сайловлар асоси ва мухторият пойдевори халқларни «айрим миллий отрядларга» бўлишга эмас, тегишли бирлашмалар атрофида жипслаштиришга хизмат қилиши кераклигини таъкидлади. Бу билан, кўриниб турибдики, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳақидаги қоғоздаги гаплар амалда умуман рад этилди.

Шу йил апрелнинг иккинчи ярмида Туркистон Ўлка Советларининг 5 съезди бўлиб ўтди. Съезд делегатларининг ярми, большевиклар газетаси «Правда»да ёзилишича, «бир неча миллион муслмон аҳолиси» вакиллари эди. Москвадан В. Ленин ва И. Сталин имзоси билан телеграмма келади: «Советлар асосидаги сизнинг ўлка мухториятингизни Совнарком қўлаб-қувватлайди». 30 апрель кун П. Кобозев таклиф этган РСФСР таркибида Туркистон Мухтор Совет Социалистик жум-

## ДИҚҚАТ: ОБУНА!

Мана, вақтли нашрларга обуна бўлиш муддати ҳам тугади. Лекин бу — рўзномаю ойномаларга ўз вақтида ёзилишга улгурмаган муштарийлар буткул доғда қолдилар деган сўз эмас ҳали. Обуна давом этади, лекин энди «Фан ва турмуш»ни 1991 йил январь ойдан эмас, февраль ойдан оласиз. Яъни, ҳали ҳам кеч эмас. Келгуси йили «Фан ва турмуш»дан тамомила маҳрум бўлиб қолмай десангиз, обуна бўлишга шошилинг. Яна шундан ҳам огоҳлантириб қўйишимиз керакки, қоғоз танқислиги шароитида «Фан ва турмуш» чакана савдога ниҳоятда кам миқдорда чиқарилади, бинобарин, бундан умид қилмаган маъқул. Яхшиси, севимли ойномангизга ўз вақтида ёзилинг, фақат шундагина келаси йил «Фан ва турмуш»ни бемалол ўқишдан хотиржам бўлишингиз мумкин.

**ОБУНА ТУГАДИ, ОБУНА ДАВОМ ЭТАДИ!**

хурияти ташкил этиш ҳақидаги декларация депутатлар томонидан қабул қилинади. Съезд сайлаган Марказий Ижроия Қўмитасига 11 маҳаллий миллат вакили сайланади. Миллий ишлар бўйича, адлия, ички ишлар ва соғлиқни сақлаш комиссариатларини бошқаришга маҳаллий миллат вакиллари сайланади. Москвадан яна бир «руҳсат» келади: «Уртоқ Ленин билан шахсан келишувга мувофиқ, ТуркМИҚ декретларнинг ўлка шароитларига кескин зид келадиган баъзи моддаларини ўзгартириш ҳуқуқига эга». Яна, махсус қарор чиқарилиб, унда «Туркистонда буржуа-мухториятчилик ҳаракатида қатнашиб, нотўғри тушунган ва жавобгарликка тортилган шахслар афв этилиши» таъкидланади.

Бироқ, булар ижобий мазмунга эга бўлишига қарамай, Туркистон Мухториятининг Вақтли ҳукумати ўз олдида қўйган чинакам халқчил, демократик ўзгаришларни ўз ичига олган вазифалар олдида ҳеч нарса эмас эди. Бунинг устига Советлар шундай ишларни амалга ошира бошлашдики, уларни чоризм бошқинчилари ҳам қилмаган эди: вақфлар тугатилди, диний мактаблар ёпилди, қозихоналар бартараф этилди ва бошқа шундай халқнинг ғазабини келтирадиган тадбирлар кўрилди.

Бошқача бўлиши ҳам қийин эди, айниқса ўзини «Туркистон Ленини» деб атаган Тоболин ҳукуматга раис бўлгач, шундай баёнотлар билан чиқиб тургандан кейин: «Қадимги ибора бор: «Шоҳ! Афиналикларни ёдда тут!» Биз ўз-ўзимизга айтишимизга тўғри келади: «Жумҳурият! Фарғонани ёдда тут!»— энди тезроқ ва биринчи галда Фарғонани тугатиш керак, жонимизга теккан мухториятчилар уясини супуриб ташлаш ва шаҳарларни қишлоқларга айлантириш, уларни бараварлаш, аксинча қишлоқларни шаҳарларга айлантириш лозим».

Бундай ёндошувларнинг Фарғона аҳолиси учун қандай тугаганлигини Бутунроссия МИҚ нинг Турккомиссия ва РСФСР ХКС нинг Туркистон ишлари бўйича аъзоси Ф. Голошекин берган шаходатдан ҳам кўриш мумкин. У ТКП МКНинг 1919 йил 28 ноябридаги мажлисида сўзлаб, «у ердаги (Фарғонадаги — М.Х.) партия, совет ва иктисодий ҳаётда фақат бебошлик ва даҳшат ҳукм сурмоқда», деб таъкидлайди. Унинг фикрича, босмачилик умуман «Совет ҳокимияти ва бизнинг отрядлар томонидан юзгага келтирилган», Фарғонадаги партия аъзолари эса «талончилик ва пора олиш» билангина машғул.

Маъқур муаллиф ўша йилнинг декабрь ойида «Известия ЦИК Туркеспублики»

номли рўзнома мухбири билан суҳбатда айтади: Фарғона аҳолисининг кайфияти «авалгидан ҳам тушкун», бунга сабаб «масъул органларнинг нотўғри, кўпинча жинояткорона сиёсатидир. Совет ҳукумати байроғи остида ҳаммаёқда бедодлик ва шахсий манфаат йўлида ўз мавқеидан фойдаланишга интилиш ҳукм сурмоқда, бу эса европалӣ аҳоли ичида имтиёзли гуруҳларни ташкил этди. Муслмон оммасига муайян ишончсизлик бор. Муслмонларга қуйи ирқ сифатида қарашлар умумий номақбул сиёсат ва европалӣлар очиқ-ойдин олаётган имтиёзларнинг нақдлиги билан қўшилиб, юқори даражада танг шароитни юзга келтирди ва муслмонлар оммасида норозилик уйғотди». Сунгра Голошекин очиқдан-очиқ таъкидлади: «Европалӣлар билан муслмонлар ўртасида кўрсатилган сабабларга кўра туғилган қарама-қаршилик, Совет ҳокимиятининг Фарғонадаги вакиллари томонидан узоқни кўзламай олиб борилган сиёсат, айтиш мумкинки, босмачилик ривожланишининг асосий омили бўлди».

Муаллифи таниқли ҳарбий мутахассис, Туркфронт штаби ходими Н. Березин бўлган бошқа ҳужжатда ҳам таъкидланишича, «Қўқон мухториятидан то Туркистон Марказ билан қўшилгунча бўлган давр катта шарҳларга муҳтож эмас — у босмачиликнинг шу қадар кенг қулоқ ёзишига имкон бердики, биз бунинг кўрди. Ҳокимиятнинг ҳаракатлари ўз моҳиятига кўра соф равишда мустамлакачилик характерида бўлиб, фаол миллатчилик оқимларининг ривожланишига беихтиёр имкон берди».

Мухторият ачиқ сабоқлари қисқача баён этгандан мана шулардан иборат. Лекин турли архивларда, ҳали ўрганилмаган Туркомиссия хулосаларида ўлкамизнинг XX аср тарихидаги бу улкан ҳодисанинг ёритилмаган тафсилотлари сероб. Бешгидаёқ нобуд этилган Туркистон Мухторияти Вақтли Ҳукуматининг фаолияти бутун ўлка тарихида илк марта демократия голяларини — парламент фаолияти ва бошқаларни ўз пайтида ҳаётга татбиқ этишга уринган, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳақидаги декларациясига ишонган ва охиросида Марказ уни (бошқа халқларни ҳам) алдаган, аини пайтда ўша пайтда ҳам демократик аъёналарга эга бўлинмаганлиги панд берган эдики, бугунги кунда булар сабоқ бўларли воқеалардир.

**Марат ҲАСАНОВ,**  
**ЎзССЖ ФА Тарих институтининг бўлим**  
**мудир, тарих фанлари номзоди.**



# ЭНГ БАХТИЁР ДАМЛАР



Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси ва вице-президенти **Обид Муродович АКРОМХУЖАЕВ** «Фан ва турмуш» ойномаси муҳбири **Оқилхон ОДИЛХОНОВ**нинг саволларига жавоб беради

— Обид Муродович, аввало Сизни қутлуғ 70 ёшингиз билан ойномамиз муштарийлари номидан қутлашга ижозат бергайсиз.

— Ташаккур.

— Энди мана шу сана муносабати ила Сизга баъзи бир саволларни бермоқчиман.

Сиз Урта Осиё Индустрия институтига кириб ўқиган йиллар мамлакатимиз учун жуда оғир синов даври эди. Сиз ўша давр Ўзбекистони, унинг илмий ҳаёти ҳақида, жўшқин илмий изланишлар, олимларнинг гурунглари, ҳам-касбларингиз ҳақида хотираларингизни ўртоқлашсангиз.

— Уша вақтдаги Урта Осиё Индустрия институтига (ҳозирги ТошПИ) 1940 йилда махсус бўйруқ асосида Урта Осиё Давлат дорилфунуни геология-тупроқшунослик куллиёти 4-курс талабаларининг барчаси кончилиқ куллиётига ўтказилган эди. Чамамда, ўша вақтда тадқиқотчи мутахассислардан кўра кон муҳандислари зарур бўлиб қолган. Шу сабабли ўқишимизга яна 2 йил кўшилди. Таассуфки, иккинчи жаҳон уруши бошланиб кетиши билан юқори курс талабаларининг бир қисми кимё академиясига, бир қисми конларга жўнатилди. Мен Оҳангарон кўмир конини топиб қидирув ишлари олиб борган Чекризов ва Захаревич каби машҳур геологлар қўлида ишладим. Баъзан кечаю кундуз шахтадан чиқмай ишлашга тўғри келарди. Ниҳоят, 1944 йилда мени бир неча курсдошларим билан кончилиқ куллиётига чақириб олишди.

Урушнинг сўнгги йилида «Оҳангарон кўмир кони геологияси» соҳасида диплом ёқладим. Буюк ўзбек олими, машҳур геолог ва давлат арбоби Ҳабиб Абдуллаев тавсияси билан мени ўша йиллик аспирантурада қолдиришга қарор қилишди. Аммо турмуш шароитидаги иқтисодий қийинчиликларга кўра мен аспирантурада қололмадим.

— Обид Муродович, Сиз геология фанига илмий мутахассис сифатида кириб келган кезлар машҳур ўзбек олими Ҳабиб Абдуллаев жумҳурият фанида, ҳатто мамлакат геология илмида салмоқли мавқега эга эди. Шу бонс ўша улғу зот сиймоси тўғрисида фикрингиз, унинг илмий дастурига муносабатингизни билмоқчи истардим.

— Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаев билан мен талабалик йилларимдаёқ танишганлигим ва ҳамкорлик қилганим боис фахрланаман.

Гап шундаки, 1938—1939 йилларда у кишининг маслаҳати билан ҳамкорликда илмий-оммабоп мақолалар, рисоалар ёзиб «Социалистик фан ва техника» («Фан ва турмуш»), «Ёш ленинчи», «Ленин унқуни» каби рўзнома, ойномаларда қатнашганман.

...1947 йили Оҳангарондаги кўмир конида ишлаб юрганамда бир одам келиб «Шахта бошлиғи сени чақирапти», деди. Юқорига кўтарилиб, қоракуя бўлиб кетган бет-қўлларимни, кийим-бошларимни озгина тартибга солиб, шахта бошлиғи хонаси эшигидан оҳиста мўраладим. Ҳабиб Абдуллаев (у киши бу вақтда Ўзбекистон Давлат Режа кўмитаси раиси эдилар) ялт этиб менга қарадилар ва тутақиб кетиб жаҳл аралаш: «Қани, бу ёққа кириб-чи!» дедилар. (Ҳабиб ака, одатда, Ғани Мавлоновдан ташқари катта-кичик — ҳаммани сизлаб гапирар эдилар). У кишининг ёнига бориб, салом бериб жим турдим. Аспирантурага кирмай

кетиб қолганим учун «қочоқ» деб роса койидилар, лекин менинг дардимни ҳам тушундилар (зеро, бу одамнинг қалби кенг эди).

— «Бўпти, қани тезда ҳисоб-китобни олинг, эртага Тошкентга кетасиз», — деб менга қатъий, аммо хайрихоҳ ва меҳрибонлик билан, мийғида табассум ила назар ташладилар. Менинг эса «Хўп бўлади!» дейишдан бошқа чорам қолмаган эди. Эртаси куни Ҳабиб Абдуллаев билан бирга Тошкентга келдим.

Шундай қилиб, 1947 йили УзССР ФА Геология институтига кўмир геологияси соҳаси бўйича аспирантурага кирдим. Бу мени келгусидаги қисматим ва мавқеимни белгилашда асосий омил бўлди, албатта.

Мана шу кичкинагина, ибратли мисол Ҳабиб Муҳамедовичнинг зўр инсоний хислатга эга бўлганликларининг исботидир. Ахир жумҳуриятнинг катта давлат арбоби мендай бир кичик — тоғ орасида, шахта йўлакларида адашиб юрган йигитни катта равон йўлга етаклаганидек савоб ишни ҳозир ким қилапти? Нега қилмаяпти? Ана шу саволлар устида чуқур ўйлашимиз керак бўлади. Бу ўринда яқинда жумҳуриятимизда бошлаб юборилган ҳаракат — истеъдодли ёшлар ва қобилиятли олимларнинг мамлакат ва чет эллардаги машҳур олимлар тарбиясига юбориш жарёнини мамнуният билан қайд этиш лозим.

Энди Ҳабиб Абдуллаевнинг чуқур мулоҳазали, кўп нарсани олдиндан кўра биладиган киши эканликлари ҳақида икки оғиз.

Кўмир геологияси соҳасида 1947—48 йилари анчагина иш қилиб, диссертациянинг асосий қисмини ёзиб тугатган ҳам эдим. Ҳатто «Кўмир» ва «Оҳангарон кўмир кони» деб аталувчи китобларимни ёзиб тугатгандим. (Бу китоблар 1949 йили «Ўзбекистон» нашриётида босиб чиқарилган). Кутилмаганда, Ҳабиб ака чақириб келдилар, у киши: «Москвага бориб у ерда Озарбайжон академиги, дўстим Ахат Ёқубов билан маслаҳатлашиб келдим. Сиз нефть ва табиий газ соҳасида мутахассис бўлишингиз керак, номзодлик диссертациянгни ҳам Озарбайжон академиклари раҳбарлигида бажаришингизга тўғри келади», дедилар. Мен: «Домла, кўмир соҳасида илмий ишимнинг кўп қисмини тугатдим-ку, бир йилга қолмай ёқлашим мумкин», — десам, у киши: «Обиджон, кўмирингизнинг мойи чиқмайди, нефть ва газнинг мойи чиқади, мойи чиқадиغان ишни қилинг, хўжам», — дедилар. Гап қайтаришга ўрин қолмаган эди.

— 1960 йилда Сиз илмий тадқиқотларингиз натижаси сифатида «Бўр даври ётқиқиқларининг литологияси», «Фарғона нефть ва газ ҳавзаси» (М. С. Сайдалиева билан бирга), «Қорақалпоғистонда нефть ва газ мавжудлигига доир баъзи бир масалалар», шунингдек, Устюрт ер ости хазиналари хусусида яна 2 жилдлик йирик илмий асарларни чоп эттирдингиз.

Ана шу қирчилама ёшингиздаги жўшқин илмий изланишлар ҳақида хотираларингизни ўртоқлашсангиз.

— Фарғона водийси Урта Осиёдаги дастлабки нефть конлари топилиб, ишга туширилган диёр, у ерни «геологиянинг жаннати» деб бежиз айтмаганлар. Гап шундаки, Фарғона водийсининг теварак атрофидаги тоғларга чи-





қиб назар солсангиз, водийнинг қаъридаги 7—10 километр чуқурликларга ўрнашган қатламлар ранг-баранг тусларда кўза ташланиб туради. Геолог уларни бирма-бир синчиклаб ўрганиш имкониятига эга. Ана шу тоғларда, бу ранг-баранг қатламлар орасида, салобатли, хавфли ва шу билан бирга ажойиб, гўзал табиат қўйнида бир неча ўн йиллар кездим, юзлаб тоғ кесмалари туздим. Уларни ташкил қилган чўкинди жинсларнинг таркибий тузилиши ва қурилишини ўргандим. Нефть ва газга она қатламларда бу фойдали қазилмаларнинг пайдо бўлиш жараёни ҳақида чуқур мулоҳазалар юритдим.

Қувонарлиси шундаки, бу кесмаларни тузиш ва ўрганишда ўзим билан бирга бир қанча ёшларни олиб юришга, уларга ўз тажрибамни ўргатишга муяссар бўлдим. М. С. Сайдалиева (фан доктори, профессор), З. С. Иброҳимов (фан доктори, профессор), Ш. Саидхўжаев (фан доктори, профессор), К. Сиддиқхўжаев (фан номзоди), Орловский, Синельников (фан номзодлари) каби шогирдлар орттира олганимдан беҳад мамнунман.

— Мана, бу йилдан эътиборан **Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президентисиз. Демак ваколатингиз Ер фанлари, кимё-технология соҳаларини қамраб олади. Мазкур йўналишлар бўйича олимларимиз олиб бораётган изланишлар тўғрисида қисқача сўзлаб берсангиз. Ўз ижодий режаларингиз ҳам ўқувчиларни қизиқтиради, албатта.**

— Ҳозир **ЎзССЖ ФА** ЕР бўлими ва кимё-технология бўлимлари бирлашиб битта вице-президент ваколати остида иш олиб борадиган бўлди. Шундай қилиб, ортиқча бюрократик ўрин — академик-котиб ва унинг бўлимлари қисқартирилди. Бу билан муаммолар тезроқ амалга оширилиши таъминланади.

Кимё фанининг турли тармоқлари соҳасида 4 та кимё институти иш олиб бормоқда. Улардан бири — **КИМЁ ИНСТИТУТИ**. Бу муассаса олимлари рангли ва нодир маъданлар, ўғит, силикат ва турли электролитлар олиш технологияси, унинг илмий асослари устида бир қанча заминдор илмий тадқиқотлар ўтказмоқдалар.

Иккинчиси — **ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**. Бу муассаса олимлари ўсимликларнинг кимёвий ҳаёти, улардан халқ хўжалиги учун зарур, энг самарали ҳаётий фаол бирикмалар олиш, дори-дармон воситалари яратиш бўйича ва ўсимликларни муҳофаза қилиш учун керак бўлган фойдали моддалар устида иш олиб боришдади. Айниқса улар яратган қишлоқ хўжалиги ва тиббиётда қўлланадиган воситаларнинг ҳаётга татбиқ этилаётгани диққатга сазовордир.

Учинчиси — академик **ОБИД СОДИҚОВ** номидаги **БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**. Бу ерда пахта устида ҳар томонлама, асосан биоорганик усуллар қўллаб тадқиқот олиб борилмоқда. Биополимерлар, биорегуляторларнинг ҳужайра-ген инженерлиги ва биотехнология усуллари кенг қўлланилмоқда.

Тўртинчиси — **ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ** ва **ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ**. Бу муассасанинг илмий тадқиқотлари асосан юқори молекуляр кимёвий бирикмаларни ўрганишнинг назарий асослари, уларни ажратиб олиш ва технология соҳалари билан боғлиқдир.

Юқорида кўрсатиб ўтилган барча кимё институтлари ўзларининг заминдор тадқиқотлари ва эришган амалий ютуқлари билан мамлакатимизда ҳамда чет элларда тан олинган кучли мутахассислар жамоаси ила ҳар қанча фахрлансалар бўлади.

Ер билими соҳасида учта илмий-тадқиқот институти бор:

**ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ** номидаги **ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИДА** кенг кўламда ер қобиғи ва ундан ҳам чуқурроқ жойлашган юқори мантия маҳсуллари устида ҳар томонлама тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Улар **Помир** — **Тяньшань** регионлари мисолида бажарилмоқда. Бу соҳадаги ишлар халқаро дастурга ҳам киритилган. Институтда бажарилаётган яна бир йирик тадқиқот — сийрак маъдан, тилла ва бошқа рангли маъдан конларни қидиришдаги назарий асослар ва бу фойдали қазилмаларнинг минералогияси ва петрологияси соҳаларидаги ишлар билан боғлиқдир.

**ФАНИ МАВЛОНОВ** номидаги **СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ** ҳам катта муаммоларни ҳал этиш билан шугулланади. Улардан энг сараси ер қимирлашнинг вақти ва кучини башорат қилиш масаласидир. Бу соҳада **Ўзбекистон** олимлари энг пешқадам олимлар даражасига эришишган. Уларнинг кашфиётлари бир неча ер қимирлашларини башорат қилиш имконини берди, аммо уни ҳали қиёмига етган услуб деб атаб бўлмайди. Ҳали бу соҳада кўп ишлар қилиниши керак.

Ҳозирги кунда илм-фан тараққиётини нозик ва аниқ ишлайдиган замонавий асбоб-ускуналарсиз тасаввур қилиш қийин, бироқ уларни асосан тараққий этган капиталистик давлатлардан олишга мажбур эканлигимизни ҳисобга олсак, валюта қийинчиликлари келиб чиқаётгани аён бўлади. Жумҳуриятимиз мамлакат валюта манбаларидан бири бўлишига қарамай, бу муаммо ҳамон кескин бўлиб турибди. Уни ижобий ҳал қилиш жумҳурият ҳукумати олдида турган энг зарур вазифалардан биридир, деб ҳисоблайман.

Фанлар академиямизда **ГЕОГРАФИЯ БЎЛИМИ** ҳам ишлаб турибди. Бўлим илмий ходимларининг маоши жуда оз. Улар йирик муаммолар устида илмий тадқиқот олиб бормоқдалар. Жумладан, **Оролни қутқариш, Табиий бойликларнинг жойланиши** ва улардан самарали фойдаланиш муаммолари. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича қатор экологик масалалар, жумҳуриятимизда миллатларнинг тарқалиши бўйича хариталар тузиш ҳам шу бўлим зиммасида.

Кўриб турибсизки, илмий муассасаларни бошқаришнинг ҳам ўзига етарлик ташвишлари, заҳматлари бор, лекин яқинда **СССР Президенти** чиқарган фармойишга кўра, **СССР Фанлар академияси** мустақиллик ҳуқуқини олди. Албатта, бу мустақиллик шабадалари бизнинг жумҳуриятга ҳам эсиб қолар, деган умиддаман.

Энди саволингизнинг иккинчи бандига келсак, 1968 йилдан бошлаб физик-кимёгар, геолог **Ш. Амирхонов** ва геофизик-математик **А. Киршинлар** билан бирга органик химия соҳасида олиб борилган тадқиқотлар туфайли катта илмий кашфиёт яратдик. Уни 1985 йили **СССР Кашфиёт Давлат Кўмитаси** рўйхатига олди ва 1988 йили дипломлар билан тақдирланди. Шу соҳада бир қанча китоблар ва юздан ортиқ мақола эълон қилдик, улардан баъзилари **АҚШ** да (**Нью-Йорк, Вашингтон**), **Францияда** (**Париж, Ницца**), **Ҳиндистонда** (**Нью-Дели, Бомбай** ва **Калькутта**) **инглиз** ва **француз тилларида** чоп этилди.

Шундай қилиб, кашфиёт ҳамда унинг назарий ва амалий натижалари ажралган ҳолда нашр қилинди. Шунинг учун, келгусида уларни бир бутун ҳолда ишлаб чиқиш, янги маълумотлар билан тўлдириш, катта илмий асар яратишни мўлжаллаб қўйганман. Бу иш баъзи сабабларга кўра озгина кечикяпти, холос. Шу ўринда буюк мутафаккаримиз **Замашарийнинг** «Қилиш керак бўлган ишлар қарзидир, бажариб қўй, кўнглинг таскин топади, обрўйинг ҳам тўкилмайди», деган ҳикматларини эслаб қўяман.

— **Дарҳақиқат, қадим алломаларимиз улкан асарлар ёзиб қолдириш билан бирга ўзлари ҳам ҳаётда атрофдаги кишиларга ибрат бўла олганлар. Уларни шоҳлар иззат-ҳурмат қилган, камбағаллар зиёсидан баҳраманд бўлган. Булар бари эса инсонийлик деган тўшунчага бориб тақалади. Сиз замонавий олим сифатида шу тўшунчани қандай баҳолайсиз!**

— **Инсон ҳаётнинг бир зарраси. Лекин у ўткир тафаккури, мантиқий мушоҳадаси, ақл-идроки билан она табиатда энг қудратли кучдир. У кўпдан-кўп яхши фазилатлари: софдиллиги, меҳнатсеварлиги, ватанга садоқати, фидокорлиги, сидқидиллиги, ўз манфаатидан кўпчилик манфаатини устун қўйишлиги жиҳатидан алоҳида ажралиб туриши ва бошқа қатор фазилатлари билан ўз инсонийлигини намоён этиши керак.**



# ХАЛҚ ТАБОБАТИ

Маднёр САЛОЕВ,

УзССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг хўжалик ҳисобидаги «Шарқ» халқ табobati жумҳурият марказининг бош шифокори.

Муолажа тадбирларининг самарадорлиги кўп ҳолларда касаллик қандай босқичда эканига боғлиқ. Шу боис ҳар қандай хасталик жараёнини аниқлашнинг замонавий усуллари тиббиётнинг энг муҳим муаммоларидан ҳисобланади. Шунини таъкидлаш керакки, касалликни илк босқичларида аниқлаш бир қатор қийинчиликлар, жумладан, беморнинг ўз вақтида мурожаат этмаслиги, ташхис (диагностика) тадбирларининг мураккаблиги, талай тиббиёт муассасаларида зарурий асбоб-ускуналар етишмаслиги ва ҳоказолар билан алоқадор. Шу сабабли кейинги йилларда хилма-хил касалликларни ташхис қилиш ва даволашда ноанъанавий муолажадан, хусусан, тиббий ҳиссиёт ёрдамида ташхис қилиш ва даволаш усулларида тобора кенгроқ фойдаланилмоқда.

Қуйида шу борадаги кузатишларимнинг айрим натижаларини баён этмоқчиман. 18 йиллик шифокорлик фаолиятим мобайнида замонавий ташхис усулларида ташқари, халқ табобатининг ташхис ва муолажа усулларида айримларини, хусусан касалликни томир кўриб ва масофадан туриб аниқлаш усуллари кўллаб келдим.

Шифокорликда табиблик қобилияти асосан ташхис мақсадларида қўлланмоғи лозим. Муолажа жараёнида тиббий таъсирга ёрдам тариқасида бемор баданидан олинаётган ахборотни ўқиш ҳамда тиббий ташхис клиникада, лабораторияда ва асбоб-ускуналарда олиб борилган тадқиқотларнинг натижасига қанчалик тўғри келишини қиёслаш мақсадларида кўплаб расмий усуллардан фойдаланиш ҳам мумкин. Бу борада турли муассасаларда: Тошкентдаги Тиббий қайта тиклаш ва Физиотерапия, Эндокринология илмий-тадқиқот институтларида, Ленинград ва Москвадаги бир қанча институтларда тажрибалар ўтказдим.

Тажрибавий тадқиқотлар жараёнида тиббий ташхис натижалари ЯМР, ички аъзолар ва юракни ультратовуш ёрдамида текшириш, ЭКГ, ФКГ, изотоп ёрдамидаги тадқиқотлар, реоэнцефалография, қон ва сийдикнинг биохимиявий ҳамда клиник тадқиқотлари берган маълумотлар билан қиёслаб кўрилди. Уларнинг ўзаро мос келиш ҳоллари 76 фоиз бўлди. Бироқ шунини айтиш керакки, тиббий асбоб-ускуналардан олинган маълумотни тиббий ахборот берадиган маълумот билан қиёслаш ўта мушкул. Боиси — тиббий асбоб-ускуналарнинг хасталанган жойни (айниқса касалликнинг илк босқичларида) сеза олиш қобилияти тиббий ҳиссиётга нисбатан бағоят паст. Бутун вужудни тиббий сезги орқали кўриқдан ўтказиш туфайли баданнинг хасталик ҳолатини умумий тарзда аниқлаш мумкин, тиббий асбоб-ускуналарда бундай имконият йўқ.

Биз касаллик босқичларига боғлиқ ҳолда ноанъанавий муолажа усуллари ишлаб чиққанмиз. Амалий фаолиятимда шахсан ўзим неча ўн минглаб беморни шу тарзда даволадим. Бунинг натижасида эса вужуднинг турли ҳолатлари ва касалликлари бўйича махсус клиник тавсифлардан ташқари хусусий кузатишлар ҳам пайдо бўлди. Тиббий ҳиссиётга эга бўлган одам нафақат инсон вужудининг, балки ҳар қандай тирик жоннинг касалликларини аниқлашга қодир. Биологик объектнинг бу хил хусусияти ҳашарот, кемирувчилар, илон, қуш, ит, мушук ва ҳоказолар орасида юксак ривожланган.

Ҳар қандай жонли мавжудот атрофидаги оламга таъсир кўрсатиш хоссасига эга. Мисол учун асалари бир неча қақирим наридан туриб ўсимликларнинг гуллаш вақтини аниқ белгилай олади, исковуч итлар эса миллионлаб одамлар орасида жиноятчини осонгина топиб беради. Ўрта Осиёда тарқалган чарх илон кемирувчи ёки қуён каби

(Боши 8-сонда)

ўлжасини бир неча метрдан туриб, нигоҳининг кучи билан «сеҳрлаб» қўяди, сўнг олдига «чақириб» олиб, бамайлихотир ялмамай ютади. Ҳайвонот оламида бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бу хил ҳодисалар атрофимизда ҳар куни, ҳар соат, ҳар дақиқада рўй бериб турибди. Бироқ одамлар бунга парво қилишмайди. Шундай ҳодисалардан фойдаланиб, беморларга наф келтираётган одамлар ҳам талайгина. Таассуфки, олимларнинг аксарияти инсонда табиий ҳодисаларни қувват-ахборот тарзида ҳис этиш имконияти борлигини рад этиб келишади. Ҳолбуки, шундай кишилардан халқ хўжалиги ва тиббиётда фойдаланиш давлатимизга ниҳоятда катта фойда келтиради.

Бу гапларимнинг исботи тариқасида кузатишларимдан олинган хилма-хил натижаларни келтириб ўтсам.

Н. Кассирская 50 ёшда, Москвада яшайди. Тиббиёт фанлари номзоди, реовазография бўйича мутахассис. Тиббий ташхис ёрдамида бош мияси, аиниқса ўнг яримшари томирлари торайгани аниқланди. Бош оғриғининг сабаби шу экан. Тиббий ташхис тўғрилигини реоэнцефалография ҳам тасдиқлади. Ноанъанавий усулдаги бир галги муолажадан кейиноқ — 45 дақиқадан сўнг ўтказилган такрорий реоэнцефалография бош мияда қон таъминоти 1,5 мартага ошганини кўрсатди. Бу ишни мутахассис сифатида Кассирскаянинг ўзи бажарди.

Дилфуза Исмоилова 28 ёшда, Тошкентда ҳуқуқшунос бўлиб ишлайди. Иккиламчи бепуштлиқдан қийналади. Гинекологлар қўлида 9 йил даволанганига қарамай, бўйида бўлмаган. Маълумки, бепуштлик жинсий аъзо касалликларидан ташқари, вужуднинг ҳаётий кучлари тақсимотидаги бузилишга ҳам боғлиқ. Бу ўринда ноанъанавий муолажа усуллари кўллаб, бадандаги умумий ҳаётий кучларни тартибга солиди. Бемор 3—4 килограммга тўлишди, орада бир ой ўтиб, муолажанинг 2-давраси туганидан кейин эса бўйида бўлди. Табибнинг бу хусусдаги вазифаси муолажага ёндашув тарзларини аниқ белгилаб беради: акушер-гинеколог жинсий аъзо касалликлари билан шугулланиши, табиб эса бадандаги умумий бузилишларни маромга келтириши керак. Шундагина кўнгилдагидек натижаларга эришувимиз мумкин.

Л. Ким 26 ёшда, Тошкентда яшайди. Ревматик полиартритдан азоб чекади, юрак соҳасида оғриқ бор, юрак ўйноғи, салга нафаси қисади, озгин, иштаҳаси паст. Юрагида систолик шовқин эшитилади, бунинг Тошкент Тиббиёт институти клиникаларида митраль нуқсон деб ўйлашган. Бемор 10 йилдан зиёд даволанган, ревматолог назоратида, касаллик қайталанишига қарши муолажа олади. Ҳар йили Тошкентнинг энг яхши шифохоналарида 1-2 марта даволанади. Сўнгги марта шифохонада ётганида бемор ревматизмга текшириб кўрилган, унга қўйилган аллергияк намуналарнинг 18 таси ижобий чиққан. Бемор шифохонадан наф кўрмай чиқиб кетган.

Биз 7 кун мобайнида уни ноанъанавий усулда даволадик. Муолажа даврасининг охирида беморнинг аҳволи кескин яхшиланди. Такрорий муолажа даврасига 25 кундан кейин келди. Бемор бўғимларида ҳеч қандай оғриқ сезмайди, юрак ўйноғидан қўтилди, уйқуси тинч, иштаҳаси карнай, 6 килограммга тўлишди. Жумҳурият аллергия марказида аллергияларга нисбатан қўйилган такрорий намуналар салбий натижа берди (ваҳоланки, дастлабки текширишдан кейин бор-йўғи 10 кун ўтганида, холос). Муолажа жараёнида ҳеч қандай дори-дармон қилинмади. Халқ табобат усулларининг ўзи эвазигаёқ шундай ютуққа эришилди. 6 ойдан буён беморнинг аҳволи кузатиб турилибди.





**«Фан ва турмуш»нинг бош муҳаррири, УзССЖ академик Комилжон Зуфаров мақола муаллифига ойнома мукофотини топширапти.**

Машҳура Ниёзова 34 ёшда, Тошкентда яшайди. Кўриш қуввати заифлашуви ва кўз соққасидаги оғриқ туфайли мурожаат этганди. Бемор 6 ой мобайнида кўз касалликлари шифохонасида қарийб муттасил даволанган. Кўз босими ортиб, 40 га етгани қайд этилган. Клаффилин (томчи дори) ва бошқа хил доимий дори-дармонлар наф келтирмаган. Жарроҳлик таклиф этилганда бемор розилик бермаган. Бу ўринда кўз босими бош мия томирларидаги хасталикка боғлиқ эди.

Биз дори-дармон ишлатмай, фақат халқ табobati усуллари қўлаб муолажа қилдик. 7 кунлик муолажадан сўнг кўз босими меъёрга келди, оғриқлар йўқолди, кўриш қуввати тикланди. Беморни 4 ойдан зиёд кузатиб турдик, иш қобилияти яхши, бир неча марта кўз касалликлари шифокори кўригидан ўтди — кўз босими ҳам жойида.

Тиббий ҳиссиёт бўйича кўз касалликларини икки гуруҳга — кўз соққаси касалликлари ва тананинг умумий хасталикларига боғлиқ бўлган кўз касалликларига ажратамиз. Кейинги ҳолда кўз касалликлари шифокорлари ёрдам беришдан ожизлар. Масалан, аҳолининг қарийб 50 фоизиде 45 ёшдан сўнг кўриш қуввати заифлаша бошлайди. Бу борада кўриш қувватини узоқ йиллар сақлаб қолишнинг энг самарали усули бизнинг халқ табobati марказимизда ишлаб чиқилган. Кўриш қувватининг сустлашуви билан бирга аксари кишиларда эшитиш қуввати ҳам пасая бошлайди. Бу ўринда ҳам лор-шифокорлар ёрдам беришдан ожиз. Биз эса дори-дармонсиз самарали даволаш усулини тавсия этамиз.

А. Мақсудова 1963 йили туғилган, врач-терапевт, Тошкентда яшайди. Бош оғриғи, бош айланиши, уйқусизлик, юрак ўйноғи, экстрасистолиядан дард чекарди. Кардионевроз ташхиси билан кардиологлар қўлида даволанган. Беллоид, рибоксин, панангин каби дорилар наф бермаган. Фақат кордоронгина юрак уришини муайян вақт маромга солиб турган, дорининг таъсир кучи йўқолиши билан экстрасистолия яна тикланаверган.

Бемор 7 кун мобайнида халқ табobati усулида муолажа олди. Дори-дармоннинг ҳар қандай туридан воз кечилди. Муолажа яхши натижа берди: экстрасистолия, бош оғриғи, бош айланиши, уйқусизлик йўқолди. Бемор муолажанинг 2-даврасига бир ойдан кейин келди, бу орада аҳволи яхшилигича қолган. Бу хил ҳодисалар бошқа кўп-лаб беморларда ҳам учрайди, бари ҳеч қандай дори-дармонсиз шифо топади.

К. Марайимов 1962 йили туғилган, Қирғизистондан келган, 2-гуруҳ мажруҳ. 16 йилдан бери тутқаноқдан азоб чекади, нутқи равон эмас, дудуқланиб гапирди. Фенилопеинни ичмай юролмайди. Лекин дори-дармонга

қарамай тутқаноқ давом этаверган. Бемор ноанъанавий муолажа бўйича 7 кунлик даврани бошлаганида дори-дармоннинг ҳар қандай туридан воз кечдик. Муолажа шарофати билан тутқаноқ хуружлари, бош оғриғи йўқолди, нутқи равонлашди, уйқуси тинч, юзига ранг югуриб, пажмурда қиёфаси ҳам аслига қайтди.

Кузатувларимизга қараганда, тутқаноққа учраган беморларнинг 40 фоизга яқини ноанъанавий муолажа усулидан шифо топади. Дори-дармон умуман қилмайдиган тутқаноқ турлари ҳам бор, лекин ноанъанавий муолажа таъсирида хуружларнинг сони камайиб, кўриниши ўзгаради, бироқ мутлақ йўқолиб кетмайди.

В. Белова 1945 йили туғилган, Тошкентда яшайди, бошланғич синфлар муаллимаси. Кечаю кундуз қуруқ йўталдан азоб чекаётганига 10 йилдан ошган. Йўтал қаттиқ қийнайди, бош оғриб, иш қобилияти пасаяди, уйқу бузилади. Бемор мумкин бўлган жамини тегишли тиббий кўриклардан ўтган, унга трахеобронхит деб ташхис қўйилган. Беморга дори-дармон, шифобахш гиёҳлар, вужуд сезгирлигини камайтирувчи муолажа, аутогемотерапия, физиотерапиянинг хилма-хил усуллари қўлланган, у ҳатто силга қарши дори (фтивазид) қабул қилган. Санаторий ва курортларда даволанган, иқлимни алмаштириб кўрган, бироқ аҳволи энгиллашмаган.

Бемор марказимизда 7 кун мобайнида халқ табobati усулларида муолажа олди. 10 йиллик йўтал йўқолди, уйқу маромига тушиб, иш қобилияти ошди. Орада бир ой ўтиб такрорий муолажа курсига келганида беморнинг аҳволи яхши, йўтал асарини йўқ эди.

Кузатишларимизга кўра, бронхиал астма, сурункали бронхит, аллергик трахеоларингит касалликларига учраганлар ноанъанавий муолажа усулида 7 кун ичидаёқ шифо топадилар. Ушбу касалликларнинг 90 фоизи ҳеч бир дори-дармонсиз буткул тузалиб кетаяпти.

Надежда Тазова 1933 йили туғилган, 1966 йилдан бери 2-гуруҳ мажруҳи. Ташхиси: постравматик энцефалопатия, умуртқанинг бўйин-кўкрак қисмлари остеохондрози ва ҳоказолар. Харьковдаги кўриқда постравматик лептоменингит, арахолдит деб ташхис қўйилган. Бемор йилига 1-2 марта шифохонада, шунингдек, деярли муттасил қатнаб даволаниб, асосан дори-дармон олади. Лекин умумий аҳволи ёмонлашаверган.

Беморни халқ табobati усулларида даволай бошладик. 7 кунлик муолажа даврасининг охирига бориб беморнинг умумий аҳволи кескин яхшиланди, юракдаги оғриқлар, бош оғриғи, бош айланиши йўқолди, уйқу маромига келиб, ўзини бардам сеза бошлади.

Бизга жуда кўп беморлар бош оғриғи билан мурожаат қилишади. Шикастланиш жараёнининг давомийлигига, шикастланган жой қаердалигига қараб халқ табobati муолажасининг самарадорлиги ҳам ҳар хил. Жароҳатланиш асоратидан кейинги бош оғриғи аломатларининг ўн йилгача бўлган турларини даволашда яхши натижаларга эришяпмиз. Яллиғланиш оқибатида келиб чиққан бош оғриғининг 10 йилдан ўтиб кетган оғир ҳолатлари бўлади, бунда унинг ёнига кўнгил айнаши, қўл қалтираши, бош айланиши, хотира сусайиши, кўриш қобилиятининг заифлашуви, тутқаноққа ўхшаш хуружлар, бошда доимий совуқни ҳис қилиш ва бош оғриғи аломатларининг бошқа хил асоратлари кўшиладики, бундай касалликни даволаш самарадорлиги кутилган натижани бермайди. Бироқ дори-дармон ва табиий ҳамда физик воситалар билан халқ табobati уйғунлаштириш туфайли яхши натижаларга эришяпмиз.

Аксари мижозларимиз бош оғриғининг хилма-хил аломатларидан ҳатто 2-гуруҳ мажруҳлари бўлиб қолишган.



Бир неча минг бемор даволанишини кузатиш асосида шундай хулосага келдикки, бош оғриғи аломатларининг 10 йилгача бўлган турларидан азоб чекувчиларнинг 95 фоизи шифо топади. Касаллик 10 йилдан ошган бўлса, халқ табobati усулининг самараси пасайиб бораверади. Бироқ бу усулдан касалликнинг кучайиш ҳоллари шу вақтгача ҳеч учрамаган, аксинча яхшилиниш кузатилади. Бош оғриғи аломатини халқ табobati усулида даволашда дори-дармондан деярли фойдаланилмайди.

Дмитрий Решетников 1953 йили туғилган, Тошкент шаҳридаги ноҳия комсомол кўмитасининг котиби. Унга жароҳатланишдан кейинги умуртқанинг кўкрак қисми остеохондрози деб ташхис қўйилган. Жароҳатланишдан сўнг бемор умуртқасининг кўкрак-бел қисмида кучли оғриқлар пайдо бўлган. Бемор тунлари ётганда оғриқ азобини камайтириш учун қулайроқ вазият излаган, лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам оғриқ камаймаган. Шаҳар касалхоналарида асаб касалликлари мутахассиси, жарроҳ, урологлар қўлида, Тошкент шаҳридаги Ортопедия ва травматология институтида кўриқдан ўтиб даволанган. Лекин бир йил мобайнидаги жамики муолажалар ҳеч қандай наф бермаган. Марказимизда халқ табобатининг биз яратган усули бўйича муолажа курсини дори-дармонсиз ўтди. Курс охирида — 7 кундан кейин оғриқ йўқолиб, бемор тинч ухлай бошлади.

Мижозларимизнинг аксари қисми умуртқа поғонасининг турли даражасидаги остеохондрозлари, радикулитлар, хилма-хил невритлар ва невралгия билан оғриган беморлардан иборат. Тиббий ҳиссиётга асосланган ҳолда таъсир бериш зонасини, таъсир бериш усуллари ва давомийлигининг уйғунлигини ҳар бир бемор учун алоҳида ишлаб чиқамиз. Фақат шу тақдирдагина сурункали касалликларда беморларни даволаш самарадорлиги 95 фоиздан ортади.

Охунжон Баратов 1940 йили туғилган, Фарғона вилоятида давлат хўжалиги ишчиси. Қорнида дам-бадам ҳуруж қилувчи оғриқ пайдо бўлган, жигилдони қайнади, ич келиши бузилган, чўпдай озиб кетган, иштаҳаси йўқолган, 1975—1984 йиллар мобайнида шифохоналарда гастрит ва қулунж (колит) ташхислари билан даволанганига қарамай ҳеч қандай наф кўрмаган.

Марказимизда бемор халқ табobati усули бўйича муолажа олди, дори-дармондан қисман фойдаландик. Муолажа охирига бориб иштаҳаси очилди, тетиклаша борди, ўзини яхши ҳис қила бошлади, ич юриши маромга тушди.

Марказимизда кўнгил айнаши, жигилдон қайнаши ва кўкрак остидаги оғриқлар билан биргалликда кечувчи сурункали гастритни даволаш усулини ишлаб чиққанмиз. Шунингдек, қулунж ва гепатохолиститни даволаш усуллари ҳам яратилган. Бунда, асосан халқ табобатига, қисман дори-дармон ва табиий-физик муолажа усуллари таянади. Беморларнинг самарали ва буткул даволаниши 90-95 фоизга етади.

Бизда Шанлайн-Генол касаллигининг тери-абдоминал тури билан касалланган бир бемор даволанди. Халқ табobati усули бўйича атиги икки давра муолажадан кейин батамом соғайиб кетди, ноҳия шифохонаси шифокорлари буюрган гормонотерапиядан эса муолажа бошидаёқ воз кечган эдик. Касаллик қайталанмади.

Наргиза Боймуротова 1976 йили Хоразм вилоятида туғилган. Бўғимлардаги, юрак соҳасидаги оғриқдан, юрак ўйноғи, мажолсизлик, умуман аҳволи ёмонлигидан қийналар, устига-устак сурункали тонзиллит тез-тез ҳуруж қилиб турарди. Кейинги 5 йил мобайнида ревматизм, ревматик полиартрит, ревмокардит, сурункали тонзиллит ташхиси билан шифокорларга кўриниб келади. Бемор касаллик қайталанишига қарши муттасил равишда бициллиотерапия олади, бўғимлардаги оғриқларда индометацин, аспирин ва яллиғланишга қарши бошқа дори-дармон қабул қилади. Шифохоналарда даволанган, бирон наф кўрмаган.

Бемор марказимизда даволанишининг 3-куни аҳволи кескин яхшиланди, муолажанинг охирига бориб эса касалликнинг барча белгилари — юрак соҳасидаги ва

бўғимлардаги оғриқлар, юрак ўйноғи йўқолди.

Ойша Абдуназарова 1950 йили туғилган, Самарқанд вилоятидан. Ташхиси: аллергик ринит, мигрень, учламчи нерв невралгияси, 17 йилдан бери бош оғриғидан азоб чекади. Кўп ўтмай унинг ёнига аллергик ринит, уйқусизлик қўшилди, вақти-вақти билан худди ҳаво етмаётгандек бўлиб юраги ўйнаб кетадиган бўлди. Тез-тез шифохоналарда ётиб ва қатнаб, асосан дори-дармон билан даволаниб турган. Лекин аҳволи қисқа муддатга яхшиланарди, холос.

7 кунлик муолажамиз яхши самара берди. Беморнинг бош оғриғи, аксариши йўқолди, уйқуси маромга тушди. Муолажа чоғида дори-дармонларни тўхтатдик. Биз бронхиал астмани, юқумли аллергик генезни даволаш усуллари ишлаб чиққанмиз. Муолажа самарадорлиги бронхиал астма билан оғриган, лекин гормон олмаган беморларда айниқса юқори. Қолаверса, бу усулимизда аллергик ринит, дерматит ва вужуд аллергиясининг бошқа турлари тез тузалади. Аллергияни даволашда дори-дармонга ҳожат йўқ, деган хулосага келганмиз. Ташхис аниқ қўйилиб, муолажа усули тўғри танланганида юзда пигмент етишмаслигидан пайдо бўладиган ва бошқа хил доғлар тез йўқолиб кетаяпти. Шунингдек, асабийлик, неврастения, неврознинг кўплаб турлари, ғайриоддий простатитларни муваффақиятли даволаш бўйича кўплаб мисоллар келтириш, вужуд қаришига қарши кураш йўллари ҳақида ҳикоя қилиш мумкин эди. Бироқ булар алоҳида мавзу.

«Орол-88» экспедициясининг аъзоси сифатида Урта Осиё аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишнинг аҳволи билан танишман. Саломатликнинг аҳволи, экологик ҳалокатлар ва уларнинг инсон соғлиғига таъсири ҳақидаги мақолам «Фан ва турмуш» ойномасининг 1989 йилги 9—10-сонларида ва «Коммунист» ойномасининг 1990 йилги 2-сонидан эълон қилинган. Шу боис кишиларимиз саломатлиги аянчли аҳволда экани, Урта Осиё аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш ўта ғариблиги тўғрисида такрорлаб ўтирмайин.

1988 йили мамлакатимизда соғлиқни сақлаш учун жон бошига йилга 87 сўм, Ўзбекистонда эса 47 сўм ажратилди. Тиббиётнинг моддий-техника асоси тубан даражада ва, аксинча, она-болалар ўлими, касалланиш юқори даражада эканлигини назарда тутган ҳолда ҳамма ерда халқ табobati усуллари аънавий тиббиётнинг мавжуд усулларига қўшимча сифатида кенгайтириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Халқ табobati хусусидаги фикримиз тўғрилигини иқтисодий жиҳатдан асослаш учун бир беморни даволашга сарфланадиган харажатни ўзаро бир қиёслаб чиқайлик. Тиббий шифохона шароитида даволаниш учун бир кунга ўртача 30 сўм сарфланади. Бир беморнинг тиббий шифохонада бўлиш муддати ўртача 24 кун. Башарти ишчи бир кун ишламаса, давлат хазинасига меҳнат унумдорлигига қараб 50—70 сўм зарар келтиради. Шифохонадан чиққанидан кейин касаллик варақаси учун кунга ўртача 10 сўмдан тўланиши керак. Демак, 24 кун  $\times$  30 сўм = 720 сўм; 24 кун  $\times$  50 сўм = 1200 сўм; 24 кун  $\times$  10 сўм = 240 сўм. Энди барча харажатни жамлаб кўрайлик: 720 + 1200 + 240 = 2160 сўм. Шифохонада бўлишнинг ўртача муддатига боғлиқ ҳолда битта беморнинг даволаниши учун сарфланадиган харажат ҳам ҳар хил бўлади. Бироқ бу ҳали шифохонадан чиққан бемор соғайиб кетди деган гап эмас.

Жумҳурият халқ табobati марказида эса беморлар атиги 7 кун даволанишади, муолажа курси учун бор-йўғи 100 сўм сарфланади. Мижозларимиз юқорида санаб ўтилган касалликлар бўйича 90—95 фоиз шифо топади. Бинобарин, халқ табобатининг афзаллиги ҳар томонлама яққол кўриниб турибди. Муолажа усулимизга аҳолининг эҳтиёжи катта, зотан, у йирик капитал маблағларни ҳам талаб қилмайди. Аксинча, халқ табobati усуллари бўйича ташхис қўйиш ва муолажа қилишдан беморларнинг ўзигина эмас, балки давлатимиз ҳам катта фойда кўради.

(Давоми бор)



# ИСТИҚБОЛЛИ КАСБ

Ниҳоятда катта қийинчиликлар билан амалга оширилаётган қайта қуриш пировард оқибатда иқтисодиётга келиб тақалди, зотан қайта қуришни амалга ошириш учун ҳам катта маблағ керак.

Маблаглар эса етарли эмас. Чунки биз, хўжаликни уддабурунлик билан юрита олмаяпмиз. Иқтисодчи олимларнинг ҳисобларига қараганда 1988 йилда ялпи sanoat маҳсулотининг деярли ярми — (450 миллиард сўмлик), қишлоқ хўжалигида эса ялпи маҳсулотнинг 20—40 фоизи (47—95 миллиард сўмлик) исроф бўлган. Бундан ташқари халқ хўжалиги бўйича йўқотилган жами иш вақти учун 83 миллиард сўм тўланган. Умуман халқ хўжалиги бўйича йўқотишлар 580—629 миллиард сўмни ташкил қилган. Бу яратилган ялпи ижтимоий маҳсулотнинг 38—40 фоизи демакдир.

Иқтисодий муносабатларимиздаги иллатлар бошқа соҳаларда ҳам ўз таъсирини кўрсатяпти. Узоқ йиллар давомида мамлакатимиз иқтисодиётини режалаштиришда мезон ва кўрсаткичлар амал қилиб келди. Масалан, халқ соғлигини сақлаш соҳасида ҳар 10 минг аҳолига тўғри келадиган шифокорлар ва касалхоналардаги ўринлар сони асосий кўрсаткич ҳисобланиб келди.

Дарҳақиқат, бу кўрсаткичлар бўйича биз дуруст натижаларга эришдик. Масалан, СССРда ҳар 10 минг аҳолига 43,3 шифокор, касалхоналарда 130,6 ўрин, АҚШда эса 25,7 шифокор ва 54,5 ўрин тўғри келади. Кўриб турибсизки, халқ соғлигини сақлашда биз АҚШдан ўзиб кетганмиз. Бироқ пировард мақсад шифокор ва касалхоналар сонини кўпайтириш эмас-ку! Мақсад — аҳолининг соғлом бўлишини таъминлаш, ўртача умрин узайтириш бўлиши керак.

Сифат кўрсаткичлари энг аввал шифокорлар малакасига, беморларга кўрсатилаётган тиббий хизматнинг даражаси ва сифатига қараб баҳоланади. Беморларга тиббий хизмат кўрсатиш даражаси бўйича эса биз АҚШдан бир неча ўн баравар ортдамыз. СССРда аҳоли соғлигини сақлашга инсон бошига бир йилда — 80 сўм АҚШда эса 1772 доллар сарфланади. Кўриниб турибдики, биз эришган кўрсаткич АҚШдан 22 марта паст. Лекин бу шартли ҳисоб. Аслида, агар сўмнинг қадри доллардан анча пастлигини ҳисобга олсак, ўртадаги тафовут яна ҳам чуқурлашади. Бу тафовутни йўқотиш ёки ҳеч бўлмаса, бирмунча юмшатиш учун қўшимча маблағ керак. Бу ҳам иқтисодий масаладир.

Демак, турмушимизнинг қайси жабҳасига қарамайлик, иқтисодий муно-

сабатларнинг нотўғрилиги маданий, маиший, ижтимоий соҳаларда ҳам ғайри илмий қарашларни, нотўғри мезонларни, тескари муносабатларни келтириб чиқарапти.

Бу муаммоларни тўғри ҳал этиш учун халқ хўжалигига мутахассислар тайёрлаш услубини тубдан ўзгартириш зарур. Ҳукуматимиз олий таълимни қайта қуриш тўғрисида муҳим қарорлар қабул қилди. Мутахассислар тайёрлаш бундан буён халқ хўжалигининг эҳтиёжига қараб, корхона ва ташкилотларнинг буюртмасига асосан амалга оширилиши кўзда тутилади.

Тошкент Халқ хўжалиги олийгоҳи билан Ўзбекистон ССЖ Савдо Вазирлиги шу йилдан эътиборан тижорат учун менежерлар тайёрлаш ҳақида шартнома туздилар. Хўш, менежерлик қандай касб!

Маълумки, савдо тармоғи учун мамлакатимиз олий юртларида иқтисодчилар, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товаршунослари, бухгалтерлар тайёрланади. Хўш, ана шундай ихтисослардаги мутахассислар бугунги кун талабларига жавоб бера оладими!

Бу саволга жавоб беришдан олдин, кейинги йилларда савдо соҳасида юз бераётган туб ўзгаришларни кўздан кечирайлик.

Эндиликда савдо корхоналарини озиқ-овқат ва бошқа хил маҳсулотлар бўйича ихтисослаштириш ўз аҳамиятини йўқотди. Ҳозир энг замонавий турдаги универсамларда озиқ-овқат моллари билан бирга кундалик эҳтиёж моллари сотилмоқда. Демак, маҳсулотшунослар умуман, халқ истеъмоли товарлари бўйича ихтисослашиши керак.

Товаршунослар маҳсулотнинг физик, химиявий таркиби, истеъмол хусусиятлари, уларни сақлаш, сотишини билши билан чегараланиб қолмаслиги лозим. Замонавий савдо ходими аҳолига зарур бўлган молларни ишлаб чиқаришни ташкил қилиши ёки бошқа ноҳиялардан, ҳатто чет элдан келтириши, аҳолини турли хил маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондира билиши керак. Бу масалаларни ҳал қила олиш учун кенг иқтисодий, тижорат илмларини яхши эгаллаш зарур.

Умуман, савдо мутахассиси кенг билимга, юқори малакага эга бўлиши зарур. Савдо амалиётида соф молшунослик ёки соф иқтисодий масала бўлмайди, бу масалалар доимо бир-бирига чапишиб кетади.

Савдо амалиёти ҳам худди шуни кўрсатапти. Ҳозир жумҳурият Савдо вазирлиги корхоналари ва ташкилотларида Тошкент халқ хўжалиги олийгоҳини битирган 9 мингдан кўпроқ мутахассис ишляпти. Аммо ўз мута-

хассислиги бўйича ишламаётган ходимлар жуда кўп. Ҳозир бизга тижорат илмини пухта эгаллаган мутахассислар керак. Бундай мутахассисликни менежерлик деб юритилади.

Инглизча «менеж» сўзининг мазмуни бўйсундириш, бошқариш демакдир. Менежерни эгарда ўтирган чапдаст чавандозга қиёс қилишади. Чунки менежер корхона ва меҳнат жамоасини моҳирона бошқара олади. Савдо корхонасини бошқарувчи менежер товаршунос ташкилотчи, иқтисодчи, рухшунос, ҳуқуқшунослик илмларини яхши эгаллаши, компьютер техникасидан фойдаланиши, ташқи савдо алоқаларини билиши керак.

Хўш, халқ хўжалиги учун бундай кенг қамровли мутахассисларни қандай тайёрлаш мумкин!

Биринчидан, менежер молшуносликни, савдонини ташкил қилиш ва бошқариш, савдо иқтисодиёти билимларини мукаммал эгаллаган бўлиши керак.

Иккинчидан, машғулотлар аввалгидек фақат олийгоҳ хоналарида эмас, балки ихтисослик фанларидан амалий машғулотлар савдо корхоналарида ҳам олиб борилади.

Учинчидан, савдо корхоналарида ўтказиладиган амалий машғулотларни фақатгина назарий билимга эга бўлган олимлар эмас, балки катта амалий тажрибали савдо ходимлари олиб боради. Талабалар олий маълумот олгандан кейин ишлаши мўлжаллаган корхонага 1-курсданок бириктириб қўйилади. Бу тадбир талабаларга савдо амалиётини яқиндан ўрганиш, корхона фаолиятини чуқур таҳлил қилиш, курс ва диплом ишларини ана шу корхонадаги муайян масалаларни ечиш учун қаратиш имконини беради.

Тўртинчидан, савдонини бошқарувчи мутахассис фақат кўрсатмалар бериши эмас, балки шу кўрсатмаларни бажариш машаққатини ҳам билиши керак. Бунинг учун савдонини ташкил қилиш жараёнидаги ҳамма босқичлардан ўтиши лозим. Масалан, савдода юк ташиш, озиқ-овқат маҳсулотларини қадоқлаш ва бошқа жараёнларнинг кўпчилиги қўл кучи билан бажарилади. Талабалар ўқиш давомида савдо технологияси бўйича ўқув амалиётини молшунослик, режалаштириш ва иқтисодиёт, ишни ташкил қилиш ва бошқариш бўйича ўтайдилар.

Бешинчидан, савдо менежерлигида анъанавий фанлардан ташқари, янги иқтисодий шароитимиз тақозо қилаётган замонавий фанлар тобора кенг ўрин эгаллашеради. Бозор иқтисодиётига қадам қўйилаётган ҳозирги кунда менежерлик энг истиқболли касблардан бири бўлиб қолади.

Нуриддин ЙЎЛДОШЕВ,  
Тошкент халқ хўжалиги олийгоҳининг доценти.  
Уткир МИРПУЛАТОВ,  
ЎзССЖ Савдо вазирлиги ходимлар ва ўқув юртлари бошқармасининг бошлиғи.






Шарқда Зухро юлдузига сиғиниш жуда кучли бўлиб, гўзаллик ва севги маъбудасининг чиганоқ ичида туғилиши ҳақидаги афсона кенг тарқалган. Бунинг сабабини била-сизми! Чунки...

Энг қимматбаҳо жавоҳирот қаторида қадимдан маълум бўлган марварид чиганоқлар ичидан олинишини ҳамма ҳам билавермас керак. Марварид — юмшоқ танлилар турига мансуб моллюска чиганоқлари садафида ҳосил бўладиган думалоқ ва баъзан ноаниқ шаклли доначадир. Бундай моллюскалар хили марвариддорлар деб юритилади ва улар чучук ҳамда денгиз сувларида учрайди.

Моллюскаларнинг 500 миллион йилдан, яъни Ер тарихининг кембрий давридан мавжудлиги аниқланган. Жаҳонда уларнинг 140 мингга яқин тури, Урта Осиёда — 400, Ўзбекистонда эса 200 дан зиёд хили учрайди. Дунё халқлари азалдан юмшоқ танлиларнинг каури, ципрея, монета деб номланган турдаги чиганоқларини ҳар хил восита ва безак сифатида ишлатишган. Неолит даврида хитойликлар каури чиганоғидан ҳосилдорликни оширишда фойдаланишгани маълум. Улар каурини ҳатто ўз алифболарига иероглиф ҳолида киритишган ҳам.

Тарихий манбаларда Испания элчиси Рюи Гонзалес Клавихо Амир Темур даврида Самарқанд саройларидан бирида «олтин дарахт» кўрганлиги баён қилинади. Уша дарахт бошдан-оёқ ёқут, феруза, топаз ва марварид каби қимматбаҳо тошлардан ясалган экан.

Марвариддан фойдаланиш ҳақидаги маълумот Библия, Қуръон, Талмуд ва бошқа халқ оғзаки ижоди намуналарида учрайди. Ҳиндистон, Эрон ва Юнонистонда марваридни қўллаш минг йиллик тарихга эга. Қадимий Рум ва Миср ҳам марваридга бойлиги билан ном чиқарган. Ривоятларга кўра, Миср маликаси Клеопатра энг қимматбаҳо марварид эгаси бўлган. Подшо Антония шарафига берилган базмда у марваридни эритиб шароб билан бирга шоҳ соғлиги учун ичиб юборган экан. Умуман марваридга алоқадор бундай ривоятлар деярли барча халқлар орасида учрайди.



Энг қимматбаҳо жавоҳирот қаторида қадимдан маълум бўлган марвариднинг чиганоқлар ичидан олинишини ҳамма ҳам билавермас керак.

Ўзбек ва тожик халқлари ривоятларига кўра, баҳор ёмғири томчилари моллюска чиганоғи ичида юмалоқ шаклли доначага айланар эмиш. Бу бежиз эмас, албатта. Дарҳақиқат, марварид доналари икки табақали моллюска чиганоғининг садаф қавати ва тери бурмаси орасига қум зарралари, ўлик ҳужайралар каби бегона жисмлар кириб қолганда моллюска муҳофаза тариқасида уни садаф қат ламлари билан ўраб олиб марварид ҳосил қилади. Бу, узоқ вақтни, тахминан 8—10 йилни тақозо этади. Марварид 50—70 йилдан сўнг рангсизланиб, ўз чиройини ва ялтираш хусусиятини йўқота бошлайди. Маълум бўлишича, чучук сувли дарёларда яшовчи моллюскалардан олинган марварид узоқ вақт яхши сақланар эмиш. Қадимда уни ўз ҳолига қайтариш ниятида арпа доналарига қўшиб паррандаларга едиришган. Бунда ошқозондан қайта олинган марвариднинг асл қиёфаси яна тикланар экан.

Эндиликда олимлар бошқача йўл туттишмоқда. Улар марвариднинг садаф қатламларидан бирини олиб ташлаш билан масалани ҳал этгандек. Аммо бундай жарроҳликни бажариш учун марварид йирик бўлиши ва малакали мутахассис талаб этилади.

Аждодларимиз марваридга фақат бойлик манбаи деб қарамай, чиганоқли моллюскаларга маънавий жиҳатдан ҳам чўқур ёндошганлар. Чиганоқлар ўртасидаги ўрами чапга ва ўнгга қайрилганлари бўлади. Аммо чап томонга ўралганлари кам учрайди, шу тўғайли одамлар уни эъзозлаб шода қилиб бўйинларига, шунингдек карвонбоши туя, отлар бўйинига тақиб қўйишган. Буюк аллома Абу Райҳон Беруний ҳам бахт ва омад рамзи сифатида чиганоқлар шодасини тақиб юрганини таъкидлаб ўтган. Каури чиганоғини эса турмушга чиққан шимол аёллари олиб юриши расм бўлган. Шу каби турли ўрф-одатлар Шарқ халқлари орасида кенг тарқалганлиги маълум.

Кейинчалик моллюска садафидан зeb-зийнат сақловчи қутичаларни, милтиқ ва шамшир кўндоқларини, чолғу асбобларини безашда фойдаланишган. Урта аср буюмларида моллюскалар тасвири кўп учрайди. Уша даврга мансуб идишлардан бирида тўртта товус ва улар тумшуги остида бир донадан моллюска ҳамда кўпгина марварид тасвири келтирилган.

Бундай манзарани фақат сопол эмас, темир, тош, ёғоч буюмларда, кийим-кечакда ва қадимий меъморчилик санъатида ҳам учратиш мумкин. Омейлда (Дамашк, VIII аср), Ал-Ахмар (Қоҳира, XII аср) ва Марокаш маҳитларидан бирининг ганч ўймакорлик нақшларидаги тасвир бунга далил бўла олади.

Моллюскалар қишлоқ ҳўжалигида ҳам асқотади. Улар сувни тозалаш тўғайли дарё, денгизларнинг экологик ҳолатига маълум даражада таъсир этади. Бундан ташқари, айримларининг шилимшиқ моддасини радиация жароҳатларини даволашда ишлатиш мумкин. Гўшти ва чиганоғи билан эса махсус фермаларда баъзи парранда ва ҳайвонлар боқилади.

Кўп вақтлар марварид Урта Осиёга Ҳинд ва Тинч океани, Австралия, Янги Гвинея, Панама қирғоқлари, Мексика ва Калифорниядан келтирилган. Ҳозир дунё миқёсида у асосан Ҳинд океани, Қизил денгиз, Форс кўрфазини, Шри Ланка ва Малғашдан олинади. Бу борада Япония биринчи ўринда туради.

Бизда Сирдарё ва Зарафшон сув ҳавзаларида юмшоқ танлиларнинг икки табақали синфига кирувчи тишсиз сугд анадонта бақачиганоғи, шунингдек хитой бақачиганоғи [1960 йиллар хитой балиқлари билан келиб қолган] кўп учрайди. Улар бизнинг шароитга мослашиб кетган. Қулай шароит яратилганда ушбу чиганоқларда марварид ҳосил қилиш мумкин. Ўзбекистон ва Тожикистоннинг табиий шароити бунга жуда қулайдир.

Зувайдулло ИЗЗАТУЛЛАЕВ,  
Тожикистон ФА Зоология ва паразитология  
институтининг етакчи илмий ходими,  
биология фанлари доктори,  
Маннон РУЗИЕВ,

Тожикистон ФА нинг Аҳмад Дониш номли Тарих,  
археология ва этнография институтининг  
катта илмий ходими, санъатшунослик доктори.



# АМИР ТЕМУР СОВҒАСИ

Амир Темур амри ва ташаббуси билан ясалган улкан дошқозон 1935 йили Ленинградда ўтказилган Эрон хунармандчилиги ва археологик изланишларига бағишланган учинчи халқаро анжуманга ҳукумат қарори билан вақтинча олиб кетилган эди. Бу «вақтинча»лик нақ 54 йилга чўзилди. Шу вақтгача Эрмитажнинг қуйи қаватида жаҳон сайёҳларига намойиш этилди. Биз эса шунча вақт фақат унинг таърифини тинглаш билангина чекландик. «Вақтинчалик» мuddат халқ сўрови билан ниҳоят тугади.

1989 йил сунбуланинг 18-куни Туркистон шаҳри байрамона тус олди. Дошқозон ортилган машина кўриниши билан табаррук буви ва онахонларнинг танга сочқилари бошланиб кетди...

Ўз даврида «Иккинчи Макка» деб эъзозланган Туркистон бутун Урта Осиёнинг иқтисодий, диний, маърифий ва сиёсий марказларидан бири эди. Ўз эътиқоди ва ҳаёти билан, адолат ва меҳр-шафқатга ундовчи шеърлари билан халқ қалбидан чуқур жой олган Хўжа Аҳмад Яссавий руҳига жаҳонгир Темур ҳам таъзим этди. У 1395 йилда Яссавий қабрига мақбара қуришга фармон берди.

Мақбара узунлиги 65, эни 46 ярим метр бўлиб, бир неча гумбазлидир. Марказий жамоатхона атрофига турли мақсадларга мўлжаллаб 35 та хона қурилган. Жамоатхона қозон турганлиги учун қозонхона деб ҳам юритилган. 600 челақ сув сифимига эга, оғирлиги 2 тонна, кўндаланг кесими 2,45 метрлик дошқозон жамоатхона ўртасига ўрнатилди. Илгари қозонга қанд қўшилган сув тўлдирилиб масжид хизматкорлари жума намозидан сўнг шифобахш ва табаррук оби-ҳаёт сифатида жамоага тарқатган.

Дошқозон, 6 та чироғдон ва эшик тутқичини ясашда турли хил маъдан: олтин, кумуш, қизил мис, руҳ, кўрғошин ва бронза ишлатилган. Қозон сиртига узум барглари миллий нақш асосида тасвирланган. Бундан ташқари, узум барги шаклида 10 та катта ҳамда 30 та чўзинчоқ кичик қулоқ ясалган. Шу тафайли уни баъзан қирқ қулоқли қозон деб ҳам юритилади.

Қозон гардишидан пастда нақш шаклида уч қатор ёзув битилган бўлиб, юқорида: «Дошқозон сув куйиш учун ясалган. Темурдан маҳобатли мақбарага совға» деган сўзларни ўқиш мумкин. Урта қаторда эса: «Бандаи мўминни парвардигорнинг ўзи ёрлақасин» ёзувлари ва қозон ясалган жой ҳамда устанинг исм-шарифи битилган. Энг сўнгида: «Қозонни 801 (ҳижрий) Амир Темурнинг буйруғи билан Аллоҳтаолонинг ҳалол қули моҳир уста Абдул Азиз ясади»— дейилган ёзув бор.



Яссавий мақбарасини қуриш бошлангандан 10 йил ўтиб, яъни 1405 йил Темур вафот этган. Мақбаранинг баъзи жойлари битмай қолган.

Бухоро хони Абдуллахон қурилишни ниҳоясига етказишга ҳаракат қилди. Қўш минора деворларида ҳануз сақланиб қолган ёғочлар шунга далилдор.

1978 йилдан бу мақбара музейга айланган. Бу ерга Франция, Чехословакия, Польша, Германия, Руминия, Япония, Хитой каби кўплаб хорижий мамлакатлардан сайёҳлар келиб турибди. Ҳозирда нафақат Урта Осиё халқи, балки жаҳондаги кўплаб илғор фикрли кишилар Темур ва унинг фан, маданият ривожланишига оид ҳаракатларига ҳолисона фикр билдирмоқда.

Немис сайёҳи Марн Кишнер қозоқча сўзлаб Урта Осиё тарихи, маданияти, адабиёти ниҳоятда бой эканлигини таъкидлаб Яссавий, Қошғарий, Навоий, Югнакий асарлари билан яқиндан танишлигини айтди. У қозон асл ўрнини топганига биз ҳам жуда хурсандмиз, аммо Эрмитажда қолган икки чироғдонни ҳам олиб келишса мақбул бўлур эди, деган фикр билдирди.

Дошқозоннинг Туркистонга қайтарилишида қаламқашлар, ёзувчи ва шоирлар жонбозлик қилишди. Дошқозон қайтариб келтирилганидан бери 000700221—рақамли «Ҳазрати Султон» қўриқ музейи ҳисобига юз минг сўм келиб тушганлиги ва музей қарамоғига 87 гектар ер ажратиб берилганлиги аждоқларимиз хотирасига катта ҳурмат нишонасидир»,— дейди музей раҳбари Нурмахон Назаров.

Дошқозоннинг қайтариб ўзининг азалий жойига келтирилиши қулоқ отаётган халқчиллик ва адолатпарварликнинг бир намунасидир. Аждоқларимизнинг бундайин осори-атиқалари, қадимий қўлёмалари ва тарихимизга оид бошқа турли буюмлари дунёнинг кўпгина бурчида сочилиб ётибди. Уларни ўз ватанига, халқимизга қайтармоқ ҳам қарз, ҳам фарз.

**Эргаш ТОШМАТОВ,**  
Туркистон шаҳаридаги 14-ўрта мактаб  
ўқитувчиси, Қозоғистон ССЖ халқ  
маорифи аълочиси.

## «ҚУЛУНЛАРИНГ ТУЛПОР БЎЛГАН, БОБОЖОН!»

Эргаш ТОШМАТ

**БОБОЖОН!»**

(Темур туҳфаси-дошқозоннинг Эрмитаждан келтирилиши муносабати билан)

Асрлардан ошиб келган қутлуғ изинг муборак,  
Жаннат каби тошиб келган тотли тузинг муборак,  
Садоқатли ҳам тугёнли, ҳасоратли халқинг бор,  
Қул Хўжаҳмад бобонг каби ёруғ юзинг муборак,  
Олти асрлик навқиронсанг, қутлуғ изинг муборак!

Қул Хўжаҳмад, дил сўзинга жаҳонгир ҳам эрибди,  
Асли асл, асллардан ажойиб дур терибди,  
Оддий ғишти қойил этган одамзоду жаҳонни,

Маҳобатли мақбарани авлодларга берибди,  
Юлдузу ойни доғ этган, нақш-юлдузинг муборак!

Булоқ каби жўшиб турсин, деган ўйда Темурхон,  
Қирқ қулоқли дошқозонни халққа ҳада этибди,  
Санъатингга ҳам сеҳрингга офарини!— деб авом халқ,  
Шарбат сувдан бир тотганлар муродига етибди,  
Мурод истаб олам кезган ой юзлигинг муборак!

Оҳанграбо каби тортар зиёратга дошқозон,  
Меҳри дарё меҳмонларга жаннатмакон Туркистон,  
Мўъжизалар бетинимки, афсонадай бетакрор,  
Нил дарёдай тирикдирки, мангу руҳинг, буважон,  
Жўшиб келган жаҳонгашта муҳлисларинг муборак!

Қулун каби кишнаб кутдик, соғинтирган, қадрдон,  
Қулунларинг тулпор бўлган, сездингизми, бобожон!  
Тулпорларнинг юрагида ўчмас гавҳар сўзинг бор,  
Аҳлинг асл, саховатли марду майдон Туркистон,  
Олампадох, изинг қувган ўғил-қизинг муборак!





# Муҳажмағ ҳақиқат ва кўрсатишлар Ҳақлиқ, фарқлиқ ва кўрсатишлар Ҳақлиқ қалиғлар

## РАҲМЛИ ВА МЕҲРИБОН ТАНГРИ НОМИ БИЛАН РАСУЛУЛЛОҲ АЛАЙҲИС САЛОМ АЙТАДИЛАР:

Барча халқлар бамисоли Тангрининг аҳ-лу аёлдир. Улардан Тангрига ёқимлиро-ғи ўз аҳли аёлига фойдаси кўп тегадигани-дир.

От — уч хил иш учундир. Бири савоб, бири парда ва яна бири гуноҳдир. Савоб-лиси шуки, киши уни Тангри йўлида ўтлоқ-да ёки уйда боқса, унга савоб ёзилур. Утлаши учун уни яйловда ёки ўз боғчаси-да боғлаб қўйса, арқони етган жойигача савоб ёзилаверади. Бордию у арқонини узиб бир-икки довон кетиб қолса йўлда-ғи изи ва ахлати учун ҳам савоб ёзилавера-ди. Агар қочиб бориб бирон дарёдан ўзи-ча сув ича бунга ҳам савоб ёзилаверади. Бойиш ва зориқмаслик учун боқиб, уни парвариш қилиш ва минишдаги Тангрининг ҳақини нутмаган бўлса унга шу от дўзах-дан парда бўлади. Агар киши уловини фахр ва рие учун ҳамда мўминларга қар-ши ҳаракат учун боқса бу билан унга гу-ноҳ ёзилади.

Биродари ҳаққиға гойибона қилинган дуо рад этилмайди.

Яхшиликка далолат қилувчи билан уни бажарувчининг савоби тенгдир.

Дунё ям-яшил ва гўзалдир. Кимики ун-дан ҳақли равешда ҳалоллик билан олса ундан барака топади. Кимики нафс хоҳи-ши билан дунёни муккасидан кетиб эгал-ласа қиёмат кунини дўзахдан бошқа нарсага эришмайди.

Дин — насиҳатдан иборат.

Қарз — бамисоли Тангрининг ердаги байроғидир. Қачонки бирор бандасига ёмонлиқни ирода қилса, унинг бўйнига шу қарз байроғини илиб қўяди.

Киши кечалари бедорлик билан ибодат қилгани ва кундузлари рўзадор юргани билан бошқа номақбул ишлардан сақлан-маса, бедорлиғу, очу ташналиқдан бош-қа насибани қўлга кирита олмайди.

Пашша калласичалик нарса бериб бўл-са-да, гадойни қуруқ қайтарманглар.

Киши ўз дўстининг дину диёнатиға мос-лашиб кетади. Бинобарин, ким билан дўст-лашаётганини ўйлаб иш тутсин.

Мулоимлик — ҳикматнинг бошидир.

Уйинларингиз ичида яхшироғи камондан ўқ отишдир.

Тарки дунё қилиш — қалбни ва баданни тинчлантиради. Унга рағбат ва муҳаббат қўйиш эса ғам-ташвишни кўпайтиради. Иш-сизлик инсонни тошбағир қилади.

Мўмин кишини ҳақоратловчи одамнинг ўзи ҳалокатга учрайди.

Сафар қилинғлар, соғлом бўласизлар.

Сафар қилинғлар, соғлом ва ризқу на-сибали бўласизлар.

Одамларга сув улашувчи киши ҳамма-дан кейин ичади.

Мўмин кишини ҳақоратлаш гуноҳ, уни ўлдириш куфр ва унинг моли билан қони-нинг ҳаромлиғи баробардир.

Тез юриш мўминнинг чиройини кетка-зади.

Тангридан афв ва офият (хотиржамлик) сўранғлар. Чунки ҳеч бирларингиз имон-дан кейин офиятдек неъматни топа олмай-сизлар.

Тангридан фойдали илмни сўранғлар. Фойдасизидан эса четлашинғлар.

Иртқич ҳайвонларнинг гўшти ҳаром-дир.

Эй Тангрининг бандалари, оғир ва ювош бўлинглар.

Подшоҳ бамисоли Тангрининг Ердаги соясидир. Кимки уни иззат-икром қилса, Тангрини иззат-икром қилган бўлади. Агар кимки уни хўрласа, гўё Тангрини хўрла-ган бўлади.

Охир замондаги мулкларнинг ёмони — бу қуллардир.

Одамларнинг ёмони — ўз аҳли аёлиға бахиллик ва қизғанчиқлик қиладиганидир.

Кишидаги энг ёмон хислат — ўта бахил-лик ва ўта қўрқоқликдир.

Аксирган кишиға уч марта «Ярҳамукал-лоҳу ва яшфик» деб жавоб қайтар. Уч мартадан ортиқ аксириш шамоллаш ёки тумовдир.

Менинг сочимни Қуръонда келтирилган Худ алайҳис салом ва унинг бошқа пай-ғамбар бўлган шерикларининг қиссалари оқартирди (Яъни уларнинг умматларига келган балолар менинг ҳам умматларим бошиға келиб қолмасмикан, деб қайғур-ганлар. — Тарж.)

Яширин шаҳват ва риёкорлик — ширк-дир.

Қариндошнинг қариндошға қилган сада-қаси — ҳам садақа, ҳам қариндошлик му-руввати ҳукмидадир.

Хуфёна қилинган садақа Тангрининг ға-забини сўндиради.

Қариндошларға мурувват қилиш, хуш-хулқлик ва яхши қўшничилик — юртни обод ва умрни зиёда этади.

Жамоат бўлмай якка ҳолда яшаш даври ўтиб кетди.

Зиёфатнинг муддати уч кундир. Ундан ортиғи садақа ҳисобланади, бировға қи-лингдан ҳар бир яхшилик ҳам садақадир.

Сахий кишининг таоми шифодир, бахил одамнинг таоми эса касалликдир.

Илм ўрганиш ҳар бир мўмин учун фарз-дир. Илм толиби учун ҳамма нарса, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам гуноҳини сўраб истиғфор айтади.

Ҳалол ризқ топиш ҳар бир мўмин учун вожибдир.

Мени кўриб имон келтирувчиларға қан-чаллик яхши! Мени кўрмай имон келтирув-чиларға қандай яхши, деб етти марта так-роран айтган эканлар.

Мени кўрган одамға ва мени кўрган одамни кўрган одамға ёки мени кўрган одамни кўрган одамға қан-дай яхши!

Еган таомиға шуқур қилиб юрувчи одам, сабр ила нафл рўза тутган одам би-лан баробардир.

Қуш ҳам ўз тақдири билан учади.

Бу дунёдаги қилган зулми ўз эгаси учун охиратда қалин зулмат бўлур.

Мўмин кишиға ноҳақ жазо берилмайди.

Тангрининг бандалари! Тангри қийинчи-лиқни ҳеч кимға раво кўрмайди. Аммо зулм қилиб бировнинг мулкини олган одам уқубат ва ҳалокатға маҳкумдир.

Одамлар бозордан қулларни сотиб олиб сўнг озод қилиб юрадилар. Лекин хўр-ларни ўз яхшиликлари билан ҳам сотиб олишлари мумкин эди ва бунинг савоби ҳам кўп эди, бунга улар бепарводирлар.

Билганларингизни бошқаларға ҳам бил-динглар. Динни осон қилиб кўрсатин-ғлар, қийин қилиб юборманглар. Одамлар-ни суюнтирадиган гаплардан гапиринглар, уларни турли пуч гаплар билан қўрқит-манглар! Ҳазабингиз хуруж қилса, сукут сақланғлар!

Одамлар билан ҳушмуомала бўлинг-лар. Одамларға қаттиққўллик қилиб бе-ҳаё сўзламанғлар!

Илм ибодатдан афзалдир, у динни ту-тиб турувчи (устун)дир.

Илм икки хилдир: бири қалбадаги илм бўлиб, у фойдалидир. Иккинчиси тилдаги



илм бўлиб, у Тангри ҳузурда банда зарарига далил бўлади.

Фолчилик, ирим-сирим бутпарастлик билан баробардир.

Бир фоҳиша аёл чуқур қудуқ бошида чанқаб ўлай деб турган итга оёқларидаги этигини ечиб, унга рўмолини боғлаб қудуқдан сув чиқариб бериб, уни ўлимдан қутқариб қолибди. Бу иши эвазига Тангри унинг гуноҳидан кечибди.

Ёнаётган ўт ўтинни қандай кемирса, бировларни кўролмаслик ва ҳасадгўйлик савопларни ҳам шундай қийратади.

Қўй — баракадир, туя азиздир, отнинг ёлларига эса қиёмат кунигача яхшилик боғлаб қўйилгандир. Ходимларингиз биродарларингиздир. Уларга яхшилик қилинглр. Агар уларни қийинчиликда кўрсанглр, ёрдамлашиб юборинглр.

Рашк — имондандир. Рашксизлик мунофиқлик аломатидир.

Менинг наздимда ибодатга қараганда илмнинг фазилати ортиқдир. Диндаги энг яхши хислат — бу тақводорликдир.

Жаннатда кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган, одамларнинг дилига келмаган неъматлар бўлур.

Икки хил қозилар борки, улар дўзахга маҳкумдирлар, бир хиллари эса жаннатийдирлар. Ҳақни билиб, ҳаққоний ҳукм чиқарадигани жаннатийдир. Ҳақни билса-да, ноҳақ ҳукм чиқарадиган қозилар дўзахийдирлар.

Нарсани қарзга бериш уни садақа қилиб юборгандан яхшидир.

«Тангрига имон келтирдим», дегину, сўнг ўзинг тўғри бўл!

Оз бўлса-да, берилган неъматнинг шукрини адо қилиб юрганинг кўпга шукр қилмаганингдан афзалдир.

Эшитган ҳар бир нарсани гапирәвериш кишининг гуноҳкор бўлиши учун кифоя қилади.

Замоннинг ўтиши киши учун панду насиҳат, ўлим эса ҳаммани бир-бирдан ажратувчидир.

Фисқ-фасод ишларни ошқора қилувчидан бошқа умматларимнинг ҳар бирлари офият ва хотиржамликдадирлар. Гуноҳни ошқора қилишлик деб, киши кечаси бирор гуноҳ иш қилиб тонг оттиргач, мақтаниб мен кечаси ундай иш қилдим, бундай иш қилдим, дейишига айтилади. Ваҳоланки Тангри унинг айбини парда билан яшириб турган эди. Гуноҳкорнинг ўзи бу пардани очган бўлади.

Ҳар бир киши нима учун яратилган бўлса, ўшанга тайёр бўлиб боради.

Ҳар бир нарса қаюю қадар билан бўлади. Ҳатто ожизлик ва зийраклик ҳам.

Мўмин кишига етган ҳар бир ёқимсиз нарса мусибат ҳисобланади.

Ҳар бир қилинадиган яхшилик садақа савобига тенгдир.

Сизларнинг ҳар бирингиз бамисоли чўпондирсизлар ва ўз қўл остиларингиздаги

ларга масъулдирсизлар. Подшоҳ ўз фуқароларига, эр ўз аҳлу аёлига, хотин эрининг уйига, ходим ўз ҳожаси молига, фарзанд ўз отаси мулкига масъулдир. Демак, ҳар бирларингиз масъулдирсизлар.

Бу дунёда ўзингни бамисоли мусофир ёки ўтиб боровчи йўловчи каби ҳис эт!

Заифлари кучлиларидан ҳақларини ундириб ололмайдиган халқни Тангри қандай улуғласин!?

Қабр устида ўтиргандан кўра, чўғ устида ўтириб, кийимлари то этигача куйиб кетгани яхшидир.

Тангри аёлларнинг кийимини киядиган эркаки ва эркакларнинг кийимини киядиган аёлни лаънатласин!

Баданига ҳар хил нақш ва рақам чекувчи ва чектирувчи, юзи ва қошидаги мўйларни терувчи ва тердирувчи, тишларини текислатиб, Тангрининг яратган шакл ва ҳуснини ўзгартирувчи аёлларни Тангри лаънатласин!

Ота-онасини қаргагани Тангри қарғайди. Тангридан бошқага атаб жонлиқ сўвучиларни Тангри лаънатлайди.

Мен мажоз билан сўзлашга буюрилдим, чунки ташбеҳ ва мажозли гап яхшидир.

Ҳар бир нарсанинг калити бор. Жаннатнинг калити — мискин фақирларни севишдир.

Эшигию деразаси йўқ бир силлиқ тошнинг ичида туриб бирор иш қилсаларингиз ҳам одамларга маълум ва ошкор бўлаверади.

Тиланчилик нима эканлигини билганларингиз эди, бирорталарингиз ҳам бирор кишидан ҳеч нарса сўрамас эдингиз.

Мабодо мен далил-исботсиз тошбўрон қилишим мумкин бўлганда, мана шу фоҳиша аёлни тошбўрон қилар эдим.

Агар сизларнинг тилсиз ҳайвонларга нисбатан қилган зулмларингиз кечириладиган бўлса, демак жуда кўп гуноҳларингиз кечирилган бўлар эди.

Юриб кетаётганга отлик, ўтирганга юриб кетаётган, кўпчиликка озчилик салом берсин! Саломга алик олса-ку яхши, бордию олмаса, салом берувчига зарари йўқ.

Киши вафо қилиш ниятида ваъда берган бўлса-ю, уни бажара олмаса — бу ваъдани бузган бўлмайди. Аммо вафо қилмаслик нияти билан ваъда қилса — бу айни хилофдир.

Одамларни мурсога келтириш учун уларга яхши гапларни ташиган киши ёлғончи ҳисобланмайди.

Ирим қилувчи ёки ирим қилдирувчи, фолбинлик қилувчи ёки фолбинга боровчи, сеҳр қилувчи ёки сеҳр қилдирувчилар бизлардан (яъни мўмин) эмаслар.

Биродарларини алдовчи, уларга зарар етказувчи ёки уларга макр-ҳийла қилувчи одам бизлардан (яъни мусулмонлардан) эмасдир.

Инсон гарчи ўзи одамларнинг бирор ишига ярамаган бўлса ҳам, ўзини осмон-

даги сурайё юлдузи олдидан тушгандек тутишни ёқтиради.

Агар сенга ўзинг сўрамай, ёки кутмай туриб, Тангри подшоҳлик томонидан бирор молу дунё насиб қилса, уни еябер ва ўзингни қилиб олавер.

Киши биродари учун ҳикматли сўздан афзалроқ нарса ҳада қилолмайди. Чунки шу ҳикмат сабабли Тангри уни тўғри йўлга солиб қўяди ёки ёмон йўлдан қайтаради.

Дилингда бирор шубҳа пайдо бўлса, дарҳол уни тарк қил.

Ўз хизматкорингнинг ишини енгиллаштиришинг сен учун қиёмат кунни тарозингдаги савобингни кўпайтиришга сабаб бўлади.

Жаброил алайҳис салом менга доимий равишда қўшнига яхшилик қилишни тавсия этар эди, ҳатто қўшнига мерос ҳам қолдириш керакми, деб ўйлаб қолар эдим. Хизматкорларга ҳам шундай яхши муомалада бўлишликни айтар эдик, ҳатто муайян бир вақт белгиласа керак ва ўша муддат етши билан қўллар ўз-ўзидан озод бўлиб кетса керак, деб ўйлаб қолардим.

Одамлар кетаётган тўғри йўлларида то ўзаро жанжал чиқармагунларича адашиб кетмайдилар.

Кимки ҳаётда тежамкор бўлса, зинҳор қашшоқликка тушмайди.

Киши садақа-эҳсон ва муруват эшигини очса, Тангри унинг молу дунёсига барака ато этади. Агар у тиламчилик эшигини очгудек бўлса, Тангри унинг фақирлигини зиёда қилади.

Одам фарзанди учун намоз, мурсасозлик ва хушхулқликдан афзал иш йўқдир.

Тирик турган ҳайвондан кесиб олинган парча гўшт ўлимтик ҳукмидадир.

Мулоиймлик ҳар бир нарсага зийнат беради. Қайси нарсада у бўлмаса, у нарса бузилади.

Қайси бир ишни одамлар олдида қилиш уят деб билсанг, уни ёлғиз қолганингда ҳам қилма.

Қайси бир амир ёки ҳоким ҳожатмандлар, фуқарою мискинларга хайр-эҳсон эшигини ёпса, Тангри ҳам унга нисбатан хайру эҳсон ва ҳожати учун осмон эшикларини ёпиб қўяди.

Ўн киши ва ундан ортиқ одамларга бошлиқ бўлган киши қиёмат кунини икки қўли бўйнига боғлиқ ҳолда кўпгай. Агар у одил бўлган бўлса, адолати келиб қўлларини ечади. Бордию золим бўлган бўлса, зулми қўлларини маҳкамроқ боғлайди. Амалдорликининг боши — маломат, ўртаси надомат, охири қиёмат шармандалигидир.

Қайси бир мўмин ўз биродари ҳақида ғойибона дуода бўлса, бир фаришта бу бандага: «Сенга ҳам шундай бўлсин», деб туради.

<sup>1</sup> Дунёга.

<sup>2</sup> Кечирим сўраш.

<sup>3</sup> Элчи фаришта.

Таржимонлар:  
Абдулазиз МАНСУРОВ,  
Ҳамидулла ҲИКМАТУЛЛАЕВ.



# СОҲИБҚИРОННИНГ СЎНГГИ КУНЛАРИ

Шарқшунос олим, тарих фанлари номзоди Турғун Файзиев Муҳаммад Авфийнинг «Нодир ҳикоялар» асарини тарих фанлари доктори Илёсиддин Низомиддинов билан ҳамкорликда таржима қилиб, чоп эттирган. «Бухоро феодал жамиятида қул кучидан фойдаланишга доир ҳужжатлар. XIX аср» илмий рисоласи эса тарихимизнинг ёритилмаган айрим саҳифаларини янада ойдинлаштириб берди.

Турғун ФАЙЗИЕВ яқинда «Темурийлар шажараси» номли йирик тадқиқот устида иш олиб борди. Қуйида олимнинг ушбу асаридан парчани диққатингизга ҳавола этамиз.

**УТРОР...** Неча-неча жангу жадаллар, даҳшатли қирғинларни бошидан кечирган қадимий улкан шаҳар. Бир вақтлар хоразмшоҳлар давлатининг энг йирик савдо ва маданий марказларидан бири бўлган обод ва гавжум Утрор Чингизхон истилосидан сўнг култепага айланган, гўё унинг борлиқ шон-шухрати харобалар остига абадий кўмилгандек. Мана, ҳижрий 807 (1405-милодий) йилнинг қаҳратон қиш фасли. Бу кўҳна шаҳар яна бир тарихий воқеанинг тилсиз шоҳиди бўлиш арафасида эди.

Суҳибқирон амир Темур курагон (курагон — мўғулча «куёв» маъносини ифодалайди) ўзининг энг сўнгги юриши — Хитойга қарши машҳур юришга тараддуланиб, 23-жумод ул-аввал 807 (1404 йил 27 ноябрь)да Самарқанддан чиқиб, Утрор томон йўл олади. У Оқсулот мавзегга келиб, 28 кун туради. Темур ўз беклари ва амирларидан кўпчилигини қишлаш учун Шоҳрухия, Тошкент ва Сайрамга жўнатган эди. Ҳукмдорнинг қароргоҳида фақат амир Шайх Нуриддин, амир Шоҳмалик ва амир Хўжа Юсуфларгина қолган эдилар. Шунингдек, катта қўшиннинг ўнг қаноти ҳисобланган йирик ҳарбий бўлинма ҳали Тошкент, Шоҳрухия ва Сайрамда қишламоқда эди. Мазкур ҳарбий бўлинмага Темурнинг набираларидан Халил Султон Мирзо (Мироншоҳнинг ўғли) ва Аҳмад Мирзо (Умар Шайх Мирзонинг ўғли) бошчилик қиларди. Қўшиннинг чап қаноти (жувонгир) Туркистон ва Саброн шаҳарларида қишламоқда эди. Бу қўшинга Темурнинг Оға бегим исмли қизидан туғилган набираси Султон Хўсайн Мирзо бошчилик қиларди. Темур раҳбарлигидаги марказий қўшни эса Оқсулотда турганди.

21-жумод ул-охир 807 (1404 йил 25 декабр)да амир Темур Оқсулотдан йўлга чиқиб, 12-ражаб 807 (1405 йил 14 январь) чоршанба кунини Утрорга келиб тўхтади. Амир Темур Утрорда 35 кун туради ва шу муддат ичида қандайдир сабабларга кўра 4 шабонда (5 февраль) пайшанба кунини бундан буён нард ва шахмат ўйнамасликка онт ичади.

1404—1405 йилнинг қиши ўта совуқ келиб, Амударё ва Сирдарё кечиклари муз билан қопланади. Гарчи Темур қариб қолган бўлса-да, йўл машаққатларини совуқни пинсид қилмас, руҳан тетик ва жисмонан бардам кўринади. Шарафуддин Али Яздийнинг маълумотига кўра, Темур Утрорда Олтин Урданинг собиқ хони Тўхтамишнинг элчисини қабул қилади ва унга «Хитой уруши тугагач, Олтин Урдага қарши юриш қилиб, тахтни Тўхтамишхонга қайтариб олиб беришни ваъда қилади. Аммо, кўп ўтмай, Темурнинг миждоғида касаллик ҳужуми келиб, кундан-кунга аҳволи оғирлашади. Тиб илмининг билимдон мавлоно Фазлуллоҳ Табризий бошчилигида бир неча табиблар ҳукмдорнинг касалига хилма-хил муолажалар қилардилар. Аммо хасталик кундан-кунга кучайиб борарди.

Амир Темурнинг касаллигини сабаби ҳақида «Темурнома» муаллифининг берган маълумоти диққатга сазовор-

дир. «Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳузурларига чопар келиб, қалмоқлар бош кўтарибдилар, деб хабар келтирди. Ҳамма жангга отлансин деб буюрдилар. Беклар ва амирлар ҳаво совуқлиги туйғайли йўлга чиқмасликни маслаҳат кўрдилар. Ул вақт қишни тўқсонни эрди. Амир ғайратларига чидолмай ўрдадан ташқарига чиқдилар. Вақтиким шабон ойининг еттиси сешанба кунини ўрданинг равоқида сартарошга сочларин олдириб ўлтириб эрдилар, ўшал замон амирга бир боди муҳолиф (ёқимсиз шамол) келиб тегди. Аҳволлари ўзларига маълум бўлиб, соати ўтмай ранг ва туслари тағйир топди». Машҳур шарқшунос олим, академик В. Бартольд «ҳар ҳолда Темурнинг касали ва ўлимига бевосита сабаб, совуққа қарши баданни бир оз иситиш мақсадига меъёридан ортиқ май тановул қилганидир», деган фикрини билдиради. Ҳолбуки, тарихий манбаларга қараганда Темур майхўрликни унчалик хуш кўрмаган ва майхўрликка ружу қилганларни эса, ким бўлишидан қатъи назар, мансабидан аزل қилиб, қоралаган. Бизнингча, Темур майни фақат шифобахш дори сифатида қабул қилган. Зеро шарқ табиблари, шу қаторда Ибн Сино ҳам бир неча тур шаробларни муолажа учун қўллаганлар.

Амир Темурнинг касаллигини жараёни анча илгаридан давом этиб келган бўлиши эҳтимол. 1404 йилнинг кузида Темур етти йиллик юришдан қайтгач, Конигилда катта анжуман ўтказди. Бу анжуманда Испания элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо ҳам қатнашди. Клавихонинг маълумотига кўра, Темурнинг чехрасида анча ҳорғинлик аломатлари зоҳиран кўриниб турган. Дарҳақиқат, етти йиллик юришдан қайтган ҳукмдор ақалли беш ойгина ҳам дам олмай, яна янги юриш тараддудига тушиб, Хитой сари йўл олади. Узлуксиз йўл машаққатлари қартайган ҳукмдорга зимдан ўз таъсирини ўтказган ва ниҳоят «Темурнома» муаллифининг маълумотига амал қилинса, бошни шамоллатиш натижасида касаллик ботнидан юзага чиққан. «Зафарнома» муаллифи Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, ҳар кунини янги-янги касаллик аломатлари зоҳир бўла бошлаган. Нақлга кўра, Темурнинг ёнида фақат Сароймулк хонимгина туришга ҳақли эди. Ҳукмдорнинг кўзғалишга мадори етмас, бинобарин Сароймулк хоним унинг аҳволидан кечаю-кундузи хабар олиб турарди. Тунларнинг бирида толиққан Сароймулк хонимнинг уйқуси ғалаба қилиб, пинакка кетадию, шу заҳоти сесканиб уйғонади. Хоним уйғонгани ҳамон ҳукмдор ётган тарафга ўгирилади. Қайси кўз билан кўрсинки, тўшақда ҳеч ким йўқ эди. Сароймулк хоним сапчиб ўридан туриб, ташқаридаги посбондан ҳукмдорни сўрайди. Посбон таъзим ила қоронғулик томонга ишора қилади. Сароймулк хоним ўша томон елиб бораркан кичикроқ тепалик устида турган қора бир гавдани кўради. Бу жаҳонгир Темур эди. У елкасида чопон, чуқур ҳаёлга чўмган ҳолда қоронғуликка тикилиб турарди. Сароймулк хоним ҳаяжонда: «Бу қандай гап, улуғ амир! Қаҳратон қиш, изғиринли тунда касал ҳолингиз билан бу ерда туришингизда не ҳикмат бор!» — дер экан, амирини ўрдугоҳ томон бошлайди. Темур ўрдугоҳга келиб, ўрнига ётгач, Сароймулк хоним бу ғайри табиий аҳвол сирини яна сўрайди. Амир Темур хўрсиниб, оҳ тортгач, шу кеча кўрган тушини сўзлайди: «Ҳар икки чеккаси баланд қамишлар билан ўралган катта йўлда отимни елдириб кетаётган эдим, тўсатдан йўл четига қамишлар шитирлаб қолди, мен ўша томонга қарадим. Қарадим у ҳайратдан жилвони тортиб тўхтадим. Қамишзордан падари бузрукворимиз шитоб ила чиқиб келар эдилар. Мен ҳайрат ичида отдан тушиб, ота истиқболларига юардим. Аммо падари бузруквор менга илтифот қилмай, олдимдан ўтиб бориб, отимнинг эгар-жабдуқларини ечиб олдилар ва келган йўлларига қайтиб тўқайда ғойиб бўлдилар...



Мен катта йўл устида гарангсираб, ялангоч от ёнида турганим ҳолда уйғондим... Ҳушёр тортгач аъзойи бада-ним титраб, қизиб кетаётган эди. Бу хосиятсиз туш даҳ-шатидан ташқарига чиққанимни сезмай ҳам қолибман... Паймона тўлғонга ўхшайдир...

— Яхши ният қилинг, амирим, дард бошқа ажал бошқа, шукур, саломатлигингиз тузук — дея тасалли берарди кўзлари нам Сароймулк хоним.

— Йиғидан не фойда хоним. Тақдирни табдил қила бўлмас... Шукур, тонг ҳам ёриша бошлади. Посбонга буюринг, амир Шайх Нуриддин, амир Шоҳмалик ва амир Хўжа Юсуфлар эрталаб ҳузурига кирсинлар.

Амирлар ва беклар соҳибқирон қароргоҳига кирганларида, у тўшакда беҳол ётарди. Сароймулк хоним ҳукмдорга яқинлашиб, амирлар ташрифи ҳақида секингина шивирлагач, у нурсиз кўзини оҳиста очиб, яқинроқ келиб ўлтиришларига ижозат берди. Амирлар қисқагина ҳол-аҳвол сўрашишга, ҳукмдорнинг оёқ томонида — пойгоҳдан жой олиб, бутун вужудлари қулоққа айланган ҳолда ерга қараб ўлтирардилар. Ҳукмдор оҳиста кўзини очиб, амир ва бекларга бир-бир разм солгач, энтикиб-энтикиб сўз бошлади:

— Маълумотингиз бўлғайки Жаҳонгир Мирзонинг фарзанди Пир Муҳаммад Мирзони валиаҳд этиб тайинлайдурмен, токи Самарқанд тахти ва аркони давлат анинг ҳўкми-фармонида бўлғай. Мамлакат ва миллатнинг осойишталиги, қўшин салоҳиятининг мукамаллиги, раиятнинг хотиржамлиги борасида фойдали тадбирлар кўрсин. Бинобарин, сизлар ҳам итоат ва эҳтиром борасида унга байъат билдириб, салтанатни бошқаришда, эл-юртнинг тинчлиги, мусулмонларнинг осойишталиги учун ҳамжиҳат бўлиб, кўмаклашмоғингиз лозим. Чунончи, сизларнинг ҳамжиҳатлик ва иттифоқ билан қилган ишларингиз узоқ-яқиндаги дўст-душманларга кўриниб турсин, токи ўзаро низоларга ўрин қолмағай. Билъакс ўзаро низолар вужудга келиб, барҳам топғай. Инчунин, менинг кўп йиллик саъй-ҳаракатларим зояга кетғай... Амир Темури ҳолсизланиб кўзини юмади. Бу унинг васияти эди.

Амирлар, беклар ва юртнинг катталари ҳамда шу ерда ҳозир бўлган шаҳзодалар, маликалар ҳукмдорнинг васиятини мукамал бажаришга қасамёд қилишгач, амир Шайх Нуриддин оҳиста сўз бошлайди:

— Агар амри олий вужудга келса Тошканд, Самарқанд ва Ҳиротга хабар юборсак, токи фарзанди дилбандларингиз — шаҳзодалар зудлик билан етиб келиб, жаноби олийларининг ҳўсини таважжуҳларидан баҳраманд бўлиб, гавҳарфишон насиҳатларингизни ихлос қулоғи билан тинглаб, итоат белларига боғласалар фойдадан холи бўлмас эрди.

Амир Темури аста кўзини очиб, амирларга мунгли назар соларкан, аввал кўрсаткич бармоғини, кейин ўрта бармоғини қўшиб кўрсатди-да, қўлини тушириб, кўзини юмиб олади. Амирлар ҳукмдорнинг имо-ишорасига тушунолмай, саросимага тушиб, ҳаммалари Сароймулк хонимга савол назари билан қарайдилар. Шу аснода ҳукмдор амирларга қараб: — вақт танг, бир ёки икки кунлик умр қолди. Афсус, уларни кўриш насиб бўлмайди. Энди дийдор кўришмак қиёматга қолди, деб кўзини юмади.

Дарҳақиқат, эртаси 17-шабон (1405 йил 18 февраль) чоршанба кўни шом билан хуфтон намози ўртасида жаҳонга машҳур саркарда соҳибқирон амир Темури курагон ҳаётдан абадий кўз юмди.

Темурининг ўлими ҳаммадан сир тугилиб, тунда маҳсус безатилган аравада амир Хўжа Юсуф бошчилигида Самарқандга жўнатилади. Шундан сўнг амир ва беклар ҳарбий кенгаш ўтказиб, узоқ-яқиндаги барча шаҳзодаларга хабар юборишга, соҳибқироннинг вафотини вақтинча сир тутишга, токи салтанат душманлари оёққа туриб, иғво ва фасод йўлига кириб, исён кўтармағайлар, деган қарорга келадилар.

Бинобарин, Тошкент ва Сайрамда турган Халил Султон Мирзога бўлган воқеа муфассал баён қилиниб, хабар юборилади. Шунингдек, Туркистон ва Сабронда турган Султон Хўсайн Мирзога ҳам хабар юборадилар.



Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Ҳазнада турган Пир Муҳаммад Мирзонинг ҳузурига мактуб билан Ҳизир қавчинини жўнатадилар. Мактубда соҳибқироннинг ўлиш олдидан қилган васиятига кўра, Пир Муҳаммад Мирзо тезлик билан Самарқанд тахтоғига етиб келиб, салтанатни ўз тасарруфига киритмоғи лозим эканлиги таъкидланади. Шунингдек, Ҳиротда Шоҳруҳ Мирзога Бағдодда Мироншоҳ Мирзога, Табризда Умар Мирзога ҳамда форс ва Ироқдаги бошқа шаҳзодаларга хабар юборилади.

Бироқ, Темурининг ўлими қанчалик сир тугилмасин, эртасигаёқ шум хабар қанот ёзиб узоқларга парвоз қилган эди. Қўшин орасида парокандалик вужудга келади. Тошкент ва Сайрамда қишлолда турган қўшиннинг бошлиғи Халил Султон Мирзо бобоси вафоти ҳақида хабар келгач, ўз қўл остидаги қўшинни олиб, Самарқандга қараб юради. Туркистон ва Сайрамда турган Султон Хўсайн Мирзо ўз қўл остидаги қўшиндан ўзига ишончли бир минг аскарни олиб, зудлик билан тахтни эгаллаш мақсадида Самарқандга қараб йўл олади. Халил Темурининг жасади совумасданоқ темурий шаҳзодалар, ҳарбий бошлиқлар ва аркони давлат орасида парокандалик бошланиб кетади. Соҳибқироннинг васиятларига содиқ қолишга қасамёд қилган темурий шаҳзодалар, тез кунда васиятдан юз ўғириб, тож-тахт пайдида бўладилар, ҳарбий ва маълумий бошлиқлар эса гуруҳбозлики авжига чиқарадилар. Маврусий салтанатни бошқаришда темурий шаҳзодалар саҳройи чингизий шаҳзодаларидек ҳамжиҳатлик билан бирлаша олмадилар. Аксинча, ўзаро қонли низолар келиб чиқди ва мамлакат жангоҳга айланди.

Темурининг жасади Самарқандга жўнатишга, бир кундан сўнг маликаларга ҳам Самарқандга қайтишга рухсат берилади. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, амир Хўжа Юсуф Темурининг жасадини 22 шабон (23 февраль)да Самарқандга етказиб келади ва ўша кечасиёқ марҳум Муҳаммад Султон Мирзо хонақоҳига дафи қилинади. Маликалар Самарқандга етиб келганларида Темурининг ўлими ҳақидаги хабар ҳаммаёққа тарқалиб бўлган эди.

Самарқанд шаҳарининг ҳўкми Аргуншоҳ шаҳар дарвозаларини беркитиб, то ҳақиқий валиаҳд келиб, тахт масаласи ҳал бўлмагунча шаҳарга ҳеч кимни киритмаслигини эълон қилади. Фақат давомли музокаралар сўнгидан Сароймулк хоним бошчилигида айрим маликалар ва ёш шаҳзодаларгагина шаҳарга киришга ижозат берилади. Маликалар, шаҳзодалар ва шаҳар аъёнларининг хотинлари Муҳаммад Султон Мирзо хонақоҳига бориб таъзим маросимини бошлайдилар. Улар кўк кийиниб, сочларини ёйиб, юзларини тирнаб қонатиб, қоракуя суртиб, дод-фарёдлар қилиб, аза очадилар. Бу маросимда шаҳзодалар, шаҳар ичида бўлган аъёнлар, ҳатто шайхулислам Абдул Аввал ва Исомиддинлар ҳам фаол қатнашадилар. Шаҳардаги барча расталар ва дўконлар ёпилади.

Рамазон ойининг 16-сида (1405 йил 18 март.) душанба кўни Халил Султон Мирзо ҳеч қандай қаршиликсиз Самарқандга кириб, тахтга ўтиради. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Самарқанд шаҳрининг бошлиқлари Аргуншоҳ ва Уттордан қайтиб келган амир Хўжа Юсуф Халил Султон Мирзо билан музокара юритиб, шаҳар қалитини унга топширган эдилар. Икки кун ўтгач, Халил Султон Мирзо Муҳаммад Султон Мирзо хонақоҳига бориб, мотам маросимини янада улуғворроқ ва танта-налироқ ўтказди. Маросимда фақат шаҳзодалар, маликалар ва аркони давлатгина эмас, балки бутун шаҳар халқи иштирок этади. Темури руҳига ҳатми қуръон қилиниб, бева-бечораларга ҳайр-эҳсонлар улашилиб, бир неча кунгача от, ҳўкиз ва қўйлар сўйилиб, фуқарога об-ош тортилади.



# ЁЛҒОН ВА ҲАҚИҚАТ

«Фан ва турмуш» муҳарририятига Қўқон шаҳар ички ишлар бўлимининг сиёсий қисми инструктори Яҳёхон Қосимовдан мактуб келди.

У шундай деб бошлабди: «Мени қўлимга ручка олиб, ушбу мактубни ёзишимга сабаб журналнинг шу йил 5—6-сонларида тарих фанлари номзодаи Ҳайдарбек Бобобековнинг «Фарғона фожеалари кундалиги» мақоласида 7—8 июнда бўлиб ўтган фожеали воқеалар тўғрисида ҳар икки гапнинг бирида «расмий маълумотларга кўра» деб ёзилгани, биз милиция ходимлари номига ноўрин тўхмат сўзлар битилганидир. Ҳурматли Ҳ. Бобобеков бу расмий маълумотларни кимлардан олди экан? Текширилмаган, ёлғондан иборат мақолани босишга редакция нега йўл қўйди?»

Бу мактубни милиция сиёсий қисми инструктори шундай бошлашига, очиги, ишонгим келмади. Мактуб маст ҳолатда ёки бирон бошқа одам ички ишлар сиёсий ходими номидан ёзгандек таассурот қолдирди. Айниқса: «Мен сизлардан талаб қиламан — Қўқон шаҳар милиция бўлимига келишингларни ва ҳисоб беришингларни! Сизларга расмий маълумотларни биз берамиз! Агарда бизни одам ҳисобласаларинг», — деб ёзилган сўзларни ўқиб бир зум ҳайратда қолади, киши.

Чунки, аввало, Қўқон, Марғилон, Фарғона, бошқа шаҳар ва ноҳияларнинг партия ва совет органларидан олинган (мақолада ҳам ўз ўрнида айtilган) маълумотлар норасмий бўлади-ю фақат ички ишлар сиёсий ходимдан олинган расмий бўлишини умримда биринчи марта эшитишим. Иккинчидан, «мен сизлардан талаб қиламан — милиция бўлимига келишингларни ва ҳисоб беришингларни!» дейиш ақл бовар қилмайдиган гаплигидан изоҳга ҳожат йўқ!

Нима бўлса ҳам, мактубдаги «Сизларга расмий маълумотларни биз берамиз!» — деган гапнинг қанчалик чинлигини билиш учун Я. Қосимов билан учрашиш мақсадидан

Тошкентдан Қўқонга бордим. Шаҳар партия қўмитаси қотиби Фотиҳ Азимов билан шу масала юзасидан учрашдим. У шаҳар ички ишлар бўлимига телефон қилди, мактуб муаллифи шу куни ишда эмас экан, эртасига бўлишини айтишди.

Мен эртасига бордим. Я. Қосимов ўз хонасида экан. Сўрашиб, ўзимни таништирдим. «Хатни мен хўжайиннинг розилиги билан ёзган эдим», деди ғурур билан. У ўтиринг деб ҳам айтмасдан, шундай деди: «Сизлар қаердан пайдо бўлдиларинг, беш-олти ифвогарнинг гапига ишониб, бутун Қўқон милициясини қоралашга! Кимсизлар ўзи?!»

Аввало, оддий ўзбекона хушмуомалаликни унутган, ушбу маҳкамага унинг «талаби» билан келганлигимни билмаган бу йигитга ачиндим. «Дўппини олиб кел деса, боши билан қўшиб олиб келадиганлар шунга ўхшар», — деган ўй хаёлимга келди. Яқинда Қўқонда бўлиб ўтган фожеаларни текшириш учун тузилган жумҳурият комиссиясига чақиришиб, суҳбат бўлгани ёдимга тушди. Ўзбекистон ССЖ Ички ишлар вазирлиги вакили, майор Шухрат Мухримов менга бундай деганди: «Агар мақолангизни бир неча йил илгари ёзганингизда, сизни руҳий касал деб жиннихонага олиб боришар эди. Яхшиям ҳозир қайта қуриш даври, ошкораликка йўл очик...»

Узаро вазиятни юмшатиш учун мен Яҳёхонга бундай дедим: «Келинг, аввало бир-биримизга бўлган муносабатимизни аниқлаб олайлик. Мен Тошкентдан сизнинг «талаб»ингиз билан келган бўлсам ҳам, лекин мактубингизда айtilгандай, «ҳисобот бергани» эмас. Иккинчидан, ўзингиз «Сизларга расмий маълумотларни биз берамиз!» — деб ёзгансиз. Учинчидан, «агарда бизни одам ҳисобласаларинг» дебсиз — исботи, мана, мен олдингизга келдим. Энди сиз ваъдангизнинг устидан чиқиб, менга расмий маълумотларни беринг».

У мени тушунганга ўхшади ва бурчакдаги шкафдан ўнтадан ортиқ «қўлбола» найза, тўқмоқ, пичоқ ва шу кабиларни олиб полга улоқтирди.

— Мана сизга расмий маълумотлар! 7 июнь куни маҳкаманиз олдидаги тўполондан кейин йиғиб олдик. Шу қуроллар билан халқ бизни ўлдирмоқчи бўлди.

— Халқ нега сизларни, ўзингиз айтгандек, ўлдирмоқчи бўлди? Нега ораларингизда жарлик пайдо бўлди? Бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? — деб савол бердим.

Маросим охирида йиғиси билан Темурнинг махсус жанг ноғорасини ўртага олиб кирадилар ва бир лаҳза чаладилар-да, шундан сўнг «у энди бошқа кишига хизмат қилмасин учун», уни тилимлаб ёриб ташлайдилар. Бу удум мотам маросимининг тугалланиши эди.

Ибн Арабшоҳнинг маълумотига қараганда, Темурнинг жасади Мухаммад Султон мадрасасидаги даҳмага дафн этилган бўлиб, даҳманинг деворларига Темурнинг кийимлари ва қурол-аслаҳалари илиб қўйилган. Мазкур буюмлар қимматбаҳо тошлар ва олтин билан безатилган бўлиб, энг кичик бир бўлаги бир вилоятнинг бир йиллик ҳиروجига тенг келган. Мақбара ичига катта-катта олтин қандиллар ўрнатилган бўлиб, улардан бирининг оғирлиги 4000 мисқолга тенг эди. Мақбара саҳнига ипак гиламлар тўшалган. Темурнинг жасади эса шерозли моҳир уста тарафидан ясалган пўлат тобутга солиниб, дафн этилган.

Орада тўрт йил ўтди. Ҳижрий 812 йилнинг муҳаррам ойи (1409 йил май) Темурнинг тўртинчи ўғли Шоҳрух Мирзо Халил Султон Мирзодан Самарқанд тахтини тортиб олгач, Мухаммад Султон хонақоҳига келиб, ота қабрини зиёрат қилади. Мусулмончиликка қаттиқ риоя қилувчи Шоҳрух Мирзо мақбарадаги шарият қонун-қоидаларига зид келадиган Темурнинг кийимлари, қурол-аслаҳалар ва барча қимматбаҳо безакларни хазинага қайтаради. Шунингдек, Темур ва Мухаммад Султон Мирзо жасадаларини мадраса хонақоҳидан кўчириб, пўлат тобут ўрнига ёғоч тобутга солиб, ҳозирги Гўри Мир мақбарасига дафн эттиради. Жасадаларнинг пўлат тобутдан ёғоч тобутга солиб дафн этилиши шарият ҳукмига мувофиқроқ

бўлса керак. [Бу тахмин таниқли олим А. Якубовскийга тегишли]. Бироқ Шоҳрух Мирзонинг жасадаларни кўчириб қайта дафн эттириши Самарқанд аркони давлатида анча шов-шувларга сабаб бўлади, айниқса ҳарбий бошлиқлар орасида норозилик кучаяди. «Шунинг учун бўлса керак, — деб ёзади академик В. В. Бартольд. — Темурнинг диний раҳнамоси Сайид Бараканинг ҳоки Андхўйдан олиб келиниб, Темурнинг бош томонига дафн этилади».

Дарҳақиқат, 1941 йилда Гўри Мир мақбарасида Темур ва унинг набираси Мухаммад Султон Мирзонинг қабрлари очиб текширилганда, ҳар икки жасад ҳам арча ёғочидан ясалган тобутга солиб дафн этилганлиги маълум бўлди. Шунингдек, машҳур шарқшунос А. А. Семёнов ва археолог В. А. Шишкинларнинг фикрича, ҳар иккала тобут бир хил ёғочдан, улар ичига тўшалган матолар ҳам бир хил, яъни парчага ўхшаш матодир.

Баъзи маълумотларга кўра, Темур 9 марта уйланган. Соҳибқирон вафот қилганда, унинг хотинларидан тўрттаси — Сароймулк хоним, Туман ого хоним, Тукал хоним ва Рухпарвар ого хонимлар ҳали ҳаёт эдилар. Шунингдек, Шарафуддин Али Яздий ва Фасиҳ Ҳавофийнинг берган маълумотларига кўра, амир Темур вафот қилган вақтда ундан 2 ўғил 19 невар ва 15 чевара қолди, жами 36 шахзода ҳаёт эди. Булардан ташқари, соҳибқироннинг кичик қизи — Султон Бахт бегим ва катта қизи Оға бегимдан туғилган ўғил — Султон Ҳусайн Мирзо номли невараси ҳам бор эди. [Мазкур шахзодалар ва маликалар таржимаи ҳоли ойномамиз саҳифаларида 1991 йилдан эътиборан баён қилиб борилади — Ред.]



Яҳёхон жавоб бермади. Кейин ёзган мактубига мурожаат қилдим: «Сизларнинг ёзишингизча, милиция — одам эмас, ору номусли, имони, миллати ҳам йўқ, демоқчи-сизларми? Демак, биз ўз халқига ўқ отган қотил эканмиз-да!» Мақолани ўқиган журналхонлар яхши билишади — бирор жойида Яҳёхон айб қўяётган бу ҳақоратли сўзлар йўқ. Мақолада ҳужжатларга асосланган ҳолда, ўз кўзи билан кўрган гувоҳларнинг сўзига кўра, айрим ички ишлар ходимларининг фожеа дамларидаги хатти-ҳаракати ҳам тасвирланган, гувоҳлар исм-шарифи берилган, ҳужжатларда раҳбарлар имзоси бор. Булар Я. Қосимов айтган «беш-олтита ифвогарлар» эмас. Айниқса, раҳбарлар. Шундай эмасми, Яҳёхон?! Ахир, сиз раҳбарларни ҳурмат қиласиз-ку. Масалан, ўз раҳбарингизни, ўз сўзингиз билан айтганда, «хўжайинни». «Хатни мен хўжайиннинг розилиги билан ёзганим», дедингиз-ку... Юқорида айтганим — жумҳурият комиссиясида бўлган суҳбатда мақоладаги фактлар асосан тасдиқланиб, сиз даъво қилган ҳақоратлар ҳақида сўз ҳам бўлгани йўқ.

Қўқон шаҳрида ўтган йили 7 июнь кuni 20 киши, 8 июнда эса 9 киши ҳалок бўлди, 250 га яқин сиз каби ёш йигитлар ярадор бўлди. Уларнинг ота-онаси, ёру биродарлари қон-қақшаб қолди. Оғир йўқотишлардан ташқари қанча маънавий зарар етказилди! Булар фақат айрим оилаларнинг эмас, бутун миллатнинг бошига тушган қулфат. Сиз ҳам шу миллатнинг фарзандисиз, унга ҳамдард бўлишингиз керак эди. Мактубингизда бу ҳақда, афсуски, бирор бир сўз тополмадим. Сиз эса ёзасиз: «Бир бурда нонга зор бўлганимизни, оила аъзоларимиз икки ой уйни ташлаб кетганини, онам мендан ҳозир ҳам хавотир олиб яшаётганини биласизми ўзи?» Ким айбдор бунинг учун? Мақолами? Ундаги ҳужжатли фактларми? Ҳақиқатми?

Милиция ходимлари, вазифасига кўра, жумладан осойишталик посбонлари ҳамдир. Бироқ Қўқонда 7—8 июнь кунлари деярли ҳамма милиция ходимларининг маҳкамга беркиниб олгани, уларни ички ҳарбий қўшинлар қўриқлагани ҳақида нима дейиш мумкин? Мана, шу шаҳарлик милиция ходимининг ҳикоясидан: (мабодо тазйиққа учрамасин деб, исм-шарифини ёзмадим) «Ҳарбийлашган қоровуллар маҳкамаси томон боргунча кўчада ҳеч ким кўринмади. 7-дан 8-га ўтар кечаси, соат 4 эди. Милиция бригадирлари, инспекторлари, бошлиқлар дар-

возани ичидан қулфлаб яшириниб олган эди. Тешикдан «бригадани тинчитсаларинг (хотиржам қилинса, демоқчи — Ҳ. Б.) бўлди, биз ҳаммамиз шу ердамиз», — дейишди. Бу ердан шаҳар милицияси томон юридик, қоровуллар бўлинмаси билан милиция бўлинмаси оралиғида, аскарлар кўз ўнгида хушёрхона ҳамон ёнарди... Милиция маҳкамасига етиб келсак, унда ҳам ходимлар яшириниб олибди. Танкани олдиға қўйиб, автоматли аскарлар уларни қўриқлапти...» Бу ҳикоянинг муаллифи милиция ходимлари орасидаги порахўрлик, ўғрилик ҳақида конкрет мисоллар, исм-шарифларни келтирган. Булар мазкур жойда ички ишлар ходимлари орасида сиёсий-тарбиявий иш қониқарсиз эканлигидан далолат беради.

...Учрашувимиз охирида мен Яҳёхонга «расмий маълумотларни биздан оласиз!» — деган сўзини яна эслатдим, бу маълумотларни беринг, дедим. У «беролмайман» деди. Кейин, бир оз ўйланиб туриб: «Ҳозир, хўжайиндан сўрайчи, улар отпускадалар. Хатни бошлиғим розилиги билан ёзган эдим», деди ва Элшод Алиевга телефон қилди. Гаплашиб бўлиб деди: «Бошқа бирор компетентний одам топиб келинг, хўжайин шундай деди!» — дея сўзини тугатди...

Шундан кейин милиция нега бундай аҳволга тушиб қолган, деган саволни кўп ўйладим. У меҳнаткаш халқнинг осойишталигини қўриқлайдиган, бошига оғир қулфат тушганда жонини ҳам аямай ёрдам қилиши керак эмасми? Милиция тарихида бундай жасоратларни юзлаб келтириш мумкин. Бу касб — масъулиятли соҳа, улар орасида биттагина номуносиб киши бўлса, халқ милицияси обрўсига доғ тушади, обрўи тикланиши қийин бўлади. Халқ ўз касбига муносиб милиция томонида бўлади, оғир кунларда ёрдамга келади.

Шундай қилиб, Қўқон шаҳар ички ишлар бўлими сиёсий қисмида «хўжайин» ва қуруқ ваъдабозлар хизмат қилаётганини кўриб, қўқонликлар ўтган фожеали кунларда уларга нега ҳужум қилганлиги ва милиция ходимларининг обрўи йўқлиги сабабларидан бирини топгандайин, Тошкентга қайтдим.

Ҳайдарбек БОБОБЕКОВ,  
тарих фанлари номзоди.

## БИРИНЧИ РИЕЗИЙ АЁЛ

Искандариялик Гипатия (Ипатия) (370—415) математик, астроном ва файласуф эди. Маълумотларга қараганда, Гипатия ҳақида биринчи математик аёл бўлган. Унинг отаси искандариялик математик Теон астролябия ҳақида китоб ёзган, қадимги дунёнинг таниқли файласуфи Батлимус (Птоломей)нинг «Ал-мажистий» («Алмагест») китобига шарҳлар битган, Иқлидус (Евклид)нинг «Негиз»лар китобини тўлдириш ва тушунтиришлар билан қайта нашр қилган олим одам эди.

Гипатия файласуф сифатида неоплатонизм фалсафа мактабининг давомчиси бўлган. Искандария музейида дарс берган. У олам тузилишини ўрганиш учун самовий жисмлар ҳаракатини кузатган ва астрономик жадвал тузишга эришган. Кузатиш ва тажриба ўтказиш учун кўплаб ўлчов асбобларини яратган. Жумладан, само ёриткичларини текисликда тасвирлаб, уларнинг чиқиши ва ботишини кузатиб, планисферани яратган. Суоқлик зичлигини аниқловчи арео-

метрни, самовий жисмларнинг ҳолатини, узунлик ва кенгламани аниқловчи астролябияни такомиллаштирган.

Шунингдек, Гипатия математика, астрономия ва фалсафага доир кўплаб қадимий, қимматли қўлёзмаларни ҳам таржима қилган. Жумладан, Диофантнинг «Арифметика», перглик Аполлонийнинг «Коник кесимлар» асарларига шарҳлар ёзган. Лекин булар бизгача етиб келмаган.

Гипатия кўриниши гўзал, муомаласи мулоим, дилрабо аёл бўлиб, фикрларини чиройли, раvon баён эта олган. Олима нафақат фан соҳасида, балки ҳаётини масалаларни ўрганишда ҳам қимматли маслаҳатлар берувчи, шаҳар жамоа ишларида фаол иштирок этувчи бўлиб халққа кенг танилган. Гипатиянинг кўплаб яқин кишилари насроний динига эътиқод қўйганлардан бўлса, унинг ўзи аждодлари бутпараст бўлгани учун, бутпарастликка содиқ қолган.

Унинг фожiali ҳалокатига ҳам шу сабабчи бўлгани эҳтимол. Бир кун

епископ Кириллнинг қутқусига учиб, ғалаён кўтарган насроно мутаассиблар Искандария академиясини вайрон қилишган. Қадимги дунё донишмандларининг гоъларини толмай тарғиб қилувчи фидойи олима Гипатия ана шу оломонга дуч келиб қолади. Улар аёлни аввал ўраб олиб, қалака қила бошлашади, сўнгра ибодатхона томон судраб кетишади. Оломон Гипатияни қийнаб, охири тошбўрон қилади. Жоҳил мутаассибларнинг ғазаби шу қадар ошадики, улар оқила аёлнинг баданини бурда-бурда қилиб, этларини суякдан чиғаноқлар билан қириб олиб гулханга ташлашади.

Аёл кишига бундай ваҳшиёна муносабатда бўлиш янгиликка, илм-фанни ўрганишга интилувчи ҳар қандай аёлда қаттиқ қўрқув туйғусини пайдо қилгани табиий. Натижада улар бир неча асрлар давомида илмий изланиш билан шуғулланишга журъат қила олмай юришди.

Е. САИТОВ.  
Бухоро Давлат дорилмуаллимни  
умумий математика ва уни  
ўқитиш методика кафедрасининг  
натта ўқитувчиси.



# ТУРКИЙ ҚАВМЛАР ТАҚДИРИ

Ер юзида яшаётган барча халқлар тўсатдан ёки тасодифан пайдо бўлган эмас, турли ному нишонлар билан ҳаёт сўқмоқларини босиб ўтишган. Бир гуруҳ халқлар ўзларининг этник номларини асрлар оша сақлаб келишган, бошқалари эса, ўзга бир тоифалар таркибида ҳаёт кечирган. Этник тоифалар ҳам янгидан ёки тўсатдан пайдо бўлган эмас. Баъзи этник қатламлар ижтимоий, сиёсий, иқтисодий муносабат туфайли ҳамда айрим этник гуруҳларнинг нуфузи таъсирида бошқа қавмларга сингиб кетган ҳоллар ҳам учрайди. Худди шунингдек, туркий қавмлар ҳам ўз номига эга бўлгунча, турли этник номлар орқали бошқа қавм гуруҳлари билан бирга яшаган.

Олтой гуруҳига мансуб туркий халқлар мўғуллар, манжурлар, корейслар, японлар билан номаълум ном остида иттифоқда бўлган. Бу гуруҳга кирувчи халқлар тил жиҳатидан грамматик қурилишдаги агглютинация, яъни сўз ўзагидан кейин келувчи кўшимчаларнинг кетма-кет қўшилиши ҳодисаси билан боғланади. Шунингдек, турк ва мўғул тиллари эса сингармонизм (унли товушлар уйғунлиги) қонунининг мавжудлиги орқали ўзара яқинлашади.

Туркий халқларнинг Олтой давридан кейинги ривожланиш жараёни эса скифлар фаолияти билан узвий боғланган. Скифлар мураккаб қабилалар бирикмасидан иборат бўлган, улар тилига оид маълумотлар йўқ, фақат скифлар давлатига асос солган подшоҳ — Таргитой номи сақланиб қолган. Унинг ўғиллари номи туркий тил қонунларига мос келади, жумладан, Ерғитой исми. (Рашидиддин. «Жоми ат-таворих»). Қадимги юнон олимлари скифларнинг етакчи қабилалари номи унлар (хунлар) эканлигини таъкидлашган. Шунингдек, скифлар таркибида бошқа этник гуруҳлар борлиги ҳам маълум. Ҳатто тўққизинчи аср алломаси Муҳаммад ал-Хоразмий, араб муаррихлари туркий халқларни ёки VII—IX асрларда сиёсий ҳаёт майдонида кўринган туркий қавм — тўққиз ўғузларни скиф сўзига и қўшиб искиф дейишни айтган. Скифлар таркибидаги халқларга юнонлар, хитойликлар, эронийлар ўз тилларига мослаб ном қўйган. Шунга кўра, жумладан юнонлар милоддан аввалги бешинчи асрдан милоднинг бошларига қадар Урта Осиёда яшаган халқларни скиф деб аташган.

Дашти қипчоқ, Урта Осиё, Олтой, Марказий Осиёда яшаган халқлар бундан уч минг йиллар аввал скиф деб аталган халқлар — хунлар (эл-кун) < хунлар < хунлар) номи билан машҳур бўлган. Скифларнинг этнографик, антропологик хусусиятлари хунларга ёки турк халқларига ўхшашдир. Маҳмуд Қошғарийнинг таъкидлашича, Искандар Зулқарнайн Урта Осиёни босиб олаётганда турклар ўқейни тўғрига қандай отса орқа тарафга ҳам шундай маҳорат билан ўқ отишган. Бу этнографик хусусиятлар хунлар ёки туркий халқларнинг удумлари скифларниқига ўхшаш деб қарашга асос беради.

Учинчи Туркология конференциясида (Тошкент) тарихчи олим М. Волидов милоддан аввалги II—I ҳамда милодий I—V асрларда яшаган юнон олимлари Птоломей, Аммиан Марцеллин, византиялик Феофан, Зосима, Менандр маълумотида кўра, Каспий денгизининг шарқий қирғоғидан тортиб, то бутун Марказий Осиёда скиф номи билан яшаган халқларнинг асосини унлар (хунлар) ташкил этганлиги ҳақида маъруза қилди. Шунингдек, кўрсатилган юнон олимлари скифлар билан хунларнинг этнографик хусусиятлари ўхшаш эканлигини таъкидлаганликларини ҳам сўзлаб ўтди. Бу келтирилган маълумотлар скифлар — хунлар деб аталган туркий халқларнинг аجدодлари эканлигига шубҳа қолдирмайди.

Хунлар милоддан аввалги дастлабки минг йилликнинг бошларида пайдо бўлиб, сўнгра, беш юз йиллар ўтгач, тарих саҳнасида яна фаол кўрина бошлади, катта сиёсий кучга айланди. Хунлар Марказий Осиё, Каспий денгизи бўйлари ҳамда Шимолий Кавказга чўзилган территорияда яшаган. (Тургун Олмос. «Хунларнинг қисқача тарихи», Қашқар, 1986.)

Милоддан аввалги 207 йилдан то милоднинг 216 йилгача, яъни 423 йил давомида Улуғ Хун империяси ҳукмронлик қилган. Бу

империянинг ҳудуди шарқий ҳамда ғарбий қисмга бўлиб идора қилинган. Шарқий Хун империяси маъмурий марказининг номи Туманбалиқ аталиб, Ички Мўғулистонда жойлашган эди. Улуғ Хун империяси ғарбий қисмининг ҳукмронлик даври милоддан аввалги 216 йилдан бошланиб, милоднинг 46 йилгача давом этган. Иккинчи Улуғ Хун империяси милоднинг учинчи асри бошидан туртинчи асри охиригача давом этиб, ички зиддиятлар ҳамда ташқи кучлар (Хитой таъсири) натижасида емирилди.

Иккинчи Хун империясининг емирилиши оқибатида ҳамда хунларга қарши кучлар таъқиб туфайли, бир гуруҳ хун авлодлари Шарқий ва Ғарбий Европада силжиб, милоднинг 374 йилдан 469 йилгача Европада Хунлар империясини тузди.

Европада Хунлар империясининг асосчиси Баламир (374—400 йиллар) ҳисобланади. Хун империяси ҳукмдорлари орасида Ат тила (Ат илла, 434 — 453 йиллар) номи Европа тарихида ҳозирга қадар машҳурдир. Ҳатто ҳозирги Волга дарёсининг номи ҳам Атил муран (Итил муран) Идил суви атамаси сифатида Атилла исмига нисбат берилган. Маҳмуд Қошғарий ўз асарига «Итил суви оқа турур» деб эслаб ўтган.

Баъзи манбаларга қараганда, хунлар турли ёзув шаклларида фойдаланишган, дастлаб Хитой ёзувини истифода этишган, шаклан Хитой ёзуви ва тили асосида бўлса ҳам, талаффузда ўз тилига мослаб ўқишган. Шунингдек, милоднинг 250 йили Хун ҳукмдорларидан бири — Чунггу хоқони Кангтой деган киши бошчилигида Камбоджа мамлакатига элчи юборади. Элчи камбоджаликлар ёзуви хунлар хатига ўхшайди, деб маълумот берган. У пайтда Камбоджада санскрит ёзувидан фойдаланишган. Бу маълумотга қараганда, иккинчи Хунлар империяси даврида санскрит ёзувидан фойдаланилганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Милоднинг олтинчи асрида биринчи турк хоқонларидан Истами Қаған вафоти муносабати билан қўйилган қабр тошида уч хил ёзувдаги битик бор: бири номаълум ёзувда, иккинчиси сўғд хатида, учинчиси эса хитой ёзувида. Номаълум битик санскрит алифбоси асосида шакланган хун ёзуви бўлиши мумкин. Хунларнинг машҳур хоқони Модехон (Батур Тангрикут) томонидан Хитойнинг Хон сулоласига оид ҳукмдорларига мактублар юборилган. (И. Я. Бичурин. «Собрание сведений о народах обитовавших в Средней Азии в древние времена, т.1, М.—Л., 1950.) Милоднинг III асрида хунлар ўз ёзувига эга бўлгани хунлар хоқони Модехоннинг Хитой императорига ёзган мактубидан ҳам маълумдир. Шунингдек, Хун империяси хоқонлари ҳарбий мақсадлар учун хариталардан фойдаланганлари ҳақида ҳам маълумот бор.

Хунлар санъат бобида туркий халқларда қўлланган доб, ноғора, най каби мусиқа асбобларидан фойдаланишган.

Хунларда ҳам мансаблар туркий ном билан ифодаланган, йигирма тўрт хил амал бўлган. Унг қўл билгахан, сўл қўл билгахан, ёбгур (бош вазир), ўнг қўл қутигу, сўл қўл қутигу, ўнг қўлхан, сўл қўлхан, ўнг қўл улуг сангун, сўл қўл улуг сангун, ўнг қўл улуг тутуғбағ, сўл қўл улуг тутуғбағ, батисхан, туманбоши, мингбоши (бингбоши), юзбоши, ўнбоши каби амалдорлик ҳамда ҳарбий унвонлар жорий қилинган. Умуман, ҳокимият бошлиғи бўлган хоқон Тангри Кут номи билан аталган.

Хунлар асосан шаманликка (қам, қаман) сиғинганлар. Унга кўра, қуёш худоси, ой худоси, осмон худоси, ер худоси, юлдузлар худоси каби кўпхудолик мавжуд эди. Хунлар тонг саҳарлаб қуёшга сажда қилишган, тунда ойга сиғинишган, муҳим жиддий ишларни ой ва юлдузларга қараб ҳал қилишган, ой тўлганда душманларга ҳужум қилишган, ой тутилганда — чекинишган.

Кўк тангриси билан ер тангриси бутун ҳаётни яратган, қуёш тангриси билан ой тангриси томонидан ҳукмронлик тахти ато қилинган деб ҳисобланган. Уй, чодирларнинг эшиклари шарқ томонга қаратиб қурилган. Хунлар, кўпхудолик туфайли, турли маъдан ва ёғочлардан санамлар ясашган, бутпарастлик кучайган. Шаманликка кўра, шарқ-кўк ранг, жануб-қизил ранг, ғарб — оқ ранг, шимол эса қора ранг билан ифодаланган. (Тургун Олмос, кўрсатилган асар.) Хунларда шаманлик ҳаётнинг барча соҳаларида ўз аксини топган. Хунларга хос шаманлик аъёнаси қадимги турк, эски турк даврларида ҳам давом этган. Ҳатто Амир Темуру томонидан қурилган Оқсарой ҳамда Кўксарой, шунингдек, Олтин Урда даврида ташкил топган Оқ Урда ҳамда Кўк Урда номи Хунлар давридаги аъёнанинг давомидир.

Хун ҳукмдорларининг номларини Хитой ёзувида асосланган манбалардан транскрипция қилинганда, кўпчилигининг исми туркий тил қонунларига мос келганини кўриш мумкин.

Милоддан аввалги Хун ҳукмдорлари: Туман (240—210), Батур Тангри Кут (210—174); Уғузхон деб кўрсатилган, Каюк (174—161), Кунчин (161—126), Увай (126—114), Уйшилур (105—102), Қулигу (102—101), Қутигу (101—96), Гулику (96—85), Гүёнди (85—68), Шулуй Канкуй (68—60), Уёнкути (60—58), Қуғушар (58—31), Қутиюш (31—20), Сучиянути (20—12), Учулнути (8—1, милодий — 13), Улуноути (милодий 13—18), Фути Арши Давганути (милодий 18—46), Удатгу (46—?).

Шарқий Хун тангрикутлари (ҳукмдорлари; милодий сана): Шилушюти (48—56), Чиюкути (56—57), Илға Пулуту (57—59), Хи-




тунгиши (59—63), Фуши Шукути (63—85), Илту Улуту (85—88), Шулан Шукути (88—93), Арғу (93—94), Тиндур Шукути (94—98), Ванчи (Банчи) Шисути (98—124), Учғу Шисути (124—128), Қутуну Шисучути (128—140), Фуланнуши Сучу (143—147), Иллиниши Сучу (147—172), Утинуши Сучу (172—178), Гучин (178—179), Канқуйи (179—195).


Ғарбий Хун тангрикутлари (милодий сана): Пану (46—83), Санму (83—84), Улуғ (84—89, Шималай (89—91), Панқу (93—118). Европа Хун ҳумдорлари (милодий сана): Баламир (374—400), Юлдуз (400—410), Қаратун (410—415), Бунчук (415—422), Руб (422—434), Атилла (434—453), Тилик (453—454), Данггизбаг (454—469). Кўрсатилган Хун ҳукмдорларининг асосчиси Чунвей (Чўнгбаг) ҳозирги даврдан уч минг икки юз йил илгари яшаганлиги ҳақида маълумот учрайди (Турғун Олмос, кўрсатилган асар.)


Милоддан аввалги учинчи асрда Оқ хунлар (кушонлар) Хунларнинг бир тармоғи тарзида Марказий Осиёнинг Ганьсу вилоятларида эрдан аввал яшаган. Оқ хунлар Улуғ Хунларнинг иттифоқчиси ҳисобланган ҳамда ўзaro қариндош бўлишган. Оқ хунлар Марказий Хун империясининг иттифоқчиси Уйсунлар (Усунлар, Хунларнинг бир тармоғи) орасида низо чиқиб, Оқ хунлар билан Уйсунлар орасида милоддан аввалги 209 йили уруш келиб чиқади. Уйсунлар Оқ хунлардан енгилари ва Марказий Хун давлатига паноҳ излаб боришади. Марказий Хун давлати Уйсунлар томонини олиб, Оқ хунларга қарши уруш олиб боради. Оқ хунлар енгилиб, Ганьсудан ғарбга томон кўчиб, Кучарда (Шарқий Туркистонда) ўрнашади. Уйсунлар эса яна ватанларига — Арсин водийсига қайтиб, ўз давлатларини тузади. Кўп ўтмай Оқ хунлар яна Уйсунларга қарши урушиб, уларга қаттиқ зарба беради. Уйсунлар Арсин (Эрсин) ўлкасини ташлаб кетишади. Милоддан аввалги 175 йили Оқ хунлар исён кўтаради. Батур Тангрикут ўзининг Каюк номли кўмондонини бошчилигида Уйсунларга ёрдам бериш баҳонасида Оқ хунларга қарши қўшин тартади, Оқ хунлар тор-мор қилинади. Урушда ўлдирилган Оқ хунлар ўз ҳукмдори — хоннинг хотини бошчилигида ғарб томонга кўчади. Дастлаб Кучар ўлкасига, сўнгра Или водийсига жойлашади. Уйсунлар милоддан бир юз эллик йил аввал Улуғ Хун давлатидан ёрдам олиб, Оқ хунларни бу водийдан ҳам сиқиб чиқаришди. Оқ хунлар аввал Қашқар (Кошғар) водийсига, сўнгра Бақтрияга кўчиб келишади. Амударёнинг ўнг қирғоғига (Сурхондарё ва Қашқадарё ваҳасига) ўрнашишади, грек — македон (эллин) давлатларига зарба беришади ва улар ҳукмронлигини емириб ташлашади. Улар милоддан аввалги иккинчи асрда Улуғ Кушон давлатини тузишади (Турғун Олмос, кўрсатилган асар). Бичуриннинг маълумотига қараганда бир юз йигирма минг оиладан иборат, ҳар қайси оила бир ҳарбий киши беришга қодир бўлган бу давлатнинг аксари аҳолисини кушонлар ташкил этиб, маълум қисми жуан-жуанлар (мўғуллар) эди. Шунингдек, кушонлар, қанҗа (қанглилар), қанлар (канълар), усунлар, тюкю бир-бирига яқин лаҳжада сўзлашишган ҳамда қонунлари (тузуклари), удумлари бир-бирига ўхшаш бўлган. Хитой элчиси Чжан Цянь милоддан аввалги 138 йилда бу ерга келганда мазкур маълумотларни тўплаган (И. Я. Бичурин, кўрсатилган асар).

Кушонлар ва эфталитлар (абдаллар) даврига оид эллин-бақтрия ҳатида бешинчи асрда туркий тилда битилган жумлалар сақланиб қолган: «Куйсан (Кушон) тилинтин тўхри тилинча йаратмыш, анаткак (санскрит) тилинтин тўхри тилинча йаратмыш». Бу мисол кушон ва эфталитлар туркий халқлар авлоди эканини кўрсатади, иккинчидан, улар қатори хунлар ҳам қадимги туркий қавмлар би-


Биринчиси ва бошлиқлари-қиниқлардир. Замонамизнинг ҳоқонлари шу қиниқлар уруғидандир. Молларнинг тамғаси шундай:

Иккинчиси — қайиғлардир. Тамғаси шундай: 

Учинчиси — байунлардир. Тамғаси шундай: 

Тўртинчиси — ивалардир. Уларни ивалар деб ҳам айтадилар. Тамғаси шундай: 

Бешинчиси — салғур — солғурлардир. Тамғаси шундай: 

Олтинчиси — афшар — офшарлардир. Тамғаси шундай: 

Ўзбек халқи таркибига кирган ўғуз қабила уруғларининг тамгаларидан намуналар. М. Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида келтирилган.



## Замину замон қатларида

лан қариндош эканликларини кўрсатади. Археологик маълумотларга кўра, Бақриана—Сўғдиёна таъсири аъёна тарзида давом этган, худди шунингдек, туркий халқларнинг Турғаш хоқонлиги даври тангаларида ҳам аъёна тарзида сўғдча ёзар эдилар.

Тарихан скиф—ун, хун (гун)лар номи билан яшаган халқлар милоднинг VI асри ўрталарида, ўтган бир ярим минг йиллик давр мобайнида турклар номи билан машҳур бўлди. Турк халқлари асрлар оша Осиё, Европа, Африка қитъаларида сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётда етакчи гуруҳлардан ҳисобланди.

Биринчи турк хоқонлиги номи билан шуҳрат топган империя Олтой тоғлари теграсида Ашин томонидан ташкил этилган. Туркий халқлар ўзларининг буюк давлатларини тузганларига қадар, Хун империясининг емирилиш жараёнидан сўнг, жужанлар (абао> аварлар) қўл остида қолган эди. Шунингдек, Телес қабилалари қўзғолон кўтариб, жужанларга зарба берган. 545 йили Телес қабилалари жужанларга қарши кескин юриш жараёнида қутилмаган вазият юз бериб, улар турклар томонидан тор-мор қилинади, бу галабадан сўнг туркий қавмлар жужанларни ҳам енгади. 545 йилдан бошлаб Турк хоқонлиги Марказий Осиё, Мўғулистон, Ғарбий Сибир, Дашти қипчоқ ва Урта Осиёда ҳукмрон давлатга айланади.

Умуман айтганда, биринчи ва иккинчи турк хоқонлиги 545 йилда тўлиқ мустақилликка эришганларидан сўнг турклар ҳукмронлиги деярли икки юз йил давом этди. Турк хоқонлари ўз мамлакатини саккизта тобе хонлиқлар асосида бошқарди. Шунингдек, мамлакат бепоен худудга эга бўлгани учун, Олтойда Шарқий хоқонликка, Еттисузда Ғарбий хоқонликка бўлинган эди. Турк хоқонлиги Хитой империясининг қутқуси билан (айғоқчилари орқали) бузилишга учраб, ички ҳокимият учун кураш каби сиёсий сабаблар туфайли 745 йилда тарқаб кетди.

Езма манбаларда биринчи ва иккинчи турк хоқонлигини ташкил этишда қатнашган қуйидаги турк уруғ ва қабилалари номи зикр этилган: ашин, арғу, аз, басмил, изгил, ўғуз, тўққиз ўғуз, уч ўғуз, ўн уйғур, ўтуз татар, қарлуқ, қурданта, қипчоқ, китан, қирқ аз, тардуш, татаби (тунгузлар), дулу, нушуб, тўқри (таҳарлар) толис, турғаш, тупути, уйғур, сир, қуриқан, дуба (туба).

Турк хоқонлиги 745 йилда тўққиз ўғузлар ёки қадимги уйғурлар томонидан тугатилди. Қадимги уйғурлар давлати ташкил топди. Унинг худуди шарқда Манжуриягача, ғарби-жанубда Қарлуқлар чегарасигача қадар чўзилди, шимолда Иртиш дарёси билан чегараланди.

Қадимги уйғур хоқонлиги таркибида тўққиз ўғуз, басмил, шарқий қарлуқлар, уйғур қабилалари ҳукмрон мавқени эгаллаганлар, буғу, хун, байиқру, тўнгра, сыға каби қабилалар ҳуқуқда тенг бўлсалар ҳам ҳарбий ва ҳўжалик ишларида мажбурият олган. Пойтахти—Қорақурумда жойлашган эди.

Туркий халқлар орасида сулоалар алмашиши натижасида 840 йили қирғизлар қадимги уйғурлар ҳокимиятини ағдариб, Қорақурумни эгаллади. Олтой, Мўғулистонда қирғиз хоқонлиги таркиб топди. У қипчоқ қабилалари билан иттифоқда бўлди, X асрда ўғуз қабилаларини Еттисуздан Сирдарёнинг ғарбий қисми томонга суриб чиқарди (Л. Н. Гумилёв, Древние тюрки, М., 1967). Қирғиз хоқонлиги XII аср бошида қорахитойлар томонидан тугатилди. Бундан кейин қирғизлар муғуллар таъсирига тушиб қолди, XVI—XVIII аср давомида эса қалмоқлар таъсирида Тяньшон, Олой, Помир тоғлари тизмасига чекинди.

IX—XI асрлар мобайнида туркий халқлар сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий худуд муносабатларига кўра, қабилавий, сиёсий гуруҳларга яна қайта бўлинган эди. Бу жараён ҳақида қатор араб олимлари, IX аср езма обидаси бўлмиш «Худуд ул-олам» асарида, Байхақий, Гардизий, Маҳмуд Кошғарий, Рашидиддин, Жувайний, Шарафиддин Али Яздий, кейинги даврларга оид олимлар асарларида ҳам кўрсатиб ўтилган. Мазкур тарихий езма манбалар маълумотига кўра, турк халқлари: ўғуз, қипчоқ, қарлуқ, чигил, ёғмо, арғу, бажанак, бошқирд, басмил, булғор, қирғиз, уйғур, канжак, қолоч, татар каби қатор қабила ва уруғлардан иборат бўлган. Бу туркий қабилаларнинг ҳар қайсиси ўз ичида яна турли уруғларга бўлинган.

Бу қабила, уруғлар қайта гуруҳланиши сабабли қатор сиёсий янги давлат уюшмалари тузилган.

(Давоми келгуси сонда)

Қозоқбой МАҲМУДОВ,  
ЎзССЖ ФА Қўлёзмалар институтининг  
катта илмий ходими, филология  
фанлари номзоди.



# Дуонинг кучи

## ДУОНИНГ КУЧИ ТОШНИ КЎТАРАДИ

Ҳиндистоннинг Шивапур қишлоғидаги ибодатхона яқинида иккита тош ётибди. Биттасининг оғирлиги 55 килограмм, иккинчисиники 41 килограммга яқин. Агар катта тошга 11 киши, кичкина тошга 9 киши бармоқларини теккизиб туриб, ҳаммалари маълум бир дуони ўқишса, иккала харсанг икки метрча баландликка кўтарилиб, гўё улар учун тортиш кучи мутлақо йўқдек ҳавода бир лаҳза муаллақ туради.

Бу ҳодиса жуда кўп марта қайд этилган, ҳар сафар бир хилда такрорланаверади. Олимлар, жумладан чет эллардан келувчи илм-фан аҳли Шивапур қишлоғида тез-тез бўлиб, дуонинг кучи билан тошларни кўтаришни ўзлари тажриба қилиб кўришади. Бироқ бу мўъжизага ҳанузгача бирон-бир изоҳ топилмаётир. Ҳамма ҳангу манг.

Ҳа, биз сирларга тўлуғ бир оламда яшаймиз. Эътибор қилган бўлсангиз, айниқса кейинги пайтларда бунини чуқурроқ ҳис эта бошладик. Ваҳоланки, яқин-яқинларгача ҳам ҳаммаёқ тинчлик эди. Учар ликопчалар ҳақида аҳён-аҳёнда эшитиб қолардик. Ўзга оламлар билан алоқа тўғрисида фақат фантастик асарларда ўқирдик. Инс-жинсларнинг ўйини ҳақида гоҳи-гоҳи кексаларимиз гапириб қолишарди, холос. Табибларга ишонмасдик, фолбинлар алдамчи дердик, одамни қўл теккизмай даволаш мумкинлиги етти ухлаб тушимизга ҳам кирмасди...

Айнан ўтган аср охиридаги вазият эди бу. Ушанда илм-фан ҳамма нарсага ўрганиб бўлди, деган ишончда барча хотиржам эди. Масалан, квант физикасининг асосчиси, буюк немис олими Макс Планк талабалик чоғи назарий физика билан шуғулланмоқчи бўлиб, устози профессор Филипп фон Жоллидан маслаҳат сўраган.

— Ўз ҳаётингизни барбод этиб нима қиласиз, яхши йигит?— деб уни бу йўлдан қайтаришга уринган устози.— Ахир, назарий физика тугаб бўлди, дифференциал тенгламалар ҳал қилинди, фақат айрим хусусий ҳолларни кўриб чиқиш қолди, холос... Шундай экан, бунақа истиқболсиз соҳага қўл уришдан маъни бормикан?

Инглиз физиги Жозеф Томсондек машҳур олим ҳам радиоактивлик, рентген нурлари ва ўзи томонидан электрон кашф этилганидан кейин, ўтган асрнинг энг сўнгги кунларидан берида сўзлаган нутқида фан яқунланаяпти, муҳим масалаларнинг бари ҳал қилинди, фақат айрим жузъий нарсаларни аниқлашгина қолди, деб айтган эди.

АҚШ Миллий патент бюросининг директори эса мамлакат президенти Уильям Мак-Кинлига йўллаган мурожаатномасида юқоридаги олимлардан ҳам ўтиб тушган. У «ихтиро қилиниши мумкин бўлган ҳамма нарса ихтиро қилиб бўлингани» сабабли Миллий патент бюросини ёпишни сўраган. Ҳолбуки илм-фандаги сукунат тугаб, бўрон бошланиши арафаси — 1899 йил эди ўшанда.

Ҳозир ҳам айнан шу ҳолат такрорланаётганга ўхшайди. Кечагина ҳаммага мўъжиза бўлиб кўринган нарсалар бугун оддий ҳолга айланди. Кунини кеча «Фалон жойга учар ликопча тушибди!» деган гапни эшитганда «Астафурulloҳ!» деб ҳайратдан ёқа ушлаган чолу кампирларимиз бугун томорқасига учар ликопча тушиб, ундан чиққан самовий мавжудотлар «Ассалому алайкум, отахон, онахон!» дейишса ҳам пинакларини бузмай «Ваалайкум ассалом, бўтам. Сен қайси юлдуздан келдинг?» дейдиган бўлиб қолишди. Полтергейст дунё миқёсида кўпайиб кетди, инс-жинслар Ўзбекистонда ҳам шаҳару қишлоқлар-

XX аср охирида фан дин билан кўшилади, кўшиладигина эмас, диннинг ҳақиқийлигини исботлаб ҳам беради.  
Елена РЕРИХ

ни кезганча текканга тегиб, тегмаганга тош отиб юрибди. Ҳар ўн кишининг бири экстрасенсга айланиб кетаяпти.

Бултур июль ойида Ғайритабий ҳодисалар бўйича Бутуниттифоқ комиссиясининг Пермь гуруҳи Пермь вилоятининг Молёбка қишлоғи яқинидаги ғайритабий масканда ўзга олам вакиллари билан учрашиб, суҳбатлашди. Инсоният тарихида биринчи марта юз берган бу учрашувда Ер томонидан олим шуфокорлар, психологу экстрасенслар, сураткашу ўқитувчилар, қаламкашлар — жами 40 дан зиёд киши қатнашди. Табиатда қувват-аҳборот алмашинуви муаммолари бўйича Қирғизистон кўмитасининг раиси Михаил Ельцин бошчилигидаги гуруҳ эса Қирғизистоннинг Сиема дарасида Коинот вакиллари билан мулоқотга киришди. Ниҳоят, бизда ҳам бошлашди бу ишни. Шу йил ёзда СССР Экстрасенслар уюшмасининг президенти Тоҳир Солиев раҳбарлигидаги гуруҳ Тошкент яқинидаги Хумсон тоғларида учар ликопчаларни чақириб олишга эришди. Шу суҳбатларда ўзга олам вакиллари Ердаги инсон ва унинг Коинот билан беҳисоб кўринмас иплар орқали боғлангани ҳақида шундай ғаройиб маълумотлар беришарди, асло ақл бовар қилмайди, умуман, инсон, ҳаёт, Коинот тўғрисидаги мавжуд тасаввурларимиз остин-устун бўлиб кетаяпти.

Мавзу дуонинг кучи эди, ўзга оламлик мавжудотларнинг бунга нима алоқаси бор, деб ҳайрон бўлаётгандирсиз ҳойнаҳой. Алоқаси бор экан. Умуман, бу ёруғ оламда бир-бирига алоқаси бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ экан. Ҳатто чексиз Коинотнинг кўз илғамас қайсидир пучмоғида портлаган юлдуз кеча кўрган тушингизга алоқадор экан...

## ДУОЮ ФОТИҲА НИМА ҲИ?

Ушбу мақолада мен дуою фотиҳа нима эканлигига диний жиҳатдан ёндошмоқчи эмасман асло, бунга ҳақим ҳам йўқ. Шунингдек, дуонинг кучи билан фалон авлиё ундоқ қилган экан, пистончи авлиё бундоқ қилган экан, деган диний ривоятларни ҳам учратмайсиз. Қисқаси, мақолада дуою фотиҳага диний талқин берилишини кутманг. Чунки ҳар бир соҳада унинг мутахассиси сўз юритгани дуруст. Чунинчиси, «Фан ва турмуш»нинг шу йилги июнь-июль сонларида «Дуою фотиҳада на деб илтижо қиламиз?» номли суҳбат эълон қилинган. Ана ўша ерда дин арбоби дуою фотиҳа нималигига чуқур ва атрофлича изоҳ берган.

Бир илмий қаламкаш сифатида менинг бу мақоладан мақсадим эса дуонинг кучини илм-фан қай даражада изоҳлаб бераётганини кўрсатишдан иборат, холос.

Бунинг учун эса, келинг, аввало дуо билан фотиҳани бир-бирдан ажратиб олайлик. Қомус, луғат, қўлланмаларда кўрсатилишича «фотиҳа» сўзи арабча бўлиб, «очмоқ», «бошламоқ» маъноларини англатади. Негаки, у Қуръони каримнинг биринчи, бошланғич сураси номи, Қуръони карим фотиҳа сураси билан очилади. Жаҳонгир маъносидаги «фотиҳ» сўзи ҳам янги ерларни (эллар, халқларни) очувчи деган маънони билдиради. Фотиҳа сураси 7 оятдан иборат, мусулмонлар айниқса дуо ўқишда





Сураткаш Абдувоҳоб ТУРАЕВ

Илоё дуонигиз ижобат бўлган

унинг матнидан кўп фойдаланишади. Шунингдек, фотиҳа бошқа, кенгроқ маъноларни ҳам касб этган. Мисол учун бирон воқеа муносабати билан ўқиладиган дуо ёки Қуръони каримнинг айрим қисқа сураларидан бири ҳам фотиҳа дейилади. Марҳумнинг вафоти туфайли ўқиладиган фотиҳа унинг оила аъзоларига билдирилган таъзия ифодаси ҳисобланади. Қолаверса, фотиҳа сўзи келин-куёвни унаштириш тушунчасини, шунингдек, яхши тилак билдириш, табриклаш (айтайлик, янги уйга фотиҳа ўқиш) каби кўчма маъноларни ҳам англатади. Классик адабиётимиздаги «фотиҳасидан хотимасигача» ибораси «бошидан охиригача» деган маънони билдирган. Шогирднинг устозидан фотиҳа олиши мустақил ишлашга руҳсатни, сафарга чиқаётган кишига оқ фотиҳа берилиши эзгу тилакни англатади.

«Дуо» сўзи ҳам арабча бўлиб, «илтижо» деган маънони билдиради, яъни киши дуо ўқиш билан Оллоҳ таолодан ўзи ёки бошқалар учун тилак тилайди. «Дуохон» (форсча «хон» — ўқувчи дегани) эса нарса, ҳодиса ва кишиларга дуо ўқиш билан таъсир кўрсатувчи, беморларни дуо ўқиб ва дам солиб даволовчи шахсдир — бу тўғрида қуйироқда муфассал сўз юритамиз. «Дуойи салом» (мактуб), «дуогўй», «дуойи жонингизни қилиб юрибмиз» каби иборалар бир кишининг бошқа кишига эзгулик тилашини билдирса, «дуойибад», аксинча ёмон тилак тилашни англатади. Масалан, «фалончига дуо теккан» ибораси «қарғишга учраган» деганидир. Хулласи калом, тор маънода «фотиҳа» муайян оятни, «дуо» тилакни билдиргани ҳолда кенг маънода иккови бир-бирининг ўрнига ҳам ўтиб, хилма-хил мазмунни беради, шу боисдан мақола-нинг баъзи ўринларида фотиҳа ҳам аралашиб қолиши табиий ҳол.

## ОЛТИН ОЛМА — ДУО ОЛ

Халқимизнинг бу нақли бежиз эмас. Шу боис дуонинг кучини у эзгуликка хизмат қилишидан бошласак. Юқорида тилга олинган «Дуою фотиҳада на деб илтижо қилармиз?» номли сўхбатда айтилишича дуо ўқиш ислом динидан олдин ҳам мавжуд экан. Яъни, дуохонлик ибтидоий даврдаёқ, балки инсон билан бирга пайдо бўлган дейиш мумкин. Мазмуни — илоҳий кучлардан тилак тилаш эса барча замонларда ҳам ўзгармаган.

Дуонинг кучини кўрсатувчи энг кўп тарқалган мисол дуохонликдир. Дуохон — беморни дуо ўқиб ёки дам солиб даволайдиган киши. Энг кучли, тажрибали, нафаси ўткир дуохонлар азайимхон, Ўзбекистоннинг айрим жойларида эса эшон, парихон, жодугар, сеҳргар, бахши деб ҳам аталади. «Парихон» форсча сўз бўлиб, «пари» — руҳ ва «хон» — ўқувчи маъносида, яъни кишига зарар

етказган руҳларни дуо ўқиб ҳайдаш демакдир. «Бахши» (мўғулча ва бурятча «бахша» «бағша» — устод, маърифатчи; туркманча «бақши», «бағши», қорақалпоқча «бакси», ҳиндларнинг қадимий санскрит тилида «бҳикшу») эса қаландар, дарвеш демакдир. Дуохоннинг хилма-хил номларини келтиришдан мақсадимиз у халқлар орасида қадим даврлардан қанчалик кенг ёйилганини кўрсатишдан иборат. Зотан, парихонлик, кўчириқ қилиш ҳақидаги маълумотлар оташпараст ота-боболаримизнинг муқаддас китоби «Овасто»да ҳам учрайди. Ваҳоланки, «Овасто»да баён этилган маълумотларнинг энг қадимий қисмлари 4000 йил аввалги даврга тегишли.

Лекин оқсоч тарих учун қошу қабоқ орасидек қисқа бўлган қандайдир 70 йил ичида илмий даҳрийлик буларнинг бари зарарли, ярамас иллатлардир деб қулоғимизга қуйишга улгурди. Ваҳоланки биз «Шошма, чиндан ҳам шундайми? Ахир ҳаёт темир мантиққа эга: одамларга заррача наф бермайдиган ҳеч бир нарса минглаб йил яшаб келмасди-ку!» деб ўйлаб ҳам кўрмадик. Ота-боболаримиз минг йиллар мобайнида мисқоллаб йиққан ва авлодларимга насиб этсин деб ардоқлаган илмлар хазинасини бор-йўғи 70 йил ичида топтадик, оёқ ости қилдик. Шу гуноҳимиз учун ота-боболар руҳининг қарғишига учрадик: касалликлар беҳад кўпайиб кетгани, ҳаёт тобора оғирлашиб бораётгани бизга берилган ҳаққоний жазо эмасми ахир? Биз-ку, майли, жазоимизни олдик, бироқ ота-боболаримиз шу қадар улкан илм тўплашган эканки, хайрият, барини йўқотиб улгурмадик. Жумладан, дуохонликни ҳам.

Илмий даҳрийлик «Дуохонлар мантиқсиз, пойма-пой сўзларни айтиб ва турли ҳаракатлар қилиб, инс-жинсларни ҳайдай олишларига, гўё дарддан шифо беришларига, бахтсизликдан халос қилишларига, мушкулни осонлаштиришларига содда кишиларни ишонтирганлар» деб айблади. Аслида эса мутлақо бундай эмас, илмий даҳрийлик дуохонликка далил-исботсиз, кўр-кўрона тўхмат қиляпти, холос.

Мисол учун дам солишни олайлик. Дуохон сувга «куфсуф» қилгани билан уйда ётган бемор тузалиши ақлга сиғмайдиган нарса дейишарди даҳрийлар. Энди Аллан Чумакни эсланг: миллионлаб телевизорлар олдига қўйилган сувга дам солиб бермадими у? Беморлар шу сувни ичиб дардидан фориг бўлгани қанчалик шов-шув уйғотди ахир?

1989 йил, 29 ноябрь — 2 декабрь. Москва. Халқ хўжалиги институтининг Маданият саройида бўлиб ўтган Табиатда қувват-аҳборот алмашинуви муаммолари бўйича I Бутуниттифоқ анжуманида хорижий меҳмонларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 3,5 минг экстрасенс ва олимлар қатнашди. Мана сизга шу нуфузли анжуман минбаридан



# ЭНГ БАХТИЁР ДАМЛАР

Боши 9-бетда

— Умрингиздаги энг бахтиёр дамларни эслай оласизми!

— Энг бахтиёр дамлардан бири, олий мактабга кирган, номзодлик ва докторлик диссертацияларини муваффақият билан ҳимоя қилган кунларимдир. Абадий эсда қоладиган лаҳзалардан яна бири талабалик йилларимда буюк сиймо — улкан олим ва ажойиб инсон, Ленин мукофоти лауреати Ҳабиб Абдуллаев билан танишган кезларимдир.

Илмий фаолиятимда ҳам бундай бахтиёр дамлар кўп бўлди. Фарғона водийсида ва кейинчалик Устюртда ўрта мезозой ётқизиқларини синчиклаб ўрганишим туфайли унда нефть ва газ конлари бўлиши мумкин деб айтилган башорат ва уни конлар очилиши билан тасдиқлангандаги лаҳзаларни ҳам бахтиёр дамлар деб айта оламан.

— Сиз, «этикод» деган тўшунчага қандай таъриф берасиз!

— Ҳар бир инсон ўз этикоди, ўз ишончи билан яшамок керак ва унга содиқ бўлмоғи лозим. Бу ишонч ўша ин-

олимлар эълон қилган далил. Аллан Чумак телевизор олдидидаги сувнинг ҳаётий фаоллигини оддий сувниқига нисбатан 25 марта ошириб берар ва бу шифобахш хусусият бир ойгача сақланар экан. Биз Чумакка қойил қоламиз-у нафаси Чумакниқидан ҳам ўткирроқ азайимхонлар ёнимизда беқадр бўлиб юргангани ўйламаймиз ҳам.

Дарвоқе, «Московская правда» рўзномасининг бултурги 13 август сониди берилган мана бу суҳбатга диққат қилинг.

— Сизга даволашни ўргатган устозингиз борми?— деб сўради рўзнома муҳбири Аллан Чумакдан.

— Йўқ,— дея жавоб қилди у қатъий оҳангда.— Мен овоз эшитаман. Буни қандай тушунишни хоҳласангиз, шундай тушунаверинг. Алоқа давраси кечқурун соат 11 дан бошланиб, тонгги соат 4 гача давом этади. Мен эшитиб ўтиравераман, овоз эса даволаш усуллари, қувват ва бошқа кўплаб нарсалар ҳақида гапириб бераверади.

«Қўлларимни тинглайман» номли китобида Жуна Дави-ташвили унга отасининг руҳи кўриниб, қандай даволашни ўргатишини ёзади (бу китоб яқин орада «Ибн Сино» нашриётида босмадан чиқади). «Қишлоғимизда кўҳна замонларга бориб тақаладиган урф-одатлар, этикодлар бўлгучи эди,— дейди у.— Мен, масалан, ҳали-ҳанузгача қайноқ сувни тўкаётганда «Шими алла!» («Оллоҳ номи билан!») деб қўяман (Жуна асли эронлик осурийлардан — Р. О.). Бу билан гўё кўринмас мавжудотни (хоҳланг руҳларни деб ўқинг) қайноқ сув тўкаётганимдан огоҳлантириб қўяман. Ота-онам менга шундай тарбия беришган».

Болгариялик машҳур фолбин Ванга ўлиб кетган одамларнинг руҳи билан гаплашиб башорат қилиши бутун дунёга маълум («Фан ва турмуш»нинг 12-сониди жиёни Красимира Стоянованинг Ванга ҳақидаги ҳужжатли қиссасидан парча эълон қилинмоқда). Узимизда ҳам кўплаб фолбинлар, масалан Муҳаббат Норматова билан Севара исмли қиз ҳам руҳлар билан суҳбатлашишади. Муҳаббатни бултур Москвага — Бутунжаҳон психознергосуггестия марказининг президенти Альберт Игнатенко ҳузурига олиб борганимда руҳлари ҳатто Игнатенкога ҳам кўриниб, уни ҳайратда қолдирди.

Ва, ниҳоят, руҳ мавжудлиги, инсоннинг вужуди ўлгач, руҳи кўринмас шаклга ўтиб, Ернинг қувват-ахборот майдонида яшаб қолишини совет материалист олимлари ҳам тан ола бошладилар (бу тўғрида «Фан ва тур-

соннинг имони, виждонига боғлиқ. Бусиз инсон беқарор бўлиб қолади. Масалан, олим ўз илмига сидқидиллик билан этикод қилиши, у билан нафас олиши лозим.

— Оилада фарзандларга муносабатингиз!

— Фарзанд тарбияси энг мураккаб ва шу билан бирга жуда фахрли ишлардан биридир. Ахир, улар бизнинг ўринбосарларимиз-ку! Уларни шундай тарбиялаш керакки, ота-оналарига етиб (албатта яхши ота-оналарни кўзда тутмоқчиман), ҳатто улардан ҳам ўзиб кетишлари зарур. Шу нуқтаи назардан «фарзандлар ота-оналардек бўлсин, уларга ўхшасин», деб айтиладиган тилаклар, маълум маънода тўлақонли эмас, чунки бундай бўлганда оилани, қолаверса, жамият тараққиётини чеклаб қўйган бўлар эдик. Демак, фарзандлар ота-оналарига маънавий ва руҳан етиб, улардан ўзиб кетганликларидиғана биз келгусида оила ва жамият тараққиётини таъмин қилган бўлаемиз. Бироқ, бу мақсадга етиш ғоятда машаққатлидир.

— Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз!

— Менга бўш вақт нисбий, бир қадар шартли маънода айтиладиган сўздек туюлади. Менимча, ижод кишиларида бўш вақт йўқ ёки ғоятда кам. Дам олиш кунни ҳам, меҳмондорчиликда ҳам, танаффус пайтларида ҳам, ҳатто уйқуда ҳам ижод узлуксиз давом этади. Лекин мен бадий ва тарихий асарларни ўқишни севаман, боғда меҳнат қилиб, экин экиб, ўсимликларни сугориб дам оламан.

Асабни жиловлай билиш, ишда ва ижодда бўладиган баъзи нохушликларни ирода билан энгиш инсонга ором, қувват ва илҳомбахш қанот беради.

муш»нинг шу йилги 1-, 4-5-сонларида берилган «У дунёдан хабарлар» номли мақолада муфассал ҳикоя қилинган).

Биоэнергетика, табиатда қувват-ахборот алмашинуви муаммолари бўйича тадқиқот ниҳоят бизнинг мамлакатимизда ҳам ривожлана бошлагач, хилма-хил қобилиятга эга бўлган экстрасенслар юзага чиқа бошлади. Табиийки, улар орасида дуохонларни ҳам кўплаб учратдим.

— Бемор келган заҳоти қайси аъзоси касал бўлса, менинг ҳам ўша жойимда оғриқ туради,— деб ҳикоя қилади тошкентлик Муҳаббат опа.— Қайси касалликка қарши қандай дуо ўқиш кераклиги ҳам менга дарҳол аён бўлади. Бемор бир неча кун қатнайди, у тузалаётганини ўзимдаги оғриқ камайиб боришидан биламан. Оғриқ батамом тўхтаган кунни бемор ҳам даво топган бўлади — муолажани тўхтатаман.

— Мен Сурхондарё вилоятининг Ленин йўли ноҳиясиданман, — деб ўзини таништирди бир кун муҳарририятга кириб келган бир йигит.— Илон, чаён каби газандалар чаққан кишиларни дуо ўқиб даволайман. Ҳар бирига алоҳида дуо ўқиш керак. Гоҳо ярим соатгача ўқишимга тўғри келади. Беморда оғриқ кўкрақдан белга, кейин тизга, болдир, оёқ кафтига тушиб бораверади ва ниҳоят бармоқлар учидан чиқиб кетганидан кейингина ўқишни тўхтатаман.

Бу кишини ЎзССЖ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг халқ таботати усуллари бўйича даволаш «Шарқ» шифохонасига олиб борганимда бош шифокор Мадийер Салоев ҳам қизиқиб қолиб, тажриба ўтказишга таклиф этди.

— Утмиш билан алоқамни юз ёшдан зиёд умр кўрган катта бувим орқали ҳам ҳис қиламан, — деб ёзади Жуна юқоридаги китобида. — У хотирам кўзгусида элас-элас кўзга ташланади. Мана, у қўллари билан қандайдир ҳаракат қилаяпти, силаб-сийпаяпти, мана, қўлига хипчин олиб, бемор устида айлантираяпти ва нималарнидир пичирляпти ва яна алланималарни шивирляпти. Бу ёрқин манзаралар хотирамга муҳрланиб қолган. Болалик чоғларимда ўйнаб юриб катта бувимнинг қўл ҳаракатларини такрорлашга уринардим, тасаввуримда туғилган нималарнидир пичирлаб ёки кўшиқ қилиб айта бошлардим. Катта бувим қандай касалликларни даволай олган экан? Бу саволимга ҳеч ким жавоб беролмади... Ҳозирги кунда қўлимдан кўп нарсга келишига қарамай эсра тушишини мен ҳам йўқота олмайман, катта бувим зуса йўқотарди.

Давоми 1991 йил 1-сониди



# АТ-ТЕРМИЗИЙ

Абу Иса Муҳаммад ибн Иса ибн Савра ибн Шаддод (883 ёки 892—93 йилларда вафот этган) 6 нафар тан олинган улуғ муҳаддислардан — ал-Бухорий, Абу Довуд, Муслим, Ибн Можа ва Нисъайлар қаторида ўрин олгандир. Нисбасига қараганда, Термизда туғилган, ёшлигидан жуда мукамал анъанавий олий муслмон маълумотини олган. Кўп саёҳатларда бўлган. Айниқса ҳадислар тўплаш мақсадида Хуросон, Ироқ ва Ҳижозда яшаган. У Аҳмад б. Муҳаммад б. Ханбал, ал-Бухорий ва Абу Довуд Сижжистонийлар устозлигида ижод қилган.

Унинг бутун дунёга машҳур бўлган асарлари қуйидагилар: «ал-Жаъм ас-Саҳих», «аш-Шамоил ан-Набавия», «Китоб ал-ақл ва л-ҳаво» ва бошқалар. У зухд, исмшунослик, шариат, тарих, тафсир, тасаввуф илмлари билан шуғулланган, мазкур соҳаларда етук асарлар қолдирган.

Пайғамбар ҳадисларини тўплаш ва ўрганишда ат-Термизий икки хил йўлдан борган. Биринчидан, ҳадисларнинг иснод (асл манба)ларининг мазмунини танқидий таҳлил этган. Иккинчидан, ҳар бир ҳадис атрофида борган мазҳаблараро нуқтаи назарлар курашига эътибор қилган, уларга танқидий ёндошган.

У Абу Ханифа, имом шофеъийлар изидан бориб, бир томондан исломга Ижмоъ, Киёс, Раъй каби рационалистик принципларни киритган. Асарлари муслмон Шарқидаги ҳурфикрлик, илмий-фалсафий, диний-ахлоқий тафаккурнинг кенг қамровлигини, умуман исломнинг ниҳоятда замон

ва шарт-шароитларга мослаша олиш қобилиятини шаклланишида муҳим роль ўйнаган.

Бошқа томондан эса, ат-Термизий Урта Осиё, Эрон халқларининг урф-одатлари, давлатчилик қонун-қондалари ва қадимги диний эътиқодларини исломга мослаштирилган тарзда сингдиришда катта хизмат кўрсатган.

Масалан, илк исломда жуда катта мунозараларга сабаб бўлган азиз-авлиёларнинг исломдаги нуфузи тан олинмишда бу зот катта хизмат кўрсатган. Хусусан, «Кашф ал-Маҳжуб» асари муаллифи Ҳужвирийнинг фикрича Абу Иса ат-Термизий суфийлар таълимотига валийлар ва уларнинг нуфузлари, даражалари тўғрисидаги мунтазам муаммони киритган. Ҳатто Исо алайҳиссалом (Исус христос)ни авлиёлик ва мўъжизалар кўрсатиш нуқтаи назаридан Муҳаммад салооллоҳ алайҳа вассалламдан юқори қўйиш даражасига борган.

Улкамизда ат-Термизий таваллудига 1200 йил тўлиши муносабати билан катта тантаналар бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССЖ Президенти Ислоҳ Абдукаримович Каримов бу улуғ зот таваллудига бағишланган халқаро илмий анжуман қатнашчиларига табрик йўллади.

Абу Иса ат-Термизийнинг фикрлари ва унинг илм, таълим-тарбия борасида тўплаган ҳадисларидан баъзиларини келтирамиз:

«Билмоқ — тил билан айтилгани қалбан тасдиқламоқдир».

«Илм жаннатга йўл очади».

«Илм қидирган одам агар у бу йўл

дан қайтмас экан, тангри — Ҳақ йўлдадир».

«Диний хабарлар тўплаб, улардан ҳаммани хабардор қилмаган қиёмат куни жаҳаннам олови билан тизгинланади. Кириб келаётган ўқувчиларни яхши салом-алик билан қаршилаш керак».

«Илмни тортиб олиб бўлмайди, аммо олимлар йўқ бўлса, ақлсизлар билан алмаштириб қўйилади. Диний фарзларини бажаришни, масалан, Қуръон ўқишни юзакигина бажариш билим йўқ бўлиб кетаётганлигини билдирмайди. Билим йўқ бўлганлигининг энг биринчи белгиси — ифбатни йўқотишдир».

«Дунё амалларидан қайси бирини бўлса ҳам қўлга киритишни кўзлаб ҳаракат қиладиган илм толиблари дўзахга тушадилар».

«Қуръонда ҳамма нарса тўғрисида илм берилган деб, ҳадисларни эшитиш, тўплаш ва ўрганиш билан шуғулланмаганнынг хатти-ҳаракати ижобатга ўтмайди».

«Мунофиқ икки сифатидан — яхши хулқ-атвор ва диний масалаларни билишдан маҳрумдир».

«Олим тақводорлардан, мен сизларнинг ораларингиздаги энг паст кишидан қанчалик юқори бўлсам, шунчалик устундир».

«Худо ва малоикалардан тортиб инидаги чумолилар ва балиқларгача башариятни яхшиликка (хайр) ўргатувчилар учун дуо қилинг!»

«Ўз билими даражасида саъй-ҳаракат қиладиган ва ўргатаётган олим Тахти осмоннинг энг улуғидир» («ал-Жаъм ас-Саҳих» асарида).

Абдуқодир ЗОҲИДОВ,  
ЎзССЖ ФА Фалсафа ва ҳуқуқ  
институтининг катта илмий  
ходими, фалсафа фанлари номзоди.

АҚШ да чоп этиладиган «Сан» ҳафтанома хабар қилади. 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган 11 нафар қиз ўзга оламлардан келган мавжудотлардан баҳайбат фарзанд кўришди. Қизларнинг бари Ғарбий Оврупо мамлакатларида яшайди. Улардан бири ҳақида қуйидагилар маълум.

Болгариялик 15 ёшли Тая бир куни тунда хонадаги ғалати ёғдудан уйғониб кетди. Деразадан қараганда, ташқарида камалакнинг жамики рангларида товланаётган бир шарни кўрди. Унинг катталиги қишлоқ уйддек келарди. Бунга қизиқиб қолган Тая ташқарига чиқиб, шарга қараб юрди. Яқинлашиб борганида эса НУЖ — Номаълум учувчи жисмининг ёнбошида йўлак очилиб, одамсимон учта мавжудот кўринди. Уларнинг бўйи 1,2 метрча келар, териси бронза тусли, баҳайбат қовоқлари эса ям-яшил эди. Қолаверса, келгиндилар жуда семиз экан.

Улар қизни ичкарига таклиф қилишди. Ундан у ёғига Тая фақат улкан ва қоронги хонани ҳамда гумбазсимон шифтда юлдузларга ўхшаш нуқталар ярқираб турганини эслайди, холос. Ниҳоят, қиз ўзига келганида намхуш майсалар устида ётганини, тунги осмонда эса ёруғ шар учиб кетаётганини кўрди.

Шу ҳодисадан кейин 10 ой ўтгач, Тая жуда йирик бола туғди. Бронза-яшил тусдаги бу мавжудотнинг баҳайбат калласи япасқи бўлиб, териси эса ўта қаттиқ эди. «Сан» ҳафтанома манбаини кўрсатмай айтаётган ха-

## ● Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

УНИНГ ОТАСИ  
ЎЗГА ОЛАМЛИК



барга кўра, бу ғаройиб бола ўзига ўхшаш яна 10 та бола билан биргаликда Совет Иттифоқида жўнатилган. Уларнинг бари кузатиш ва тадқиқотлар олиб бориш учун Ғарбий госпиталлардан бирига жойлаштирилган.



# КЭМПО-



# ЭВРИЛИШ САНЬАТИ

Шарқ ҳарбий санъатини эгаллашда унсурлари тобора мураккаблашиб борувчи қайтйи гуруҳлаштирилган машқлар расмий тус олди. Бунин олдиндан кўра билган шарқ файласуфлари дао таълимоти муайян шаклга эга бўлмаса-да, бироқ у жуда кўп шакллари келтириб чиқаради, деб таъкидлашган. Ана шу тармоқлар тао, яп, катонлар билан юритилади. Жуда қадимий бўлишига қарамай, баъзи бир таолар тарихий шахслар — халқ қаҳрамони, машҳур кўмондон, у-шу устасининг, шунингдек, дао ва будда руҳонийларининг номи билан атаб келинади. Яна бир қатор таоларга муайян ҳайвонлар хатти-ҳаракатини акс эттиргани боис уларнинг номлари берилган. Лекин, таолар шунчалик кўпки, уларнинг ҳаммасига ҳам ном қўйилмавермаган. Чунки тарих барча улуг зотларнинг ва турфа воқеаларнинг тафсиллини сақлаб қолишга мойил эмас.

Хусусан, барча таолар кэмпонинг метиндай мустақкам ақидаларига асосланади, яъни у майинлик ва шафқатсизлик, ўзини бўш қўйиш ва қатъият, кучларни жамлаш, тезкорлик ва сокин ҳаракатлар алмашувидан таркиб топади. Аниқ маром, масофа ва вақтни ҳис эта билиш, яхши нафас олиш, цини тана бўйлаб тўғри тақсимлаш таони омилкорлик билан бажариш гаровидир. Ҳаракат бошланган дастлабки нуқтага қайтиш ҳам зарурий талаблардандир. Ҳатто юзгача борадиган усулларнинг барчаси муқаддас қонунга мос равишда муайян даражада йиғиноклик билан хатти-ҳаракат қилишни тақозо этади. Кези билан жанговар наъра тортиш (И-я!) ҳам ҳаракатларга мос тузиши керак.

Тао туркумлари, агарда шу кунгача етиб келган барча хитой, япон, корейс, вьетнам, ҳинд, бирма, лаос, малайя, индонезия усулларини ҳисоблаб чиқилса, бир неча мингга етса ажаб эмас. Жаҳон амалиётида эса улардан бир юз элликка яқини бенгроқ маълум. Албатта, бу усулларнинг барчасини билиш шарт ҳам эмас. Чунки қадимда

энг соф кураш мактаблари ҳам уч-тўрт тао туркуми билан чекланган, холос. Фақат бизнинг замонамизда қаратэ оммалашгани боис ғарб идмон мактабларида ката, яъни тао туркумлари чеки ўнтадан ортиб кетди.

Агарда кэмпо машғулоти умуий тарзда ўзини англаш, жисмонан ва руҳан юксалиш деб баҳоланса, тао — фаол ўйчанликка эришиш ва камолатга етишишнинг энг мақбул усулидир. Узининг бутун маҳоратини, бутун вужудини бир неча ўнлаб хатти-ҳаракатлар курамасига сингдира олган киши бамисоли ажойиб кўшиқ айтётган ҳофиздек, ажойиб тасвир тушираётган мусаввирдек, энг ҳарир ғазални битаётган шоирдек ҳиссиётлар оғушида бўлади. Бу эса ижоднинг ҳаққа етишгудек илоҳий тилсимоти бўлиб, у фақатгина ўз умрини кэмпо машғулотида бағишлаган кишигагина насиб этиши мумкин.

Тао — кэмпонинг барча мактаблари учун хос қўлланмадир. Бу шундай туганмас хазинадирки, киши бутун ҳаёти мобайнида унга қайта-қайта мурожаат этаверади. Зеро қадимги кэмпо усталарининг айтишича, «тао аввалига қулоғингизга шивирлайди, сўнгра сизни секин суҳбатга тортади ва фақат шундан кейингина энг яширин сирларига ошно қилади».

Ҳўш, расмий машқлар нима учун бажарилиши керак, деган саволга кэмпо донолари бу машқларнинг ўзи сизга албатта жавоб беради, деб таъкидлашади. Уларнинг фикрича, тао тана ва руҳнинг курашга шай ҳолатини шакллантиради, руҳий фаолиятни бошқаради, хис-ҳаяжон зўриқишидан халос этади, иродани муайян мақсадларга йўналтиради. Машқлар бажарилаётган маҳалда ҳар бир мушак, ҳар бир асаб толаси ишга тушади, вужуддаги қувват чашмадек жўш уради. Таони санокли дақиқаларда турли ёшда, ҳар қандай об-ҳавода, бирон ашё ёрдамида ёхуд ашёсиз ҳам, яққа ўзингиз ёхуд бирон шерик билан бирга, шунингдек бутун жамоага қўшилиб бажаришингиз мумкин. Кэмпо санъатининг туб моҳиятига етмоқ учун, келинг, яна унинг қадимий соҳиблари сўзларига эътибор берайлик: «Исон учун ер ва осмон сифатлари хосдир, унда ёруғлик ва қоронғулик жамулжам, руҳ ва қалб бир-бирига келиб қўйилади, беш табиий ҳодиса (бешта унсур)нинг комил қуввати (ци) қўшилиб кетади», дейилади бундан қарийб йигирма тўрт аср илгари битилган «Русмлар китоби»да. — «космон илк ёруғликка эга бўлгани боис Қўёш ва юлдузларни кўтариб туради. Ер зимистондан бошлангани боис ўзини дарё ва тоғлар орқали намоеён этади. Илнинг тўрт фасли бўйича тақсимланган бешта унсур уйғунликка эришса ой тўлади (туғилади). Уч беш кунликда у чамбар бўлса, уч беш кунликда қайтади. Худди шундай беш унсур ноил бўлиб тугаб боради. Беш унсурнинг ҳар бири, тўрт фаслнинг ҳар бири, ўн икки ойнинг ҳар бири ўзгаси билан алмашиниш учун таянч бўлади». Қадимий шарқ фалсафий-диний таълимотлари инсон табиятини бутун борлиқ билан шу тарзда боғлаб тушунтиради ва ўзи асос солган кэмпо санъатининг ҳар бир қоида-сини унга суяган ҳолда таҳлил этади. Масалан, табиат унсурлари билан ишлаш мажмуасини олиб кўрайлик.

Ушбу машғулотларга фақат муайян ҳаракатлар ва асосий усулларни эгаллаб олган курашчиларгина кириша олганлар. Машғулотларнинг бутун мажмуаси қадимги хитой ва японияликларнинг календарларига монанд равишда ҳар бир унсур учун ўн иккитадан, жами олтимиш кунни қамраб олган. Мазкур даврий машғулотлар керак-лича ўзгаришлар ва қўшимчалар билан изчил равишда баҳор, ёз, куз, ва қиш фасл-

ларида олиб борилган. Шуниси ажабланиклики, курашчи машқларини ёлғизликда бажариши шарт ҳисобланган.

Табиат унсурлари билан ишлаш қисман будда динидан ўзлаштирилган дао таълимоти ақидаларининг амалий татбиқи ва тимсоли эди. Шу боисдан машқлар албатта сеҳрли хатти-ҳаракатлар ва таомиллар ила қўшилиб ижро этилган. Баъзи бир мактаб таълимларида эса ҳар бир унсур учун рамзий қурбонлик келтирилган, шунга мувофиқ тарзда афсунлар айтиб дарахт, ер, сув ва темирдан ўз мушқулени осон этиш тиланган. Ва ниҳоят шундай жисмоний машқлар бажарила бошланганки, улар бамисоли муқаддас табиатнинг унсурларига қисман каби ижро этилган. Машғулотлар ниҳоятда яна ўша унсурларга шукрона айтилган.

Машқлар албатта нафас олиш ва нафас чиқариш усуллари билан бирга келган, айни вақтда муайян ички аъзоларга таъсир этувчи нуқталарни силаб уқаланган. (Дао таълимотида кўра, ҳар бир унсур аниқ ички аъзо билан муштараклик касб этишини ҳам унутмаслик керак!) Унсурлар билан ишлаш машқлари эрта тонгда ёхуд оқшом соатлари олиб борилган. Кўйида ушбу машқларнинг айримларини келтириб ўталик.

**ДАРАХТ БИЛАН ИШЛАШ УЧУН** ўрмондан (муайян туркумлашга кўра) ўз юлдузига мос келадиган дарахт танлаб олинганки, у шогирдининг мучалига тўғри келган. Сеҳрли, масалан 6, 12, 36 рақамлари билан юритилувчи машқлар жуда хилма-хил бўлган:

— дарахт танасини кучиб, шу мақомда узок муддат уни сиқиб туриш;

— танага суяниб уни силжитишга ҳаракат қилиш;

— пўстлоқни бармоқлар билан маҳкам тутиб юлқиб олишга ҳаракат қилиш;

— бақувват шохга илиниб олиб узок вақт осилиб туравериш;

— шох ва бутуқлардан худди жисмоний машқ ашёлари (хари, брус, турник) каби фойдаланиш;

— дарахтни рақиб деб фарз қилиб, қўл-оёқ ҳаракатларини бажариш; аввалига дарахтнинг танасини, кейин эса қуруқ шохлари, сўнгра янги эгилувчан шохларини синдиришга уриниш, ҳамла қилиш ва ҳоказо.

Тахтача, гўлача, таёқларни уриб ёки тегиб синдириш ҳам дарахт билан ишлаш машғулоти тоифасига мансуб.

**ОЛОВ БИЛАН ИШЛАШ** машқлари тўғри нафас ола билиш ҳамда кескин ҳаракатлар қилиш ҳисобига чиқиқини тақозо этади. Бажариладиган машқлар сирасида қуйидагилари энг муҳимларидир:



Олов билан ишлаш.



— ёниб турган кўмир чўғи мушт, панжа, кафт ва қўлнинг бошқа жойлари билан урилади, сўнгра оёқ учи ва кафти билан тепилади;

— муайян аъзоларга тегишли нуқталар чироқ ёлқинида куйдирилади;

— гулхан устидан турли хил усулда сакралади, шу жумладан аланга узра ва аланга ичидан ҳам ўтилади;

— кафтнинг кескин ҳаракати билан ёниб турган ўт ўчирилади;

Мазкур машқлар шамчироқ билан ҳам бажарилади. Бунинг учун аввалига битта, сўнгра иккита, учта, бешта ва ниҳоят етти-та шам ёқиб, машқ олиб борилади. Шамлар кафтларнинг етиб бориш яқинлигидаги масофада тўғри бурчак остида жойлаштирилади. Бунда ҳар бир шамга бир зарба кифоя қилиши лозим. Агар зарба қондага мувофиқ тўғри тушса, унинг алангали тилидан «чилп» этган товуш чиқади. Бун «шамнинг саломини» деб ҳам атайдилар. Шамлар аввал муайян тарзда тўғри чизиқ бўйлаб, сўнгра турлича қиррали учбурчак ва тўртбурчак бўйича, кейин доира шаклида қўйиб чиқилади. Шам машқлари замонавий каратэ учун ҳам хосдир.

Ер билан ишлашда асосан ерда судралиш, сирпаниш ҳамда баданнинг ташқи қисмларини ва ички аъзоларни мустақкамлаш учун турли хил тупроқларда ағанаш машқлари бажарилади. Ушбу машқларни ҳар ким ўз дарахти яқинида бажариши тавсия этилган. Энди шу машқларнинг айримлари билан таништирамиз:

— бошни дарахт танасига текизиб ястаниб ётилади ва оёқлар қуёш томонга узатилади. Сўнгра тиззадан эгилган оёқларни қоринга тортиб, кафтларни тизза кўзида тутганча ичкаридан ташқарига айланма ҳаракатлантирилади;

— ястаниб ётиб, иккала қўл бармоқларини ерга теккизилади ва тупроқни чимдиб

олинади, шу ётганча тупроқни бўйинга уқалаб суртилади;

— ербағирлаб, тирсак билан сурилиб қоринда у-ёқ, бу-ёққа қайрилиш ҳамда орқага тисарилиш ҳаракатлари бажарилади;

— қўлларни бош узра узатганча ерда тез ўнгарилиш ҳаракатлари бажарилади;

— ерда ўтириб тизза кўзини қўллар билан турганча орқага ўгирилиб, гоҳ чап, гоҳ ўнг ёнга ағдарилиб, сўнгра айланиб, шу ҳаракатлар давом эттирилади;

— тиззага таяниб ўтириб, билакка тиралиб, навбатма-навбат барча асосий тўсиқ солишлар машқ қилинади;

— тиззага таяниб ўтириб, пешонани ерга тираб, тана ва бўйинни силтаб олдинга ҳаракатлантирилади;

Ер сирти машқлари ҳам бор:

— «найза — қўл» билан зарб ерга санчилади; «бургут тирноқлари» зарбаси билан кичик дўнғча текислаб юборилади; ҳамма ёғи тенг қилиб қавланган ўрада туриб-ётиб машқлар бажарилади; тупроққа тиззагача, белгача кўмилиш ҳаракат давом эттирилади; Ер билан ишлашда лойдан тай-ёрланган буюм ва ашёлар (ғишт, сопол идиш, черепица ва ҳоказо)ни синдириш усуллари ҳам қўлланади.

МЕТАЛЛ БИЛАН ИШЛАШ асосан мис ҳалқалар, темир золдир, шунингдек ниҳоятда ранг-баранг машқларни бажариш имкониятини берадиган совуқ қуролларга таянган. Лекин бу машқлар жуда ҳам мураккаб бўлгани боис кенгроқ таъриф бериш имконига эга эмасмиз.

СУВ БИЛАН ИШЛАШ. Сув таъсирида танадаги қон оқими яхшиланган ҳамда нотаниш муҳитларга мослаштирилган. Бу машқлардан айримларини диққатингизга ҳавола қиламиз:

— жиддирема сув остида (имкони бўлса шаршара остида) туриб баданнинг турли қисмлари шапатиланган;

— сувда сузишнинг турли усуллари тўғри нафас олиш машқлари билан бирга олиб борилган;

— сувга шўнғиб туриб нафас тутиб турилган;

— сув ичида зарба ва тўсиқ солиш машқлари бажарилган;

— сув тўлдирилган турли идишлар билан эпчил ҳаракатлар амалга оширилган;

— сув юзида қалқиб турган тахталарни уриб парчаланган;

— сув юзида муз бўлаклари уриб парчаланган ва ҳоказо.

Табиат унсурлари билан ишлаш машқлари, аслини олганда, кишининг умумий руҳий-физиологик ўзгариши ҳамда вужуднинг турли муҳитларга мослашувчанлик қобилиятини ошириши, одамнинг табиат билан қўшилиб кетишига, ўзини унинг ажратиб бўлмайдиган таркиби деб ҳис этишига кўмаклашиши керак эди.

БУОМЛАР ЕХУД ШАКЛЛАР БИЛАН ИШЛАШ кэмпонинг махфий мактаблари усулларининг қўшимчаси ва табиат унсурлари билан ишлашнинг давомидир. Цирк ҳуққабозлиги билан қандайдир ўхшашлиги бўлган бу машқлар курашчидан ўз танасини ўта қаққон ҳаракатлантириш ҳамда мазкур буюмни ҳис эта олиш зийраклигини ўстиришни талаб этади.

Мазкур машқлар учун, энг аввал одатдаги арқон, занжир, ҳар хил катталикдаги золдир, бир жуфт золдир, одам бўйиндан сал узунроқ таёқ керак бўлган. Арқон ва занжир пайни узайтириш учун қўл ва оёқни боғлаб бажариладиган машқларда ўралиш ва ечилиш учун фойдаланилади. Умуман арқон учун хос бўлган барча табиий сифатлар — унинг юмшоқлиги, эшилувчанлиги, пишқиллиги, ўралиб қолиши ва тўғриланиши мазкур машқларни олиб боришга аъло хизмат этади.

Қўрғошин қурра — золдирнинг юмалоқлиги, таранглиги, думаланиш хусусиятлари ҳам кэмпо машқларида жуда ўрнини топади. Ипга боғланган қурра одамнинг қўл-оёқлари, елкаси, боринг-чи бутун танаси бўйлаб ҳаракатланади, товон ёки оёқ кафти билан илиб олинади, бош тарафга ташланади, илиб олинади, яна олдинга ташланади, қўл билан сиқилади ва ҳоказо.

Таёқнинг тўғри ва қаттиги танланади. У қўл, бўйин, гавда атрофида айлантирилади. Устидан сакраб ўтилади, юриб ҳам ўтилади, уни тутиб туриб эгилиш, лангар каби таяниб сакраш мумкин.

Шу тариқа кўп ойлар давомида муттасил равишда шакли ўхшаш ва ўхшаш бўлмаган яна бошқа хил буюмлар устида ҳам иш олиб борилаверади. Барча ашёлар шартли равишда «юмшоқ ва қаттиқ», «енгил ва оғир», «думалоқ ёки сферик», «квадрат ёки куб» тарзида туркумланади. Умуман мазкур талабларга жавоб бера оладиган барча хил буюмлар, яъни оддий ошчўпдан (хитой ва японияликлар таомларни шундай чўп билан истеъмол этишади) тортиб кўчада ётган кичик бир тошча ҳам, туфлига тақиладиган илдан тортиб ўқув қўлланмаси бўлган китобдан ҳам машқларни бажаришга фойдаланаверилади.

Бундан ташқари, шакллар билан ишлаш атроф муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини кенг кўламада ўрганишни тақозо этади. Манзаралар шартли равишда «баланд — паст», «текис — нотекис», «катта — кичик» тарзида баҳоланади. Чунки, атрофдаги шароитга мослаша билиш кураш олиб бориш тактикаси учун айниқса аҳамиятга эгадир. Масалан, сакраётган маҳалда деворга таяниб-тиралаиб икки баробар кучга эга бўлиш мумкин, дарахт ёки устун ортига вақтинча яшириниш, шунингдек айланма ҳаракат учун таянч сифатида фойдаланиш, рақибга чап бериб қолиш ва унинг куч билан келиб урилишини таъминлаш мумкин.

Умуман, чор атрофдаги барча табиат унсурлари: дала — ер, боғ — дарахт, анҳор — сув, шунингдек манзара хусусиятлари: қоялар, тепаликлар, жарликлар, ўнгирлар, чўкмалар, қумликларнинг пасту баланди ҳаммаси тактика учун қўл келади. Масалан, кураш пайтида, қияликдан ҳужум қилаётган киши тик тургани ҳолда тиззасини букишга мажбурдир. Бу пайтда унинг қўллари рақибнинг оёқларига тўғри келади. Юқоридан ҳужум қилаётган кишининг оёғи эса рақибнинг боши ва қўлларига тўғри келади. Атроф қор босган бўлса, сакраш ва тезда бошқача усулларни қўллаш имконияти чекланиб қолади. Оёқлар ҳам суст ҳаракатланади. Лекин чинакам уста одам учун бу тўсиқларни энгиб ўтиш ҳеч гап эмас.



Тао машқларидан намуналар

Давоми келгуси йилда



# Шарқий Мучал

Осиё ва Африка қитъаларидаги мамлакатларда қабул қилинган йилнома ҳайвонлар номи билан аталувчи 12 йилни ўз ичига олган мучал асослангандир. Ушбу йил ҳисобига кўра, ҳар бир инсон мўайян йилда ўзининг келгусидаги ҳаётига таъсир кўрсатувчи туғма хислатларга эга бўлиб туғилади.

Ёзма манбаларда кўрсатилишича, бундай йил ҳисоби Грек-Бақтрия подшолигида яшаган кўчманчи чорвадор халқлар томонидан яратилган. Кейинчалик у Мўғулистон, Ҳиндистон, Хитой, Япония, Миср, Ироқ, Эрон, Афғонистон ва бошқа мамлакатларга тарқалган. Мучал йил ҳисоби, баъзи манбаларда айтилишича, Хитой билан Мисрда яратилган. Будда динидагилар орасида эса унинг келиб чиқиши тўғрисида шундай ривоят бор. Эмишки, Улуғ Будда янги йил арафасида «дунёнинг мири кам икки» эканлигини пайқаб қолибди: йиллар ном-нишонсиз, зерикарли ва ёқимсиз ҳолда бирин-кетин ўтаётган экан. Шунда у, қайси ҳайвон маслаҳат бериш учун келса, инъом олишини эълон қилишни буюрибди. Лекин Будданинг таклифига ҳамма ҳайвонлар ҳам хайрихоҳлик кўрсатишмабди. Унинг қошига бор-йўли ўн иккитагина ҳайвон келибди, аммо-лекин улар ҳақиқатан ҳам беназир инъомларга сазовор бўлишибди. Уларнинг ҳар бири, келиш тартибига кўра, бутун бошли бир йил билан, яна шу йилга ўз номлари ҳамда феъл-атворларига хос хусусиятларни бериш ҳуқуқи билан тақдирланишибди. Улар бундай тартибда келишган экан: энг аввало жозибали, софдил, бироқ сал-пал ҳовлиқма СИЧҚОН намоён бўлибди. Ундан кейин сабр-тоқатли, меҳнатсевар, одамови ҲУКИЗ [Ўрта осиеликлар мучалида СИГИР]; сезгир ва худбин ЙЎЛБАРС; толем баланд ҚУЁН; муруватли ва очик кўнгил АЖДАҲО [Ўрта осиеликлар мучалида БАЛИҚ]; доно ва чиройли ИЛОН; хуштабиат, бироқ, кўпинча омади юришмайдиган ОТ; юриш-туришда чапанинамо, аммо тортинчоқ ҚУЙ; топқир ва киришимли МАЙМУН; ўйчан ва кўнгил очик ХУРОЗ [Ўрта осиеликлар мучалида ТОВУҚ]; содиқ ва ўжар ИТ; жиззани ва «доно» ТЎНҒИЗ саф тортишган экан. [Мучал номлари ўзбекча аталишидан ташқари, форсча-тожикча сўзлар билан айтилиши ҳам кенг тарқалгандир. Улар шундай номланади: Муш, Бақар, Паланг, Наҳанг, Мор, Асп, Гўсфанд, Ҳамдуна, Мурғ, Сак, Ҳўк].

Қуйида берилаётган мучалдан қандай фойдаланиш керак! Ўзингизнинг ёки истаган кишингизнинг туғилган йилини билган ҳолда, тақдим этилаётган жадвалдан керакли белгини [ҳайвон номини] топиб, шу бўлимдан мазкур йилда туғилган кишилар феъл-атворида хос хусусиятларни билиб олишингиз мумкин. Ҳар бир тавсиф сўнггида одамларнинг уч гуруҳи мучал номлари билан санаб ўтилган. Бунда: а) тавсиф этилган белгида таваллуд топганлар учун дўстлар ёки ҳаёт йўлдоши сифатида мос келувчилар мучали кўрсатилган; б) ушбу мучалда туғилганлар бирмунча, шунингдек, маълум вазиятлардагина бир-бирига тўғри келади; в) мутлақо тўғри келмайди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш кераки, йилномалар, ойномалар Қуёшнинг йиллик ҳаракат йўли бўйлаб жойлашган юлдузлар туркуми — Ҳамал [Қўзи], Савр [Ҳўкиз], Жавзо [Эгизак қизлар], Саратон [Қисқичбақа], Асад [Арслон], Сунбула [Бошоқ], Мезон [Тарози], Ақраб [Чаён], Қавс [Ей], Жадий [Улоқ], Далв [Қовға], Ҳут [Балиқ] буржлари асосида тузилган-киши руҳияти ёки ишқий юлдузлар жадвалидаги васфлар ҳаммиша ҳам ҳар бир кишига тўғри келвермаслиги мумкин.

Қуйида берилаётган мучал 1920 йилдан то 2003 йилгача тузилган. Шу боис уни биринчи йил — СИЧҚОНдан эмас, балки МАЙМУН йили — тўққизинчи йилдан бошлашни маъқул кўрдик. Тақдир ҳазилини қарангки, «маймун» сўзи арабчада «бахтли», «ижобий таъсир кўрсатувчи» маъноларини англатади. Нимаям дердик, ушбу мучалномани ўқиганларнинг ҳаммаси ҳам бахтиёр бўлсин.



## МАЙМУН ЙИЛИ

Бу мучалда туғилганлар кўнгилга келган ишни қилувчи, ишончга сазовор бўлмаган ва терс одамлардир. Бироқ улар эпчил, ақлли, топқир бўлиб, энг қийин муаммоларни ҳам осонлик билан ҳал этишади. Уларда кўпдан-кўп ғалати хусусиятлар мавжуд ва ҳазил-мўтойиба тўғғуси кучли. Бу эса бошқаларни ўзларига жалб қилиб, жамиятнинг жонидилига айланишларига имкон беради. Айни пайтда улар қув ва маккордир, шу боис улар билан доим ҳушёр бўлиб муомала қилиш керак. Уларнинг киришимлиликлари ва ҳатто ҳар қандай хизматга бел боғлаб туришлари ҳам мунофиқонадир, аслида эса ўз манфаатини ўйлаб шундай қилишади. Шунингдек, улар хушчақчақ ва илтифотли бўлиб, бошқалар тўғрисидаги юракни эзадиган фикр-мулоҳазаларини сохта хушмуомилаликлари билан яширадилар.

Улар ўз фаолиятларини авж олдира олмайдиган деярли бирорта соҳа йўқ. Уларда илмга ташналик беқиёс, ҳамма нарсани ўқишади, бўлаётган воқеалардан ҳаммиша хабардор. Хотиралари жудаям кучли бўлиб, кўрган ёки эшитган нарсаларининг майда-чўйдасигача унуттишмайди. Барча ишлари бетартиблиги учун ҳам уларга хотира зарур. Уларнинг топқирлиги ҳайратомуздир: мураккаб муаммоларни тез ва ўзларига хос ҳолда ҳал этишади. Бироқ уларни чалғитиб, фикрларини ўзгаририш осон. Улар жуда ҳовлиқма бўлиб, ҳамма ишни шу заҳотиёқ амалга ошириб қўя қолишни хоҳлашади. Арзимас тўсиқ ҳам уларнинг дилини хира қилиб, режаларини бузиб юбориши мумкин. Бирор ишни бошламасдан туриб, шу заҳотиёқ унинг баҳридан ўтишлари мумкин, кўпчилиги қатъиятсизлиги ва ҳатто кўрқоқлиги билан ажрალიб туришади. Уларнинг ҳар қандай мушкул аҳволга тушиб қолганларида ҳам, унга чап бериб қутилиб кетишларини муносиб баҳолаш даркор. Улар табиатан мустақил ва ўзига хос хислатга эгадир. Бирон-бир нарсани уларга мажбуран қабул қилдирмоқ ёки ўқтирмоқ мушкул. Улар ўз хоҳишларини амалга оширадилар. Амалпарастлик қонларида бор. Ҳеч иккиланмай, ҳатто виждонсизлик билан бўлса-да, ўз ниятларига эришишга қодирдир. Ўз ҳафсалаларига қараб иш қилишса, кўпинча ном чиқаришади. Фақат улар одамларга малол келиши мумкин бўлган маҳмадонангарчиликлардан ўзини тийиши лозим. Гарчи баъзи қийинчиликлар бўлиб турса ҳам, умуман олганда, иқтисодий жиҳатдан яхши яшашади. Ишқ-муҳаббат бобида бахтга эришишлари қийин. Чунки улар эҳтиросли бўлиб, жуда тез ошиқ бўлиб, кўп ўтмай маъшукаларидан кўнгиллари совиб, бошқасини қидиришга тушиш мумкин.

- а) аждар, сичқон;
- б) қуён, қўй, ит, маймун;
- в) илон, тўнғиз, йўлбарс.





## ХҲРОЗ (ТОВУҚ) ЙИЛИ

Ушбу йилда туғилганларга журъат ва довиорақлик хос. Улар шу даражада жасурларки, лабда табассум билан ўз ҳаётларини таҳлика остида қолдиришга тайёр. Булар чуқур фикрловчи ва истеъдодли шахслардир. Меҳнатсевар ва ўз ишларига жон-диллари билан берилишади. Қурбларни етмаса ҳам, ҳар қандай мажбуриятни бажаришга тиришади. Мабодо муваффақиятсизликка учрашса, диллари жудаям сиёҳ бўлади. Нима ўйласалар, шуни рўй-рост гапирдилар. Бу эса, кўпинча, уларнинг ҳаддан ташқари тўғри сўзлигидан ўзини четга тортувчилар билан тўқнашувга олиб боради. Бироқ бу ростгўйлик — ростгўйликдан кўра худбинликка мойилликдир. Улар бошқаларнинг ранжишига бефарқ бўлиб, тез-тез шафқатсизликларини кўрсатиб туради. Турган гапки, бу хислат уларнинг муомала билан иш битиришларида тўғаноқ бўлади. Савлат тўкиб юришни яхши кўришади, ён-атрофдагилар эътибор бериши учун дид билан кийинадилар. Аммо, аслини олганда, улар ўзларига зарар етказишларига қарамай, мутаассибдилар. Одатда, ўзларини мутлақо ҳақман, деб ўйлашади, аини пайтда қилаётган ишларининг моҳиятини яхши билишади. Ўзларига бино қўйишларининг сабаби ҳам шунда. Ҳақиқатан ҳам, кўпинча ҳақ бўлиб чиқишади. Ақл-заковатлари теварак-атрофдаги одамларда уларга нисбатан қизиқиш уйғотади. Бироқ уларнинг кўпчилиги мақтанчоқлиги билан дарров ихлосни қайтаради. Қўлидан келадиган ишдан кўра, кўпроқ гапирдилар. Аксарият ҳолларда, ишқий дилкашликларига нисбатан, кўпроқ ёқимли қиёфалари билан кўзга ташланшади. Баъзан дангасаликка мойиллик билдиришади. Лекин, аслида, уларнинг фаол бўлиши учун ҳамма асос бор. Пул уларга ўз-ўзидан келавермайди — ўзини таъминлаш учун ишлаши лозим. Агар улар қатъият кўрсатиб, ўз дангасаликларини енга олсалар, молдунё билан таъминланишади. Вьетнамликлар айтганидек, «меҳнатсевар ХҲРОЗ ҳатто саҳрода ҳам ўзига ҳамиша хўрак топа олишига» қатъий ишоншади. Аммо улар мабодо дангасалигу орзу-хаёлларга берилишни ўзларига эп кўрсалар, бу уларнинг хонавайрон бўлишларига, обрў-этиборларини йўқотишларига, бошлаган ҳамма ишлари пучга чиқишига олиб боради. Ишқ-муҳаббат бобида ҳаётлари анча машаққатли кечади, севган кишиларини қўлга олмоқ ва қўлдан чиқармаслик дачун кўпдан кўп куч-гайрат сарфлашади. Бутун ҳаётлари давомда иқтисодий ва севги муҳаббат соҳасида яхши кунларни ҳам, ёмон кунларни ҳам бошдан кечиришади. Улар камбағалликдан бойликкача, юксак муҳаббатдан тубанликкача бўлган йўлни босиб ўтишади. Кексайганларида бахтли яшашади.

- а) хўкиз, илон, аждар;
- б) сичқон, хўроз, ит, қуён;
- в) йўлбарс, от, маймун, қўй, тўнғиз.



## ИТ ЙИЛИ

Бу йилда туғилган одамларга энг яхши инсоний хислатлар хос. Улар содиқ ва софдиллиги ҳамда сир сақлай олиши билан ўзларига нисбатан ишонч уйғотишади. Бундан ташқари, улар ҳазил мутойиба тўйғусига эга, майда гаплардан узоқ. Бироқ улар ҳаддан ташқари ўжар ва тез-тез сурбетлик даражасигача боришади. Уларнинг кескин ва совуқ гаплар билан фикр билдиришга, ўринли ва ўринсиз танқид қилишга, ҳамма нарсадан кир қидиришга — камчилик топишга интилишлари сезилиб туради. Ҳаққоният йўлида улардан яхшироқ курашчи йўқ. Ҳар қандай ноҳақлик ушбу йилда туғилганларда норозилик уйғотади ва улар то уни бартараф этмагунча тиниб-тиничишмайди. Шу билан бирга, бошқалар учун қўлларидан келган ҳамма эзгу ишни қилишади, садоқатлари туфайли ўз манфаатларидан воз кечишга қадар бориб етадилар. Ён-вериларидаги кишилар уларни бутунлай муносиб равишда ҳурмат қилишади. Хайриятки, ит йилида таваллуд топганлар камдан-кам ҳоллардаги-

Муҳтарам муштарий!

Ушбу «Шарқий мучал» мақоласи этнографик маълумот сифатида бериляпти. Ундаги «башоратлар» ҳаммага ҳам тўғри келавермаслиги мумкин.

МУҲАРРИРИЯТ.

на аҳмоқона ишларни ҳимоя қилиб чиқишади. Булар пулга қизиқмайдиган, файласуф, насиҳатгўй ва сўл нуқтаи назарга эга кишилардир. Ташқаридан бироз худбин, гайриоддий ва ақлга сиғмайдиган даражада ўжар, ҳис-тўйғудан маҳрумдек кўринадилар, лекин бу алдамчи таассуротдир. Аслида, барча яхши инсоний феъл-атвор уларга хос. Фақирликда яшайдиларми ёки фаровон ҳаёт кечирдиларми, бундан қатъий назар, ақлга қараб иш туттишади. Моддий жиҳатдан тўқин-сочин яшамасалар ҳам, қаноатлидилар. Ҳатто мўл-кўлликка эга бўлганларида ҳам, ҳашаматли уйларда яшашига мойил эмас. Бироқ, мабодо уларга пул зарур бўлиб қолса, уни осонгина топа олишади. Одатда, бундай кишилардан яхши раҳбарлар ва фаол жамоат аربоблари етишиб чиқади. Одамларга раҳбарлик қилиш учун уларда ажойиб қобилият бор. Лекин, энг муҳими, улар ҳар қанақанги соҳада ҳам софдилликларича қоладилар. Шунга қарамай, улар кўпинча гапга нўноқ бўлиб, баъзан ўз фикр-мулоҳазаларини қийналиб баён этишади. Шунинг баробарида, ақллари расо, ҳеч ким улардек зийраклик билан гапга қулоқ солиб тура олмайди. Севги-муҳаббат бобида ҳам пок ва фаросатлидилар, бироқ бутун умрлари бу соҳада машаққатли ўтади. Қолаверса, бу, уларнинг қатъиятсизликлари билан боғлиқдир. Уларни адолат учун курашда катта саргузашт ва қизғин олишувлар кутади. Ҳаётлари осойишта ўтмайди.

- а) от, йўлбарс, қуён;
- б) сичқон, илон, маймун, ит, тўнғиз;
- в) аждар, қўй.



## ТЎНҒИЗ ЙИЛИ

Бу мучалда туғилганларни мардонавор феъл-атвор, одоб-назокат, хизматга шайлик, нозик табиатлилик бошқалардан ажратиб туради. Уларга ҳеч иккиланмай ишонш мумкин, чунки улар хиёнат қилишмайди. Ниманики ишга ваъда берсалар, қўлларидан келганча бажаришади. Чекинш ва тараддудланишни билмаган ҳолда, фақат тўғри йўлни танлашади. Булар виждонли ва мард кишилардир. Аини пайтда, дўлвор, ишонувчан ва ҳимоясиз кишилар бўлиб, уларнинг дилини оғритмоқ осон. Бошқа кишилар билан тил топишишлари қийин, аммо ўзларининг бармоқ билан санарли дўстларини ҳеч қачон оғир аҳволда қолдиришмайди, умр охиригача уларга содиқ бўлишади. Сулҳпарварликлари, бироқ, баъзан ҳақ-ҳуқуқ талашиш ва «ков-ков» қилишни хоҳлаб қолишлари билан ажралиб туришади. Шу боис, дам-бадам турли-туман мушкул аҳволга тушишади, хунук воқеаларга дуч келишади. Кам гап, аммо жуда қизиқувчан бўлишади, кўп ўқишади, ҳамма нарсадан хабардор бўлиб юришади. Бироқ билими текширилиб кўрилгудек бўлса, аксар ҳолларда, бу билим тасаввур қилингандек тўлиқ эмаслиги маълум бўлиб қолади. Моддий жиҳатдан таъминланганларига келсак, тўнғиз йилида туғилганлар кундалик харажатлари учун керакли маблағни топа олишади. Кўп саъй-ҳаракат қилмаганлари ҳолда иш жойларига ҳам, маблагга ҳам эга бўлишади. Лекин ҳаддан ташқари ишонувчанликлари ва беғамликлари туфайли ишлари ёмон тус олиши ҳам мумкин. Шу боис доимо эҳтиёткор бўлишлари ва ҳеч кимга ишонмасликлари лозим. Кўпинча яхшиликларини сунистеъмом қилиб, зарар етказувчи кишилар топилди. Шунга қарамай, улар ёрдамдан юз ўғирмаслиги керак. Яхши ўйинчи бўла туриб, мусобақанинг руҳий ҳолатини ҳеч қачон пайқашмайди. Бировни алдаганларида ҳам, фақат иложлари қолмаганда ва ўзларини ҳимоя қилишлари учунгина ёлгон гапирдишади. Улар беғам кўринсалар-да, аслида иродали ва ўжардир-



лар. Уйлаган ниятларига эришиш учун бутун куч-қувватларини ишга солиб интилишади. Табиатан бақувватлар — уларнинг куч-қувватига ҳеч ким бас келолмайди. Бироқ бирор қарорга келишдан олдин унинг «яхши» ва «ёмон» томонларини узоқ қиёслашади, шундай кезларда ён-веридаги кишилар назарида улар нима қилишини билмаётгандек туюлишади. Ҳақиқатда эса бундай эмас, улар ўз ишини жуда яхши билишади, фақат ишни мураккаблаштирмаслик, гоҳида унга зарар етказмаслик учун узоқ вақт мулоҳаза юритишади.

Ушбу йилда туғилган аёллар совға-салом қилишни, шод-хурсандчиликни хуш кўришади. Улар яхши она ва оқилона уй бекасидирлар.

- а) қуён, қўй;
- б) сичқон, йўлбарс, ҳўкиз, аждар, хўроз, ит, тўнғиз;
- в) илон.



## СИЧҚОН ЙИЛИ

Ушбу мучалда туғилганлар ташқи қиёфасидан ёқимли, жозибадор, собитқадам, меҳнатсевардир. Бир қарашда хотиржам ва босиқ кўринишса-да, бунга ишонмаслик керак, чунки улар асабийлиги тажовузкорликларини яшириб туришади. Уларнинг тажонглиги, жонсарақлиги, қизиқончилигини билиш учун олисдан туриб мулоқотда бўлишнинг ўзи кифоядир. Бу йилда туғилганлар тежамкор, бойлик йиғишга илҳосманддир. Тежамкорликларини фақат бирор нарсага ишқибозлик ёки буюк муҳаббатгина ёддан кўтариши мумкин. Баъзи бирларига очкўзлик ҳам хос. Уларни ёқтирган одамларгагина қўллари очик. Ҳаддан ташқари эҳтиёткорлар, лекин бу, кўпинча, беҳудадир. Улар жанжалкаш, шу билан бирга турли-туман тартибсизлик ва тўстўполон чиқишига сабабчи бўлишади. Чақма-чақарликни хуш кўришади, фиксу-фужурдан ҳазар қилишмайди, шу боис ҳақиқий дўстларидан кўра таниш-билишлари кўп. Ҳеч қачон ҳеч кимга ишонмайди, ғам-ташвишларини танҳоликда ўзлари тортадилар. Бундан ташқари, ҳамма нарсадан манфаат кўришга, фойда топишга интилишади. Ўз ҳусн-тароватларини ишга солиб, ундан жудаям кўп фойдаланишади. Ҳеч нарса билан қаноатланишмайди, ҳузур-ҳаловатлари йўлида ҳар қандай пастнашликкача етиб боришади. Айни пайтда, келажакларидан ташвишланиб, кексайганда бировга қарам бўлмаслик учун, тежаб-тергашини ҳаммаша орзу қилишади. Одатда, бирор иш қиладиган бўлишса, муваффақият қозониб, кўзлаган мақсадларига эришишади. Шунга қарамай, меҳнат билан эмас, балки мугомбирлик билан кун кечиришни афзал кўришади. Сийёсат соҳасида муваффақият қозонишлари, яхшигина санъаткор бўлишлари мумкин. Жисмоний ишлардан кўра ақлий меҳнат билан боғлиқ ишларини бажонидля бажаришади. Бахтга қарши, йиққан пулларини орқа-ўнгига қарамай шу захотиб сарф қилишади. Бу йилда туғилган аёллар эса ўз молпарастликлари билан ажралиб туришади. Умуман, сичқон мучалидагилар ҳаёти жўшқин ўтиши, бироқ иш ўнганмаганда ёки бахтдан сармаст бўлганида бор бисотидан ажралишлари мумкин. Кексайганда тинч ҳаёт кечиришади. Шунга қарамай, ўз рақибларини назардан қочир-

маслиги, диққат билан кузатиб туриши лозим. Чунки беғамликлари бахтсизликка олиб бориши мумкин.

- а) аждар, маймун, ҳўкиз;
- б) илон, йўлбарс, ит, тўнғиз, сичқон;
- в) от.



## ҲЎКИЗ (СИГИР) ЙИЛИ

Булар сабр-тоқатли, камгап, ишончга лойиқ, вазмин, имиллаган, яхши феъл-атворли кишилардир. Бироқ вақт-вақти билан «қилиқ» қилиши, ўзларини тута олмай қолиши мумкин. Бундай кезларда эҳтиёт бўлиш керак, чунки уларнинг газаби кўзиганда чек-чегарани билмайди. Аксар ҳолларда содда қиёфада бўлишса-да, ақл-заковат соҳиб ҳамда чуқур мулоҳаза юрита олиш қобилиятига эга шахслардир. Одатда камгап, бироқ илҳом келганда гапдон бўлиб кетишади. Улар жисмоний жиҳатдан бақувват, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотишга бардошли. Ўзларига қаршилик кўрсатилишини ёқтиришмайди, ўжар ва бошлаган иш муваффақиятсизликка учраса, бунга чидолмай, ўзларини қўярга жой тополмай қолишади. Яхшиси, уларга қаршилик кўрсатмаган маъқул; кимда-ким улар йўлига тўғаноқ бўлса, фалокатга йўлиқади. Ҳар ҳолда, улар жаҳли тез ва кайфиятини бузадиган ҳар қандай янгиликка душмандир. Булар ҳукмини ўтказадиган, айни пайтда урф-одатларга, расм-русмларга, ақлдаларга илҳосманд кишилардир. Савдо-сотик ва ижтимоий муносабатларда пастбаландни яхши ажрата олишмайди, сиҳат-саломатлигига таъсир кўрсатадиган, осойишталикларини бузувчи, яъни сафар қилиш ёки иш жойларини ўзгартириш билан боғлиқ касблар уларга тўғри келмайди. Афсуски, ўжарлиги ва эскилик тарафдори бўлганлиги туфайли камдан-кам одам уларнинг феъл-атворига ташуниб етади. Турмушларида онла катта аҳамият касб этади. Болаларини яхши кўриб, улар билан фахрланишади, бироқ буйруқ беришга ўрганганликлари сабабли уларга ҳам тез-тез қўполлик қилиб туришади. Шунга қарамай, ҳўкиз йилида туғилганлар ўз онласига бахт-саодат келтирувчи ҳақиқий меҳнаткаш кишилардир. Эркин касбларгина уларга қўл келади, лекин яхши раҳбар ҳам бўлиши мумкин. Айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида миришкордир. Ушбу мучал аёллари хонанишини бўлиб, ўз онларини учун жудаям жон куйдиришади, онла равнақи учун уни қаттиққўллик билан бошқариб боришади. Эрларини кўпинча ўз измларида тутушади.

Ушбу йилда туғилган аксарият эр-хотинлар хушмуомала, садоқатли, ҳиссиётли бўлиши мумкин, лекин сира хаёлпараст бўлишмайди. Болалик ва ёшлик чоғларида катта воқеа сифатида ёдда қоладиган деярли ҳеч нарса юз бермайди. Кексайганларида мушкул аҳволга тушиб қолишлари мумкин, аммо уни бартараф эта олишса, қариллик гаштини хотиржам сураверадилар.

- а) илон, хўроз, сичқон;
- б) аждар, қуён, маймун, тўнғиз, ҳўкиз;
- в) қўй.

А. ШОМИРЗАЕВ тайёрлаган.

Ежемесячный научно-популярный журнал АН УзССР «Фан ва турмуш» («Наука и жизнь») № 11 (421) 1990 г.

Қўлёзма ва расмлар Саҳифаловчи Абдувоҳид ТўРАЕВ қайтарилмайди.

Бадий муҳаррир Уста ВАЛИ

Журналимиз мақолаларидан фойдаланилганда «Фан ва турмушдан олинган» деб кўрсатилиши шарт.

Телефон: 33-07-05; 39-04-11; 39-04-12; 39-04-84; 39-03-88

Унвонимиз: 700000, Тошкент ГСП(П) Гоголь кўчаси 70-уй

Теришга 17.08.1990 йилда берилди. Босишга 19.10.1990 йилда рухсат этилди. Қоғоз 60×90<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Ботиқ босма. Ботиқ босма қоғози. Шартли босма т. 4,0. Шартли рангли намуналар 10. Нашриёт-ҳисоб т. 5,0. Нухаси 494571. Буюртма № 4118. Нашр № 449. Нархи 40 т.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан боғланаси. Тошкент шаҳри, ГСП, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй.  
© «Фан ва турмуш»



**У**шбу суратда ҳайвонот оламидаги ҳаёт-мамонт жангини кўриб турибсиз. Маълумки, ҳар қандай йиртқич қуш — кундузи овга чиқадиган қирғий ё бургутми, тунда овга чиқадиган бойқушми — сичқону қуёндан илону кичикроқ сўт эмизувчиларгача бўлган йирик ўлжаларини тутиш учун махсус мосламаларга эга. Митти осие лочинидан тортиб Филиппин оролларида маймун овлаб яшовчи гарпия деган йиртқич қушга қадар ўлжасини бурдалашда ўткир тирноқларию бақувват тумшукларига ишонади.

Африканинг узундум бургути қушларни парвоз чоғида тутиш учун узун-узун бармоқларга эга. Бойқушнинг чангали илон ё қалтакесак каби майда ҳайвонларни тутишга мос ҳолда қалта ва бақувват. Жамики йиртқич қушларнинг тумшуги ихчам ва қийшиқ, лочиники эса ўлжанинг бўйин умуртқасини синдириш учун ҳатто аррасимондир.

Лекин шунча қуроли бориға қарамай қуш дастлабки зарбасида жиндак янглишса ҳам у билан ўлжаси орасида қаттиқ жанг кетади. Сиз суратларда кўриб турган Виргиния уккиси бешарпа ташланаётганда илоннинг бошини мўлжаллаётган эди. Тунги нигоҳи қанчалик ўткир бўлмасин, у ҳужум чоғида ниҳоятда кучли эшитиш қобилиятига ҳам суянади. Бироқ укки мўлжалда адашиб, илоннинг бошига мўлжаллаган зарбаси бўйнига тегди, бундан фойдаланган илон эса шу лаҳзадаёқ уни думи билан уриб ағдарди. Кейин жон-жаҳди билан қочиб кетишга уринди-ю лекин уккининг темир чангалидан чиқиб кетолмади.


Шунда илон уккини чирмаб, бўғиб ўлдиришдан бўлак чора йўқлигини тушунди, бунини укки ҳам сезиб унга доғур рақибини ҳалок этишга ҳаракат қила бошлади. Бу хил жанглар баъзида ҳар икки томоннинг ҳалокати билан тугайдиган пайтлар ҳам бўлади. Патлари тўзғиган, бўғилиб бораётган укки ниҳоят ға-лаба қозонди — илоннинг танасини темир чангалда сиқиб турганча, ўткир тумшуги билан ўлжасининг бўйинини узиб ташлади.



**Ҳаёт-мамонт  
жанги**







**BRUCE LEE**  
1940-1973